



TAFAKKUR

ТАФАККУР 4/2024

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нархда



TAFAKKUR 2024

TAFAKKUR



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 4/2024



MIRZO ULUG'BEK



OLIMLAR SHONI, SHONLAR OLIMI

Улуғбек Мирзо донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди. Етти қироат била Қуръони мажид ёдида эрди. Ҳайъат ва риёзийни хўб билур эрди. Андоқким, зиж битди ва расад боғлади ва ҳоло анинг зижи орода шоеъдур. Бовужуди бу камолот гоҳи назмға майл қилур.

Алишер НАВОИЙ

Олим, одил, ғолиб ва ҳимматли подшоҳ Улуғбек Кўрагон юлдузлар илмида осмон қадар юксалиб борди, маоний илмида қилни қирқ ёрди. Унинг даврида олим ва фозиллар мартабаси ниҳоят баланд чўққига кўтарилди. [Мирзо Улуғбек] ҳандаса илмида [ҳар қандай] чигалликларни ечгувчи, ҳайъат илмида Мажистийкушо эрди. Фозиллару ҳақимларнинг яқдил фикри шулки, исломият замонида, балки [Искандар] Зулқарнайн замонидин шу дамгача Улуғбек Кўрагондек олим ва подшоҳ салтанат тахтида ўлтирмаган.

Давлатшоҳ САМАРҚАНДИЙ

...Улуғбек Мирзонинг имороти ва бағоти Самарқанд маҳалло-тида кўптур. Иморотларидин Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ деб нишон берурлар.

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

[Улуғбек] араб тили сарфу наҳвини мукамал билади ва [бу тилда] гўзал услубда ёзади. У арабий, форсий, туркий, мўғулий ва бир оз хитой тилини ҳам билади... Аруз ва қофия илмидан бағоят яхши хабардор. Анварийнинг девонини тўлиқ ёд билади. Баъзида ўзи ҳам Анварий услубида чиройли шеър ёзиб туради... Унинг хотираси дунё мўъжизаларидан биридир.

Ғиёсиддин Жамшид КОШИЙ





ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ
Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Фозиллар мум тишласа... *Адабиётшунос олим*
Боқижон ТҲХЛИЕВ билан суҳбат 4



70

БОҚИЙ САРЧАШМАЛАР

Бирлик, биродарлик матлаби 18



ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ


Санжар САИДОВ. Фуқаролик жамияти: тафсил ва таҳлил 26

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Абдурахим ЭРКАЕВ. Неоимпериализм:
мустақилликка янги таҳдидлар. *Иккинчи*
мақола 34

ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Саъдулла ОТАМУРОДОВ. Қачон миллат
бўламиз? 42



80

НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

АНАР. Яшасин сўз эркинлиги! *Ҳикоя* 48

СИРЛИ САРҲАДЛАР

Шомирза ТУРДИМОВ. “Минг бир нақл”дан
бир шингил 62

МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Оскар Уайльд иқроллари 70

Озарбайжон халқ ёзувчиси АНАР



ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Носиржон ЖҲРАЕВ. Ҳузунвор хуррамлик 74

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Эргаш АҲМЕДОВ. Илдизларга керак тоза
ҳаволар 82

Жасурбек АҲМЕДОВ. Аждодлар омонати 83

Сардор ҚУВОНОВ. Элни вабодан қутқар-
ган зот 85

Рустам ТУРСУНОВ. Хоннинг Фузулийга
тахмиси 87

Севинч ПЎЛАТ қизи. “Созлар мунозараси”
теграсида мулоҳаза 88

Комилжон СУЛТОНОВ. Китобга ошиқ
жаҳонгир 90

Асрор БОЗОРОВ. Ер остида яширин та-
маддун 91

“ТАФАККУР”ГА МАКТУБЛАР

Илоҳий қонунларга терс бориб 93

Журналнинг инглизча мухтасар
мазмуни 95

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Таҳририят
Бош муҳаррир ўринбосари
Собиржон ЁҚУБОВ
Бўлим муҳаррирлари
Султонмурод ОЛИМ
Нодира ОҒОҚ
Шоҳсанам РҲЗИМАТ қизи

Бадий муҳаррир
Ольга ЖОЛДАСОВА
Мухбир-муҳаррир
Насрулло ЭҒЛАШ
Техник муҳаррир
Наргиза УСМОНОВА

Жамоат кенгаши
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ
Абдулла АЪЗАМ
Олимжон ДАВЛАТОВ
Хушид ДАВРОН
Шухрат РИЗО
Сирождин САЙИД
Хайридин СУЛТОН
Абдурахим ЭРКАЕВ
Муртазо ҚАРШИБЎЙ
Дилмурод ҚУРОНОВ
Отабек ҲАСАНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маъри-
фат маркази.
Ўзбекистон Республикаси Маtbуот ва ахборот
агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.
Маtbларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва
маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар
жавобгардир.
Журналдан кўчириб босилганда манба кайд
этилиши шарт.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси,
9-бино.

☎ (55) 508-11-45
(55) 508-11-46
✉ tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андасиси таҳририятнинг компьютер
булимида тайёрланди.
“Global Color Print” босмахонаси. Тошкент
шаҳри, Фозилтепа кўчаси, 22б-уй.
2024 йил 9 декабрь куни босмахонага топши-
рилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 6 босма табоқ,
04/12/2024-буюртма. Нашр адади 5200 нусха.



FOZILLAR MUM TISHLASA...

*Адабиётшунос олим
Боқижон ТЎХЛИЕВ билан суҳбат*

– Устоз, узоқ йиллардан буён илмий фаолиятдасиз, фундаментал тадқиқотлар яратгансиз. Кўплаб шогирдларингиз бор. Олий аттестация комиссиясида экспертлар гуруҳи раҳбари сифатида ишладингиз. Ҳозир ҳам нуфузли Ихтисослашган илмий кенгаш раисисиз. Хабарингиз бор, яқинда ОАВда илмий раҳбарлик тартиб-қоидалари, плагиатлик хусусида анча шов-шувли баҳс-мунозара бўлди. Илмга, маънавиятга дахлдор ҳар бир одам ё ошкора, ё ич-ичидан ўша мунозараларда иштирок этди. Менга баҳслар ҳам, унга берилган туртки ҳам миллий фанимизни манфаатли соҳага айлантиришдан кўра шахсларга қаратилгандек туюлди. Лекин барибир жамоатчилик бир силтаниб олди... Тўғриси, бизда илмий ишга қўйиладиган талаблар анча-мунча “мустабид”, тадқиқотчини қаттиқ бир қобиқ ичида сиқиб қўяди. Дейлик, “Шекспир ва драма ҳақида” ёки “Исён қилаётган одам” ҳозир яратилганда, биздаги талаблар билан Толстой ёки Камюга илмий даража

берилармиди? Муҳташам “Уруш ва тинчлик”нинг муаллифига “фалон-фалон хулосаларингиз асосланмаган, фалон олимларнинг ишидан фойдаланилмаган, фалон назарияларга тўғри келмайди” дейилмасмиди? Илмий тафаккур ҳам ижод эканини эътироф этиш, ностандарт нуқтаи назарлардан чўчимаслик, қолип-шаблонлардан воз кечиш, ҳақиқат баҳсларда туғилиши ҳақидаги қондани китобдан ҳаётга кўчириш фурсати етмадимикан!

– Эътироф этиш керакки, сиз қўяётган масалаларнинг бирортаси ҳам шунчаки, енгил-елпи жавоблар билан ҳал бўлмайди. Аслида, илм-фан – баҳс-мунозараларнинг кенг майдони.

Табиат қонунларини тушуниш ҳам, тушунтириш ҳам нисбатан осонроқ. Дейлик, бирор ўсимлик ёки дарахтнинг ҳосил бериши учун муайян шароит, фурсат ва табиий омиллар зарур бўлади. Сунъий шароитдагина эртапишар ёки серҳосил навлар етиштирилиши мумкин. Ижтимоий ҳаётнинг бир соҳаси бўлган илм-фандаги қонуниятлар эса муқимроқ, қатъийроқ. Бу жабҳада белгиланган муддатлар ҳам тасодифий эмас. Айрим ҳоллардагина уларнинг маълум қисми ўзгариши мумкин, аммо бу ёппасига эмас, балки истисно тарикасидагина бўлади.

Ҳар қандай кишига ҳам бирон бир соҳада қобилият, истеъдод ато этилган, фақат унинг даражаси ҳаммада турлича. Эътибор қилайлик, Алишер Навоий тўққиз ёшида Фаридиддин Атторнинг бутун бошли “Мантиқ ут-тайр”ини тўлиқ ёд олган. Ҳолбуки, ўтмишдаги барча ижодкорлар шундай бўлган деб айтолмаймиз.

Гульельмо Маркони симсиз телеграфни кашф этганда 21 ёшда, Исаак Ньютон бутун олам тортишиши қонунини очганда бор-йўғи 25 ёшда бўлган. Шу ёшида бекор пашша қўриб юрганлар қанча! Ҳар бир одам ўзининг нимага қодирлигини билиши, шунга мос равишда хатти-ҳаракатлар тизимини белгилаб олиши керак. Фақат бошқалардан айб қидириш моҳиятни ўзгартирмайди. Бинобарин, жамиятнинг умумий қоидаларига кўра яшаш шарт.

XI асрнинг буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб олимларнинг жамиятда тутган мавқеига катта баҳо беради. Адиб уларни “билга”, “билгалар” деб атаydi:

*Ўйуг чим осуғлуғ бўлур билгалар,
Чиқар сув қайуда адақурсалар.*

Мазмуни: донолар чим (кўк) ўсадиган сероб ер кабидир, унинг қаерига оёқ урилса, сув чиқаверади.

Юсуф Хос Ҳожиб олимнинг билимидан кўпчилик баҳраманд бўлишини, жамият фаровонлик, маърифат, ахлоқий-маънавий комилликка эришишини алоҳида таъкидлайди. Олимнинг илми йўлни ёритувчи машъалга, унинг ўзи йўлбошчига ўхшатилади. Буюк адиб айтган бурч ва масъулият, вазифалар бугун ҳам кучини сақлаб турибди. Ҳақиқий олимларимиз бу ўғитларни бир дам ҳам унутгани йўқ. Шунга қарамай, шолнинг ичидаги курмак мисол аҳён-аҳёнда бўй кўрсатиб қоладиган “зарпечак”лар ҳам бўлар экан-да... Уларнинг сони кўп бўлмаса-да, жамиятга етказадиган зарари катта. Энг ёмони, уларнинг касрига илм ва маърифат, олим ва олимлик сингари муқаддас тушунчалар мазмуни хиралашади, баъзи содда ва беғубор қалб эгаларининг тасаввурига заха етади.

Илм-фан жамият тарихи ва тақдирида ҳамма вақт катта роль ўйнаган, залварли вазифаларни адо этган. Жамият ривожини ҳам илм-фан равнақи билан боғлиқ эканини ҳеч ким инкор этмайди. Бугунги мунозаралар эса фаннинг ўзига эмас, кўпроқ фан атрофидаги муаммоларга боғлиқ. Биз ҳодисанинг оқибатини кўриб турибмиз, сабаблар эса муҳокама доирасидан ташқарида қолмоқда. Бу ўринда халқимизнинг “Дарахт сонни ўзи бериб қўйиб, кейин болтадан шикоят қилган экан” деган нақли ёдга келади.

Ҳар доим шундай: айбдор изланса, кўпчилик “Айбдор бор, аммо у асло мен эмасман”, деб ўйлайди. Тан олиб айтиш керакки, сиз санаган қусурларда ўзини олим деб ҳисоблаганларнинг деярли ҳаммаси – бирови озроқ, бирови кўпроқ даражада айбдордир. Кўчирмакашлиқдан, палапартиш илмий ишни муҳокамага қўйишдан истиҳола қилмайдиганларнинг пайдо бўлиши тасодифий, бир кунлик натижа эмас. Бу ҳақда жиддий муносабат билдирганлар ҳам ё қатъият кўрсата олмаган, ёхуд ўшандай ишлар муҳокамасида “айланма йўл”дан юрганларга оғиз очмай қўяқолган. Бунга, кўпинча, уларнинг яққалиниб қолиши ҳам сабаб бўлса ажаб эмас.

Илмий ишлар муҳокамасида анча жиддий гаплар айтилишига қарамай, тавсия борасида “бир овоздан қўллаб-қувватлаш” таомилга айланиб бораётир.

Илмий мактабларнинг майдонга келиши, собитлиги ва эртанги тақдирига бефарқ муносабат шаклланаётгандек. Сунъий “қомусий” олимлар пайдо бўлаётир, улар ўзини барча соҳаларнинг билимдони деб даъво қилмоқдан заррача ҳам ийманаётгани йўқ. Шунингдек, “ёздириш”, “ёзиб бериш” каби нораво амалиётнинг фаоллашганини ҳам инкор этиб бўлмайди – андиша ва уят ҳам

тобора чекиниб бораётир. Шогирдига бир мавзунини мустақил тавсия этишнинг, бирор илмий иш: мақола, рисола, монография ёхуд диссертацияга мустақил тақриз ёзишнинг урдасидан чиқолмайдиган фан “эгалари”нинг; ўзи ҳимоя қилаётган мавзуга доир оддий саволларга жавоб беришда ҳам ер чизиб қолаётган даъвогарларнинг учрай бошлагани кишини хавотирга солади. Шоир Асқар Қосим ёзганидек, “*Ноҳақликни кўрсам қалбим бозиллар, / Не қилай, мум тишлаб турса фозиллар*”...

Бу ҳолларнинг азиятини ҳазрат Навоий ҳам барчадан кўпроқ чеккан шекилли... Мана:

*Табъ кажу борча такаллум намой,
Нағма чабу борча тараннум сарой.*

Мазмуни: уларда сўз айтиш қобилияти бўлмаса ҳам, сўз айтиш пайида; нағмалари созланмаган бўлса ҳам, куй чалиш иштиёқида.

Қаранг, сўз ўғрилари ўша замонларда ҳам бўлган экан ва улар шоирнинг юрак қони-ла битган шеърларини ўзлаштирар, етмаганига муаллифлик даъвоси билан Навоийга кўрсатар, ҳазратдан яна таҳсини эҳсонлар кутар эканлар:

*Қилсам этиб боштин-аёқ жон ани,
Ҳажлаи ноз ичра хиромон ани.
Чун анга бу хайли жафогар этиб,
Хуллаларин ғорату торож этиб.
Жисмида не хулла қўюб, не ҳарир,
Ўзини бедод ила айлаб асир.
Зоҳир этиб йиғлағудек ҳол анга,
Кийдурубон эски қаро шол анга.
Турфа буқим, шеър қўюб отини,
Еткурубон қўкка мубоҳотини.
Турфароқ улким, тониримни билиб,
Ҳақдин уялмай, манга зоҳир қилиб.
Ваҳки манга жилвагар айлар чоғи,
Истабон эҳсон доғи, таҳсин доғи.
Қўнглума кўп тиғи жафо урдилар,
Дема қўнгул, жонима еткурдилар.*

Саволингиздаги илмий тафаккур ҳақидаги банд алоҳида аҳамият касб этади. Илмий тафаккур ижодий иш экани исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Бўлганда ҳам, ниҳоятда катта иқтидор, билим ва тажриба тақозо этадиган иш. Шундай экан, ижодий тафаккур эгаларини, иқтидорли ёшларни топиш ва уларни бугунги талатўп замоннинг алғов-далғовларига дош бера оладиган руҳда тарбия-

лаш устозларнинг бош вазифасидир. Илк қадамиданоқ шогирдларни зарурий адабиётлар билан пухта танишишга йўналтириш, ҳаракат ва ғайратга рағбат уйғотиш, асл матн билан ишлашга оид кўникма ва малаканинг шаклланишига кўмаклашиш мавжуд камчиликлардан қутулишда муҳим омил бўлади. Янгиликлар ичида яшамоқ – олимнинг аъмоли эканини уларнинг онги ва тафаккурига эртароқ сингдириш шарт. Ана шунда сиз айтаётган “стандарт қолиплар” ўз-ўзидан синади, тадқиқотчи эътибордан четда қолаётган мавзу ва муаммоларнинг турли қирраларини тезроқ, чуқурроқ илғайди.

Диссертациянинг шакли бир қарашда шаблон тасаввурини беради, лекин ижодий имкониятлари ниҳоятда кўп. Бу худди меъморнинг чегараланган худуд доирасида бир-бирини такрорламайдиган уй ва хоналар тарҳини тузишига ўхшайди. Қадимгилар айтганидек, бу ерда ҳам “ёмғир томчисидай ўхшашлик ва ўша томчилардай бир-биридан фарқ” истаганча топилади.

Илмий мақолаларини “Тулистон”, “Жаҳон адабиёти” журналларида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чоп эттирган авлод раҳматли устоз Маҳмуд Саъдийни яхши билади. У мақоладаги сарлавҳа, кириш сўз, асосий қисм, хулоса, қўйингки, ҳар бир фикрнинг ифода тарзи ҳақида соатлаб ўйлашдан, муаллифнинг ўзини ҳам бош қотиришга мажбурлашдан эринмас эди. Унинг қалами теккан, ўзгарган сўзларни қайта-қайта мушоҳада қилиб, Маҳмуд Саъдий вариантнинг маъқул ва манзурлигига тан берганмиз.

Билим, меҳнат, истеъдод ва журъат бирлашса муаммолар тезроқ ҳал бўлади. Афсуски, айрим ҳолларда ёш тадқиқотчига билдирилган таклиф-мулоҳазалар илмий раҳбарларга “тегиб кетган”дек бўлади, “синфий душман”лик каби қабул қилинади. Диссертация қолиб, унинг атрофидаги бўлар-бўлмас гаплар билан овора бўламиз. Бу эса масаланинг асл моҳиятидан четга чиқиш, аниқроғи, ундан қочишдир. Кимнинг нима дегани эмас, унинг қайси оҳангда гапиргани, бунинг кимгадир шама экани... ва бошқа майда гаплар, жиддий талаблар қўяётган устозларга нисбатан туҳматнамо қийлу қолларнинг пайдо бўлаётгани ҳам илмни “воситайи жоҳ” этаётганларнинг “эъжоди”дан бошқа нарса эмас.

Биз дарахт орқасида бутун бошли ўрмон борлигини эсдан чиқармаслигимиз, демакки, битта-яримта истиснолар барча ишларнинг яхлит баҳосига айланмаслиги керак. Илм одами хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам ўзгача қараш соҳибларига, танқидий мулоҳаза юритадиганларга дуч келиши табиий. “Ҳимоя” деган сўз бежиз

қўлланмайди – фикр-ғоя эгаси уни асослаши, том маънода, ҳимоя қилиши ҳам керак-ку!

Берилаётган савол муҳолиф ва душманнинг эмас, балки сиз яратган кашфиётнинг асл моҳиятидан чиндан воқиф бўлиш ва уни бошқаларга ҳам билдиришни истаётган шахснинг (кўпинча соҳа синчилари – устозларнинг) мулоҳазаси эканини ҳам унутмаслик лозим. Ҳимояга фақат ҳимоячининг ўзи масъул. “Ёрдамчи ҳимоячи”лар ўзи билмаган ҳолда даъвогарнинг умумий илмий-назарий савияси ночорлиги ҳақидаги тасаввурни тасдиқлаб қўяди.

Ҳозирги ҳимоя жараёнларининг асосий қисмида баҳс ва мунозара бўлади, ёш тадқиқотчи илмий ишидаги бош ғоя ва янгиликлар моҳиятини очиб беради. Шунга қарамай, тарозида нима учундир нур эмас – соя, қонун-қоидаларга тўлиқ риоя қилинаётгани эмас – истиснолар кўпроқ юк босаётгандек. Ҳимояларда мавзунинг янги ва яхши талқинлари, кутилмаган изоҳ ва шарҳлар, жавобларнинг замонавий илм ютуқлари билан зийнатланиб туришию ёш олимнинг зукколиги, қатъияти, дунёқарашининг кенглигию ифодасининг аниқлиги кенгаш аъзолари ва мутахассисларнинг олқишига сабаб бўлаётган ҳолатлар ҳам кўп.

– Тадқиқ объектингиз бўлган мумтоз асарлар – маънавий-атимизнинг асл гавҳарлари. Яна биламизки, хорижликлар ҳам кўпроқ классик ва жаҳид адабиётимизга қизиқади. Бизни жаҳонга муносиб халқ сифатида танитадиган юзимиз, модомики, шу мерос экан, бас, мумтоз матнлар маъносини писта чаққандай чақадиган зўр тадқиқотчиларга ҳар доим эҳтиёж бор. Мумтозшунос олим эски ўзбек тили, форс тили, араб имлоси, ислом фалсафаси ва арузни мукамал билмаса бўлмайди; яна бир-икки, жумладан, араб тилини ҳам билса нур устига нур. Лекин филология факультетларининг ўқув дастурлари доирасида бу билимларни комплекс ва чуқур ўзлаштириш имкони камроқ. Мутахассис тайёрлашни олий таълимдан бошлаб кечикмаяпмизми? Етук кадрлар тарбиялаш учун ҳаракатни мактабдан, ҳатто бошланғич босқичданоқ бошлаш, махсус синфлар ташкил қилиш лозим эмасмикан?

– Таълимнинг ҳар бир босқичи мустақил ва мустаҳкам анъаналарига, демакки, талаб, мезон ва меъёрларига эга. Фақат бир жиҳатни эсдан чиқармаганимиз маъқул: мактабнинг вазифаси олий таълим учун номзодлар тайёрлашгина эмас. Таълимнинг барча босқичларида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар тўлиқ адо этилса, сиз айтган муддаонинг амалга ошиши ҳам анча енгил кечади.

Олий таълим бўлажак мутахассисларга мўлжалланган. Унда том маънодаги фан, юксак даражадаги билим, тегишли кўникма ва малакалар беш бармоқдай мукамал бўлиши шарт. Буларни таълимнинг олдинги босқичлари зиммасига қўйиб бўлмайди. Олий таълимнинг ўқув режаси, намунавий дастурлари, ишчи дастурлар (силлабус) қотиб қолган нарса эмас. Эндиликда ижодий ва эркин ёндашувларга кенг йўл очилмоқда. Бу ишларни ҳар бир олий ўқув юрти амалга ошира олади. Демокриманки, сизнинг таклифингизни амалга оширишнинг реал имконлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилинган. Ҳамма гап олий ўқув юртларининг ўзида қолган. Эндиликда мустақил таълим имконларидан кўпроқ ва кенгроқ фойдаланишимиз лозим.

Бир мисол келтирсам. XIV асрда яратилган “Қуманлар тузуги” деган ёднома бор. Асар туркий халқларнинг умумий ёдгорликлари сирасига киради. Ўзбекистонда у узоқ вақтгача эътибордан четда қолди. Бу ҳол асар таркибидаги материалларнинг бир неча тилда экани билан изоҳланади. Ёдномани машҳур италиян гуманисти Франческо Петрарканинг шахсий китоблари орасида сақланиб қолган. У италиянча ва олмонча қисмдан иборат. Италиянча қисмда устунчалар орқали турли тиллардаги сўзларнинг луғатлари жамланган. Бунда аввал лотинча, кейин форсча, сўнг қуманча сўзлар келтирилган. Барчаси лотин ёзувида. Кейинги қисмда олмонча-қуманча луғат берилган. Ўша ерда 47 та туркий топишмоқ, шунингдек, қуман грамматикасига оид қайдлар ҳам келтирилган. Қайдлар қадимги лотин тилидадир. У ҳақда французча манбалар ҳам мавжуд.

Ёдномани тадқиқ этишни кўп йиллар бўлажак шогирдларга тавсия этиб кўрдим. Бир неча тилни билишни тақозо этадиган бу манбани ўрганишга кўпчиликнинг юраги бетламади. Ниҳоят, ўн беш йилча олдин бир йигит ўзини синаб кўришга аҳд қилди. Унинг инглиз ва олмон тилларини билиши қўл келди. Қисқа фурсатда форс ва қадимги қуман тилини ҳам ўрганди. Француз ва қадимги лотин тилидан луғат ёрдамида фойдаланадиган бўлди. Италиян тилини ҳам ўзлаштирди. Натижа шу бўлдики, у Италия Фанлар академиясининг махсус грантини ютиб олди ва илмий ишнинг асосий қисмини Петрарканинг ватанида тугатиб келди... Ҳозир шу йигит фан доктори, соҳанинг эътироф этилган мутахассисларидан. “Излаган имкон топади, изламаган баҳона” деган ҳикмат нақадар тўғри эканига яна бир марта ишонч ҳосил қилдик.

Сир эмас, ҳар бир мавзу, ҳар бир илмий муаммо ўзига хос ёндашувни тақозо этади, қадимият обидаларини ўрганиш эса янада мушкул. Масалан, исломдан олдинги ёдгорликларни тадқиқ этиш учун кўплаб ёзувлар ва тилларни, динлар ва оқимларни ҳам ўрганиш керак. Аммо барча олий ўқув юртларида ана шу эҳтиёжлар тақозо этадиган фанларни киритиш мақбул эмас. Чунки бундай масалалар кўпроқ индивидуал тарзда, устоз ва шогирдлар ҳамкорлиги ва ташаббуси эвазига ҳал бўлиб келаётгани тажрибадан маълум.

– Малакали мутахассислар тайёрлаш ҳақида гап борар экан, яна бир парадоксга эътибор қаратмасак бўлмайди. Аҳли маънининг “Навоийни ўқимаган одам...”, “Мумтозларимизни ўқувчига эмас, ўқувчини уларга яқинлаштирмак керак” каби лидаги фикрларини кўп эшитамиз. Тўғрику-я, лекин “Қутадғу билиг”, “Ҳиббат ул-ҳақойиқ” каби асарлар улғвор маънавий обида бўлса-да, уларнинг лисони ҳозир биз учун чет тилидай гап – ўқиб, деярли тушунмаймиз. Нафақат оддий ўқувчи, ҳатто филолог муаллимларимиз ҳам, дейлик, Навоий ёхуд Бобурнинг ҳамма асарларидан мукамал баҳра топиши қийин. Аруз – оҳанги билан аруз, ўқиш-эйтиш орқали идрок этиладиган ҳодиса. Ўрнига қўйиб ўқилса, оҳангнинг ўзиёқ завқ беради. Ҳозир аруз таълими бир оз йўлга қўйилди, лекин фақат “арузни ўрганиш учун” ўрганаётгандекмиз – шеър ўқишда ундан деярли фойдаланмаймиз. Вақт масофаси, тафаккуру идрокдаги, ижтимоий сатҳдаги туб эврилишлар, лисоний тўсиқ... начора, булар бизнинг ихтиёримизда эмас. Албатта, бугуннинг “элиға доғи баҳра бўл”моғи учун имкон қадар ҳозирги тилимизга мослаштирилган табдиллар, шарҳлар, насрий баёнлар чоп қилинган. Лекин булар аслият тортиқ этадиган олам-олам ҳиссиётни тўлиқ беролмайди. Сўз санъати аввало инсоннинг туйғуларини жунбишга солиши лозим эканини билгандан кейин ўйлаб қолади-да одам: бу аҳволда мумтоз асарлар келажакда (ҳозирдан десак ҳам бўлади) илмий тадқиқот объектигина бўлиб қолмасмикан?

– Жавобни саволингизнинг охириги қисмидан бошлаш мақсадга мувофиқроқ кўринади. Мумтоз асарлар ҳозир ҳам, келажакда ҳам илмий тадқиқотларнинг мунтазам объекти бўлмас экан, ахлоқий ғоялар акс этган сон-саноксиз адабий манбаларнинг ҳақиқий ҳолати, гўзал адабий-эстетик ҳодисаларнинг олмосдек қирралари, таҳлил ва талқинлари тақдим этилмас экан, улардан баҳраманд-

лик ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу борада зукко филолог олимлар, кўзи ўткир манбашунослар билан оммавий ахборот ходимлари, таълимнинг турли босқичларида фаолият юритаётган ўқитувчи-мураббийлар, методистларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги зарур.

Беморни даволаш кўпинча парҳездан бошланади. Табиб мижознинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган нарсалар рўйхатини айтади. Мижоз улардан ўзини тия билса, аҳволи ўнгланади. Биз ҳам бадҳазм ва бадиияти ночор асарлардан парҳез қилишимиз керак. Ана шунда уларнинг ўрнига “рацион”га мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг нодир дурдоналари киради.

Олимларнинг ўз тадқиқоти натижаларини амалиётга тезроқ татбиқ этишини рағбатлантириш зарур. Бу борада телевидение ҳам тезкор ва таъсирчан чоралардан бири бўлишига шубҳа йўқ.

Раҳматли қадрдонимиз Анвар қори мавъизаларида Юсуф Хос Ҳожиб, Румий, Ҳофизу Навоий каби мутафаккирлар ижодидан мисол келтиришни ҳўб ўрнига қўяр, кўплар у киши тилга олган байт ва парчаларни такрорлаб юрар эди. Бу усулни бошқа уламоларимиз ҳам қўллаб келаётгани кишини хурсанд қилади. Назаримда, мазкур анъанани кенгайтириш лозим. Диний уламоларимиз ҳар куни бир эмас, ўн эмас, балки юзлаб-минглаб кишилар билан мулоқотда бўлади. Кенг омманинг уларга ҳурмату ихлоси сабаб теран мазмунли, юксак бадииятли асарлар мамлакатимиз аҳли, айниқса, ёшлар орасида кенг ёйилса, шу тарзда ҳар бир хонадонга, ҳар бир юртдошимизнинг онгу шуурига кириб борса не ажаб!

Ҳаммани ёппасига китобхон этмоқ нақадар эзгу орзу! Аммо бунинг имконсизлигини ҳам биламиз. Бу заруриятни ўз боламизга тушунтира олсак ҳам катта гап. Бу борада бир талай амалий ҳаракатлар қилинаётир. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан республика миқёсида китобхонлар танлови ташкил қилинди. Ўқувчилар, талабалар, катта ёшдагилар кесимида ўтказилаётган танловда ҳар йили икки миллионга яқин киши қатнашмоқда. Биз Москвада, хизмат сафари чоғи шу ҳақда гапириб берганимизда кўпчилик (улар орасида Озарбойжон, Грузия, Қозоғистон вакиллари ҳам бор эди) “Агар мамлакат раҳбари шу масала билан шуғулланаётган бўлса, бу албатта тез фурсатда ижобий натижа беради. Бунинг биз ҳам ўз мамлакатимизда тарғиб этишимиз керак экан”, дейишди.

Бугунги ўқувчининг мумтоз адабиётни тушунишини осонлаштириш йўлидаги ишларимизни давом эттиришимиз керак.

1990 йили “Қутадғу билиг”нинг болаларбоп табдили 75 минг нусхада чоп этилган эди. Бу нашр қисқа муддатда тарқалиб кетган. Китоб кейин ҳам бир неча марта қайта нашр қилинди. Асарнинг табдил вариантлари ҳам кўпайди.

Энди сиз санаган адибларимиз асарларидан парчалар келтирсам. “Қутадғу билиг”дан:

- ✓ *Уқуш қайда бўлса улуғлуқ бўлур,
Билиг кимда бўлса бедуглук алур.*
- ✓ *Уқушлуғ уқар-ул, билиглиг билур,
Билигли уқуғли тилакка тегир.*

“Ҳибат ул-ҳақойиқ”дан:

*Улуғлар не берса, емасмен дема,
Илик сун, ағиз ур, емасанг ема.*

Алишер Навоийдан:

- ✓ *Ҳеч ким ўз кўнглига ғам тиламас ва ўз нафсига алам истамас.*
- ✓ *Десангки, таоминг зое бўлмағай – едур ва тиласангки, либосинг эскирмағай – кийдур.*
- ✓ *Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмакдур, демак йўқ.*

Бу мисоллар қадим ёдгорликларда ўзбекнинг энг кичик ўқувчи боласи ҳам тушунадиган парчалар оз эмаслигини кўрсатади. Биз уларни саралаб, турли ёш гуруҳига мос китоблар тайёрлашимиз, мумтоз адабиётни кенг халқ оммасига етказишнинг турли-туман шакллари топишимиз керак.

– Ўрта асрлар мусулмон Шарқда аёл уйдан чиқмаган, тарихий манбаларда ҳам улар ҳақида маълумотлар кўп эмас. Ҳатто Навоийдек буюгимизнинг оналари ҳақида ҳам ёзиб қолдирилмаган. Айни вақтда Шарқ мумтоз шеърятини бус-бутун ҳолда маъшуқа васфномаси, аёлга мадҳия деса бўлади. Ўтган асрда эса аёл паранжини улоқтирди, эркак билан баб-баробар ишлади, қурол кўтарди, раҳбар бўлди, трактор ҳайдади... Шўро тузуми қулагач, бу ҳол аёлнинг хўрланиши дея тавсифланди, қаттиқ танқидга учради (дейлик, шоира Қутлибеканинг “Қишнинг охирлари” достонида айнан шўро давридаги раҳбар аёлнинг фожеий тақдири қаламга олинган). Бугун эса гендер тенглиги, феминизм дейиляпти, аёлнинг жамият ва оиладаги ҳақлари ўрнига қўйиляпти, у чинакам қўллов ва ҳимояни ҳис этмоқда... Табиатан нозик яратилган бу хилқат

ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга экани аниқ. Аммо гендер тенглиги дегани баъзан асосиз ҳақталабликка, имтиёзларнинг нотекис оширилишига айланиб кетаётгани ҳам бор гап. Уни асрлар давомида шаклланган улўвор қадриятларни менсимаслик деб тушуниш ортидан гоҳида ўта хунук, ҳатто фожеий ҳодисаларга ҳам гувоҳ бўляпмиз. Хуллас, бу жабҳада ҳам парадокс...

– Аёл ва жамият муаммоси ҳам янги эмас: одамзод пайдо бўлибдики, бу масала у билан ёнма-ён яшаб келади – фақат замонига қараб, маълум қирраси ўткирроқ тарзда намоён бўлган. Тарихга, айниқса, адабиёт тарихига назар ташланса, аёлга муносабат бор бўйи-басти билан кўринади. “Тонг тангрисига мадҳия” – илоҳага муножотда аёлнинг миллат паноҳи сифатидаги кучи, қудратига ишонч билдирилади. Тўмарис юрт дахлсизлиги, ватанпарварликнинг идеал тимсоли сифатида асрлар давомида яшаб келаётир. Ўрхун обидаларида ўғилнинг қул, қизнинг чўри бўлиши олдида ҳар қандай даҳшат арзимас экани ҳақида бонг урилади. “Девону луғотит-турк”да аёлларнинг бутун бир галереяси жамланган: Умай, Туркан қатун, Афросиёбнинг қизи Қаз... Афросиёбнинг қизи шарафига алоҳида шаҳар қургани ва унга Қаз ўйнайдиган жой (Қазўйин) деб ном бергани, бу номнинг кейинчалик халқ тилида Қазвин шаклига келгани ҳақидаги маълумотлар ҳам эътиборга молик. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги ўн олима ва санъаткор қизлар тасвири бу силсиланинг олтин ҳалқаларидир. Мутафаккир бобомиз аёлнинг жамиятдаги ўрнига юксак баҳо беради: *“Мувофиқ тушса қадбону, давлат ва жамиятга бўлмоқдурур ҳамзону (эр ва аёл ўзаро муносиб ва мувофиқ бўлса, жамиятга ҳам, давлатга ҳам эш бўлади)”*...

Бугун аёл эркак билан ҳамқадам. Аёлнинг эркакча аксар касб-хунарлар билан машғул бўлиши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Жамият фақат бир нарсада – фарзанд тарбиясида кўпроқ ютқизаётгандек. Оналарнинг ижтимоий соҳада тобора кўпроқ банд бўлиб қолиши оқибатида болалар доимий оилавий назоратдан четда қолаётгани сир эмас. Бунинг салбий оқибатлари аллақачон кўрина бошлаган...

– *Боқижон ака, фикримга қўшилмасизми-ўйқми, жаҳон адабиётшунослигидан анча орқада қолганимиз, етмиш йиллик шўроча салбий таъсир инерциясини машаққат билан енгаётганимизни тан олишимиз керакка ўхшайди. Ҳозирча янги усуллар, оламшумул назарияларни ўртага ташлаганимиз*

ўйқку-я, айни чоқда дунё адабиётшунослигининг герменевтика, структурализм, транстекстуаллик, рецептив танқид, компаративистика сингари илғор методлари; психоанализ, феноменология каби бошқа фанларнинг жаҳон адабиётшунос олимлари тажрибасидан ўтган таҳлил усуллари кириб келаётгани одамга умид беради. Лекин илмий ишларда “фалон тадқиқ методи кўлланди” қабилда катта даъво бор-у, моҳиятан эскича “ғоя-ташбеҳ” таҳлилидан бошқа янгилик кўрмайсиз. Айниқса, сўз санъати асарларига ижтимоийлик, ғоявийлик “кўзойнаги”дан қараш ҳамон устувор. Кутилмаган ёндашувлар деярли ўйқ... Асосан Европа ва Америкадан олинган ҳар тур тушунча, усулларнинг ҳаммасини миллий адабиётга татбиқ этиш тўғрими? Ёки биз уларни тўғри қўллай олмапмизми?

– Адабиётшунослик илмининг бугунги ҳолати ҳақидаги мулоҳазаларингизни тан олмаслик ёхуд буткул инкор этиш инсофдан бўлмайди. Аммо бошқа бир ҳақиқат ҳам мавжуд. Адабиётшунослигимиз ўзани кенг дарёга ўхшайди. Унинг илк ирмоқлари халқ оғзаки ижодининг қадим илдизларидан сув ичиши, “Авесто” замонидан келаётгани, Ўрхун-Энасой битиклари, “Девону луғотит-турк” ва “Қутадғу билиг” саҳифаларидан баҳрамандлиги, Қуръон нуридан мунавварлиги, Навоий, Бобурларнинг назарий ва амалий тажрибаларига бориб тақалишини назардан қочирмаслик керак.

Матн – тил ва адабиёт илмининг материали; илмий муаммоларнинг асосий қисми матн ва унинг таҳлилидан иборат. Таҳлил учун эса фақат матннинг ўзини эмас, балки барча анъанавий ва замонавий методология ва методларни пухта ўрганиш, илм-фан янгиликларидан мунтазам хабардорлик талаб этилади.

Биздаги манба ва материаллар устозлар томонидан синчиклаб ўрганилган. Шунга қарамай, ҳар бир замон фан зиммасига янги ва вазибалар юклайди. Эндиликда биз жаҳон фани ютуқлари билан кўпроқ, яқиндан танишиш имконига эгамиз. Ўшалар воситасида қадимий манбаларни қайта кўриб чиқишимиз, улардаги рационал мағз моҳиятига янада теранроқ назар ташлашимиз шарт.

Шу йил Наврўзда профессор Шомирза Турдимов бир теледастурда билдирган фикрлар эътиборимни тортди. У Наврўзнинг қадимий илдизларидан бошлаб бугунигача бўлган маънавий ҳодисаларнинг ич-ичига кирган ҳолда шундай таҳлил қилиб бердики, унда бир эмас, бир неча мақола ва йирик, фундаментал монографиянинг таянч нуқталари мужассам эди.

Бизнинг чекимизга қадимги туркий адабиёт билан шуғулланиш тушган. Бу соҳа халқ тарихи, унинг қадим илдизларининг бадий ифодаси сифатида айрича аҳамият касб этади. Биргина мисол келтирмоқчиман:

*Йигитлариг ишлату,
Йиғач ямиш иргату,
Қулан, кайик авлату,
Базрам қилиб авналим.*

Мазмуни: йигитларга дарахт меваларини қоқтирайлик. Қулон, кийикларни овлатиб, байрам қилиб овунайлик.

Назмий парчада ижтимоий меҳнат тақсимотининг қадимги даврларга хос манзараси акс этган. Бу шеърнинг қадимийлигини далиллайдиган яна бир яширин ишора бор: лирик парчанинг муаллифи образи. Уни аёл киши сифатида тасаввур этиш мумкин. Зеро, “йигитларни ишлатиш” I шахс, кўплик шаклидаги буюртмачи образини беради. Чуқурроқ эътибор қилсак, матнда “улар” ва “биз” бинар (икки унсурли) оппозициясининг ҳам иштирокини ҳис этиш қийин эмас (айни шу усулнинг нисбатан қадимийлигини фольклоршунослар таъкидлаб келади). Демак, “улар” машаққатли юмушларни адо этади, байрамни нишонлашга эса “биз” ҳам қўшилади. Мазкур ҳолатда “биз” аёллар тимсоли бўлиб чиқади. Ана шу тахминга асослансак, тўртликни кишилик жамиятининг анча қадимий даври – матриархат замонининг акс садоси деб баҳолаш мумкин бўлади.

– Чорак асрча аввал “Адабиёт ўладими?” деган савол ўртада чиққан эди. Бугун адабиётнинг таъсир қучи янада камайиб, “кундош”лари кўпайиб қолгандек: глобаллашган дунёда, интернет замонида ҳар кун бир драма ёки фожиага тенг неча-неча воқеадан хабар топамиз; сиёсатни ваҳимали бир триллер каби қузатамиз; ҳиссиётни бир шеърчалик жунбишга келтирадиган роликлар истаганча топилади... Устига-устак, сунъий интеллект ҳам бадий ижод билан “шуғуллана бошлади”. “Сунъий ақлга инсоний ҳис-туйғу бегона, унинг қораламаларида жон бўлмайди” дея ўзимизга ҳарқанча таскин бермайлик, ўша матнлар айрим ижодкорларнинг ёзганларидан ўқишли экани ҳам ҳақ-рост. Бу кетишда “муаллифсиз асарлар”га ҳам инсоний ҳис-туйғу кириб келса ажаб эмас. Биз беҳад тараққий этган бугунги дунёда инсон тафаккури ва сунъий тафаккур рақобати билан ҳисоблашмоққа мажбурмиз шекилли...

– Олам ва одамдаги ўзгаришлар маълум қонуниятлар билан изоҳланади. Инсон ва унинг эҳтиёжлари нисбати ҳам шунга мос ва муносиб равишда ўсиб бораверади.

Китоб ўқилмаяпти деган ҳукм, назаримда, у қадар тўғри эмас. Ҳозир Тошкент шаҳрининг ўзида юзга яқин нашриёт фаолият юритмоқда. Уларда мунтазам равишда бадий асарлар ҳам чоп этилаётир. Аммо масала бошқа ёқда: хўш, у қандай китоблар? Барчаси ҳам юксак бадиият талабларига жавоб берадими?

Сайфи Саройи ўз замонаси шоирларини бундай таснифлаган:

*Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,
Кими булбул дурур сўзда, кими – зоғ...*

Назаримда, биз китобхон ёшларимизда “булбул” билан “зоғ”ни ажрата олиш малакаси шаклланишига ёрдам бермоғимиз керак. Бунинг учун радио, телевидение, газета ва журналлар, интернетдан кўпроқ ва унумлироқ фойдаланиш ҳаётини заруратдир. Яхши асарнинг нима учун яхшилигини кўрсатишдан ташқари, ёмон асарнинг қусур ва нотугалликларини ҳам аниқ ва тушунарли тарзда очиқлаш йўлидан бориш керак.

Яхши бадий асар ҳар доим ўз ўқувчисини, эҳтиёжмандини топган. Инсон, аввало, маънавий эҳтиёжлар тизимини шакллантириб олиши керак. Ана шунда унинг бутун вужуди ўша эҳтиёжларни қондириш иштиёқи билан тўлади. Биз замондошларимизга, фарзандларимизга бу дунё китобсиз зулматга чўмишини тушунтира олишимиз керак.

Бадий адабиётни ўқиш ва уқиш лаззатини чуқур ҳис этадиган авлод шаклланаётганига умид қилгиниз келади. Мен олий таълим тизимида ишлаган ва ишлаётган бир муаллим сифатида талай замондош шоир-ёзувчиларимиз талабалар ўртасида эътироф қозонганига гувоҳман.

Танлаш имкони кўпайиб бораётган замонда, керакли манзилни топишга кўмаклашадиган йўл белгиларига ўхшаб, ўқишли асарларни кўрсатиб берадиган тадқиқотларга эҳтиёж ҳам тобора ортапти. Бу эзгу мақсад-муддао йўлида заҳмат чекаётган адибларимизга, уларнинг ижодини ғалвирдан ўтказишга бел боғлаган синчи олимларимизга куч-қувват, сабр-матонат ва ижодий баркамоллик тилайман.

Нодира ОФОҚ суҳбатлашди.



BIRLIK, BIRODARLIK MATLABI

Жорий йил октябрь ойида Ўзбекистон икки нуфузли анжуманга мезбонлик қилди: Тошкент ва Хива шаҳарларида “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида, Термизда эса “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Курраи арзда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, технологик ўзгаришлар, тобора шиддатли тус олаётган глобаллашув жараёни инсониятдан, алаҳусус, мусулмон жамиятидан тафаккур ва турмуш тарзини ислоҳ этишни талаб этаёттир. Дунёнинг ўнлаб мамлакатидан етмишга яқин меҳмон – уламолар, муфтийлар, исломшунос олимлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашган илмий машварада ҳам шу каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Муштарийларимиз ҳукмига анжуманда сўзланган нутқлардан иқтибос ҳавола этмоқдамиз.

Сўнги йилларда жаҳонда кузатилаётган глобаллашув жараёнларининг ижобий жиҳатлари билан бирга айрим нохуш ҳолатлар, жумладан, исломофобия кўринишлари мусулмон жамиятларининг тафаккур ва турмуш тарзи, маданияти, урф-одат ва қадриятларига ҳам таъсир кўрсатаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Шу маънода мазкур конференцияда ер юзида тинчлик-ошо-йишталикни мустаҳкамлаш, мўмин-мусулмонлар учун манфаатли бўлган азалий қадриятларни асраб-авайлаш, глобаллашув шароитида ислом динини замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ҳолда ривожлантириш, маънавий поклик ва одоб-ахлоққа қарши ғоявий таҳдидларнинг олдини олиш, исломда ижтимоий ҳимоя масалалари каби муҳим мавзуларнинг муҳокама этилиши катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВнинг халқаро анжуман иштирокчиларига йўллаган табригидан

Шайхулислом Оллоҳшукур ПОШОЗОДА,
Кавказ мусулмонлари диний идораси раиси:

– Ўзбекистон бутун ислом олами учун муҳаддислар, олим уламолар етиштириб берган мўътабар диёр сифатида шуҳрат қозонган. Ислом дини гарчи Арабистондан тарқалган бўлса-да, ўзбек заминидан қувват олганини дунё мусулмонлари яқдил эътироф этадилар. Қадимдан Самарқанду Бухородаги мадрасаларда диний ва дунёвий фанлардан бирдек сабоқ берилган. Тошкент, Термиз, Насаф шаҳарларида ҳам илм-фан, маънавияту маърифат, адабиёту санъат илоҳиётшуносликка вобаста ҳолда гуркираб ривожланган.

Эътиқод, имон маълум бир вақт мобайнида синовлардан ўтиб туриши рад этиб бўлмас ҳақиқатдир. Ислом дини собиқ шўро тузумининг тазйиқиға учраб, айрим дин пешволари атеизм деган фан билан шуғуллана бошлагани-да бор гап. Ўшандай мураккаб кезларда ҳам Ўзбекистон уламолари диний мактабларни сақлаб қола билди. Сўзим исботи сифатида истибдод авжи кучайган даврларда Бухорода Мир Араб, Тошкентда Бароқхон мадрасалари ҳамда



Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти фаолият олиб борганини айтишим мумкин.

Камина ҳам 1971 йилда ташкил этилган Тошкент ислом олий ўқув юртидаги таҳсил мобайнида Имом Термизий ва Имом Бухорийнинг ҳадис тўпламлари, “Ақоид ан-Насафий” (Абу Муъин Насафий), “Тафсир ан-Насафий” (Абу Барокот Насафий), “Усул аш-Шоший” (Низомиддин Шоший) каби нодир манбалар билан танишганман. Собик Иттифоқда ягона бу олий даргоҳда Кавказорти, Шимолий Кавказ, Озарбойжон, Сибирь ҳамда бошқа минтақалардан талабалар келиб таҳсил оларди. Сирасини айтганда, менинг шайхулислом бўлиб етишувимда даҳрийлик ҳукм сурган мураккаб даврда ҳам юксак маънавият, бағрикенглик, вазминлик, аҳиллик каби фазилатларга содиқ қолган ўзбек халқининг улкан ҳиссаси бор. Шу боис мен Ўзбекистонни маънавий ватаним деб биламан.



Шайх Али Муҳйиддин ҚОРАДОҒИЙ,

Бутунжаҳон мусулмон уламолари уюшмаси раиси, Қатар университети профессори:

– “Ислом” калимаси арабча тинчлик, омонлик сўзларидан олинган. Бу истилоҳ бошқа маъноларни ҳам англатса-да, уларнинг барчаси бир эзгу мақсадга – тинчликка йўналгандир.

Оллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири ҳам ас-Саломдир.

Ўзаро мулоқотимиз салом ила бошланади. Охиратда Роббимиз билан учрашганда ҳам шундай бўлажак: **“У зотга йўлиқадиган кундаги сўрашишлари саломдир”** (“Аҳзоб” сураси, 44-оят).

Жаннатнинг номларидан бири “Дор ус-салом” (“Тинчлик диёри”) экани-да маълум.

Оллоҳ таоло бандаларига бундай марҳамат қилди: **“Эй имон келтирганлар! Исломга тўлиғича киринг”** (“Бақара” сураси, 208-оят). Бу ўринда “силм” сўзи фақат исломни эмас, балки тинчлик, омонликни ҳам англатади. Муфассир Ибн Ошур ушбу оятни “Эй мусулмонлар, аввало тинчликка ўзингиз киринг ва сўнгра бутун инсониятнинг ҳам тинчликка киришига сабаб бўлинг” деб тафсир қилган.

Бинобарин, Ислом оламида низо, тўқнашувлар олдини олмоқ учун, аввало, мамлакатимизда тинчликни асрашимиз керак. Афсуски, бугун гувоҳи бўлаётганимиздек, айрим давлатлар уруш олови ичида қолмоқда.



Таҳлилларга кўра, триллионлаб доллар маблағ сарфланган қирғинбаротларда миллионлаб одам ҳалок бўлган. Шу ўринда геноцидга қарши янги халқаро одил тизим ташкил этиш лозимлигини таъкидламоқчимиз. БМТ зиммасига юкланган адолат, тенгликни таъмин этишдек вазифани бажара олмагани сабаб унинг ўрнига инсонийлик, ахлоқийлик қонунларига асосланган янги ташкилот тузиш долзарб вазифага айланди.

Шайх Назир Муҳаммад АЙЯД,

Миср Араб Республикаси бош муфтийси:

– Глобллашув жараёнининг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари мавжуд. Лекин, назаримизда, унинг ижобийдан кўра салбий томонлари кўпроқдир. Мусбат ва манфий кутбларни очиб беришда эса диний муассасаларнинг фаоллиги катта аҳамиятга эга.

Бир-бирдан фарқли шахсиятлар, маданиятлар бир жамиятда тинч ва осуда яшаши мумкин. Оллоҳ таоло **“Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб кўйдик”** (“Хужурот”, 13-оят), дейди Қуръони каримда. Демак, Ислом фарқлилик ва хилма-хилликни тўқнашув, ихтилоф омили деб билмайди. Менимча, бу оятда оддий танишувдан-да теранроқ маъно – ҳамкорлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик, билим, маданият ва тажриба алмашуви кўзда тутилган.



Биринчидан, тинчлик ва эзгулик йўлида динларнинг маданиятлараро тотувлик таълимотидан ҳамда замонавий илмий, технологик ютуқлардан фойдаланиш лозим.

Иккинчидан, мусулмон уммати бошқа халқлар ва миллатлар билан иккиланишсиз, қўрқувсиз маданий танишувга, тушунишга ўтмоғи лозим. Ҳар қандай маҳдудлик қобиғидан чиқиб, дунёдаги пешқадамлик сулуқимизни жангу муҳорабаларсиз, илм йўли билан қайта қўлга киритиш вақти келди. Хўш, қачонгача замонавий илмий кашфиётларни ҳадик ила қарши оламыз? Дунё илм-фанидаги мақом-ўрнимизни қачон тафтиш этамыз? Қачон юзаки ўрганишдан чуқур фалсафий тадқиқотларга ўтамыз? Мусулмон уммати инновация ва илмий ҳақиқатларни кашф этишда фаол ҳамкорлик қилиш зарурлигини тушунмоғи даркор, ахир!

Замонавий исломий тадқиқотлар ва илмий муассасаларимиз фаолиятини кузатиб, қалбим маҳзунликка тўлади. Ҳақиқатдан йироқ, илмий методологиядан маҳрум кўплаб тадқиқотчилар умрини аҳамиятсиз ғояларни ўрганишга сарфламоқда. Улар ҳали-ҳамон анъанавий такрордан юксала олмайди. Ҳолбуки, бошқа мамлакатлар бу сира тўсиқларни енгиб ўтиб, инновация ва кашфиётда етакчига айланди. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдики, куч иродаси билим иродасига боғлиқдир.

Маданиятлараро алоқалар, асли, Ислоннинг чақирувидир ва у глобаллашув тушунчаси билан чекланмайди. Улар ўртасида жиддий тафовут бор. Кези келганда мажбурлов йўли билан ўрнатилган глобаллашув жамиятлар ҳамда маданиятларнинг аслиятига дахл этади. Ислонда эса – аксинча. **“Динда ҳеч бир мажбурлов йўқ”** (*“Бақара” сураси, 256-оят*) деган илоҳий ҳукм бунинг далилидир.

Алқисса, Ислон бошқа халқларнинг маданиятини йўқ қилиш ёки уларни четга суришни эмас, билъакс, хилма-хиллик ва ҳуқуқларни сақлаб, мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда тотув ҳаёт кечиришни ёқлайди.



Шайх Абдурахмон ЗАЙД,

Ислон олами уюшмаси бош котиби ўринбосари (Сауд Арабистони):

– Анжуман муҳокамаси учун танланган мавзу муқаддас динимизнинг асл мақсад-ғояларига уйғундир. Ислонни ҳимоя қилиш, дунёда тинчликни қарор топтириш бугун энг долзарб вазифа саналади. Шу

нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жаноби олийлари БМТнинг юксак минбарида туриб, “Ислон динини зўравонлик билан боғлашга мутлақ қаршимиз” дегани бизда фахр туйғусини уйғотган эди. Бу сўзларни эшитиб, Мовароуннаҳр диёридан буюк уламолар, хусусан, ҳадис илмининг амири Имом Бухорий, “Шамоил ул-Муҳаммадия” асари муаллифи Имом Термизийлар бежиз етишиб чиқмаган экан, деган хулосага келган эдим.

Доктор Меҳмет ГҮРМЕЗ,

Туркия Ислон тафаккури институти директори:

– Ўзбекистонда динийлик ва дунёвийлик ҳассослик ила ҳаётга татбиқ этилгани, мувозанатга эришилгани таҳсинга лойиқ. Динийлик ва дунёвийлик буюк аждодларга хос тарзда гўзал талқин этилгани нодир воқелиқдир. Бу эзгу тажрибани халқаро майдонда кенг тарғиб қилишимиз керак.



Муҳаммад Абдулазиз Муҳаммад МИШЪАЛ,

Ал-Азҳар университети профессори (Миср):

– Термиз мусулмон дунёсининг машҳур шаҳарлари каби абадиятга муҳрлангандир. Бу муборак шаҳардан етишиб чиққан алломалар меросидан бутун мусулмон олами фойдаланиб келаётгани маълум. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Термиз каби шаҳарларда тарбия топган, куёш каби нур таратган улуғ зотларнинг асарлари бугун Дубай, Қоҳира, Истанбул ва дунёнинг бошқа ўлкаларида дарслик сифатида ўқитилди, улардан бутун уммат маънавий озик олади.



Камалиддин МАРЖУНИЙ,

Султон Шариф Али номидаги Ислон университети профессори (Бруней):

– Бугунги таҳликали даврда ёшларни зарарли ғоялардан асраш ва улар маърифатини оширишда мотуридийлик таълимотининг аҳамияти катта. Бруней ва Индонезияда ислон динига эътиқод қилувчи ҳар бир фуқаронинг фикрда аҳли сунна вал жамоа мазҳабида бўлиши, ақидавий масалаларда эса Имом Мотуридий ёки Имом Ашъарий таълимотига эргашиши қонунан белгиланган. Турли ботил оқимлар ва радикал ҳаракатларга қарши курашда мақбул усул бу...





Муфтий Муҳаммад Тақий УСМОНИЙ,

Дорул улум Ислон университети профессори (Покистон):

– Дарҳақиқат, Ислон омонлик, тинчлик, хотиржамлик ва эзгулик динидир. Афсуски, дунёнинг айрим минтақаларида мусулмонларга, мусулмон давлатларга қарши кураш кураши, бузғунчилик, хунрезлик амаллари кузатилмоқда. Бундай туғенга кетиш исломий талаб-қоидаларга зиддир.

Ҳозирда Ўзбекистон диёри ва бошқа мусулмон ўлкаларнинг билимга чанқоқ ёшлари ислом таълимоти ва тарбиясига асосланган илмий марказларда таҳсил олмақда экан, Оллоҳ таоло уларга кўплаб мамлакатларни вайрон этган хунрезликка барҳам беришда муваффақиятлар ато қилгуси!

Мен ғайримуслимлар билан қандай муносабатда бўлиш ҳусусида ҳам тўхталмоқчиман. Қуръони карим инсониятни тинчликка, осойишталикка даъват этади. Иброҳим алайҳиссалом Маккага келганларида Оллоҳ таолога муножот қилиб, “Парвардигоро, бу юртни омонлик юрти қилгин!” деганини эсланг.

Биз мусулмон сифатида ҳатто ғайримуслим давлатларга, Ғарб ўлкаларига ҳам тинчлик соғинамиз, бутун башариятнинг бирдамлиги, биродарлигини истаймиз. Бу Одам алайҳиссалом даврида бошланиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам замони саодатларидан бери давом этиб келаётган эзгу анъанадир. Араб билан аямнинг, оқ билан қоранинг ўртасида фарқ йўқ, барчамиз Одам фарзандларимиз.



Баҳоуддин Муҳаммад Жамолиддин НАДАВИЙ,

Дорул ҳуда Ислон университети проректори (Ҳиндистон):

– Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни мўътадил йўлга ундаб, ғулув ва ҳаддан ошишдан қайтарганлар. Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадисга кўра, Расулulloҳ алайҳиссалом Ақаба куни туяларига минган ҳолда бундай деганлар: “Эй инсонлар, динда ғулув (чуқур) кетманг, сиздан аввалги қавмларни динда чуқур кетишлари ҳалок қилган”.

Оллоҳ таоло ҳам ҳаддан ошишни тарқ қилиб, ҳақ йўлни тутишга буюрган: **“Эй аҳли китоблар, динингизда ҳаддан ошманг ва Оллоҳ ҳақида ҳақ сўздан бошқа нарсани айтманг”.**

Динда ҳаддан ошишчилар ўз эътиқодидан бошқа ҳар қандай эътиқодни рад этади, фикрига қарши чиққанларга мутаассибларча муносабатда бўлади. Экстремизм жамиятнинг ижтимоий-сиёсий қадриятларига раҳна солади, тинчлик ва хавфсизлигига таҳдид туғдиради. Пировардида жамият заифлашиб, таназулга юз тутлади.

Доктор Сайф ибн Али АСРИЙ,

Булғор Ислон академияси профессори:

– Агар барча инсонлар (шахслар, ҳукуматлар ва давлатлар) эзгулик йўлида ҳамкорлик қилиш, камбағал, муҳтожларга раҳм-шафқат кўрсатиш, зўравонликдан воз кечишга интиганида эди, олам гулистонга айланарди. Бу юксак орзу, идеалга эришишда тасаввуф таълимоти муҳим ўрин тутлади. Зеро, тасаввуф инсонларни комиллик, ахлоқсеварлик ва инсону ҳайвонотга раҳмдиллик руҳида тарбиялайди.

Оламда инсоний жаннат барпо этмоқ, яъни фозил жамият курамоқ ушалмас орзу бўлиб туюлади. Алҳол, бу дунё Оллоҳ инсонлар қалбига ўзига хос хислатлар ва эҳтиёжларни жо этган синов, имтиҳон маконидир.

Бағрикенглик Ислон ахлоқининг бир қисми, шариатнинг ўзак мақсади ҳисобланади. Луғатга кўра, “тасаммул” сўзи ўзаро мулоқотни англатади. Тасаммул ёқимлилик, кечиримлилик ва бошқаларнинг хатоларини афв этиш ҳам демақдир. Ибн Асир бу фазилатни “буюклиқдан келиб чиқадиган саховат” деб таърифлаган.

Ислон тарихини диққат билан ўргансак, динимиз Қуръон ва суннатда баён қилинган тамойиллар, амалий татбиқлар орқали инсон ҳуқуқларини кафолатлагани, ҳимоя қилганини кўраимиз. Масалан, халифа Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу яҳудий билан даъволашганида қози яҳудийнинг фойдасига ҳукм чиқарган эди.

Диний масалаларда турлича фикрда бўлса-да, бир маконда яшаётган ва тенг фуқаролик ҳуқуқига эга кишиларга нисбатан юксак ҳуқ-атвор кўрсатмоғимиз вожибдир. Айни чоқда улар ҳидоят топиши учун дуо қилмоғимиз, саодат эгаси бўлишларига умид уйғотмоғимиз лозим.

Зулмга сукут қилишнинг ўзи ҳам зулм бўлиб, унинг бағрикенглик ёки тинчликсеварликка алоқаси йўқ. Дунё аҳли не-не уруш, офатларни бошдан кечирмоқда. Уларни тўхтатишнинг ягона йўли тинчлик, бағрикенглик ва ҳамкорлик йўлига ўтмоқдир.





Хуқуқий-демократик давлат барпо этишни, сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва ҳурликлари устуворлигига эришишни кучли фуқаролик жамиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Давлат жамият устидан эмас, балки жамият давлат институтлари устидан назоратни амалга оширсагина шахс эркинликлари тўлиқ рўёбга чиқиши мумкин. Бундай тизимга ўтиш узоқ ва машаққатли жараён бўлиб, у айнан фуқаролик жамиятини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Жон Локк, Адам Смит каби мутафаккирлар фуқаролик жамиятини кишилик жамо-

асининг ёввойи шаклдан цивилизацияланган босқичга ўтишини англатувчи феномен сифатида таърифлаганлар. Бу борада Аристотель, Ҳегель, Марксдан тортиб XXI аср олимларига қадар турли ёндашувларни илгари сурган. Уларни умумлаштирган ҳолда бундай таъриф бериш мумкин: фуқаролик жамияти – иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда фаолият юритувчи, кўнгилли асосда тузилган нодавлат ташкилотлар тизимидир.

Сўнги йилларда бутун дунёда, жумладан, Марказий Осиёда бошқарув ислохот-

ларининг ҳаракатлантирувчи кучи ўлароқ фуқаролик жамиятининг ўрни ошиб бормоқда. Қуйида минтақанинг беш мамлакатда фуқаролик жамияти ҳолати хусусида мухтасар сўз юритамиз.

Қозоғистон Республикаси. 1980-йиллар охири – 90-йиллар бошларидаги иқтисодий, сиёсий ислохотлар турли ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат бирлашмаларини тузишга йўл очди. Мамлакатда биринчилардан бўлиб нодавлат сектор ишчи-ҳодимлари манфаатларини ҳимоя қилувчи мустақил касаба уюшмалари ташкил этилди. Оммавий ахборот воситалари, жамоат ва диний бирлашмалар, сиёсий партияларнинг институционаллашуви фаол тарзда кечди. Фуқаролик фаоллигининг ёрқин ифодаси сифатида ядровий синов майдонларини ёпиш талабини илгари сурган “Невада – Семипалатинск” ижтимоий ҳаракатини ёдга олиш лозим.

90-йиллар бошларида Ижтимоий ҳимоя коалицияси тузилиб, унинг теграсида 28 та ташкилот, партия ва ҳаракатлар бирлашди. Шу тариқа жамият ўткир ижтимоий муаммоларни бир ёқадан бош чиқариб ҳал қилишга киришди.

90-йиллар охири фуқаролик жамияти институтларининг профессионаллашуви даври саналади. 2000 йили ноҳукумат ташкилотларнинг давлат ҳокимияти билан ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштирадиган Қозоғистон ноҳукумат ташкилотлар конфедерацияси тузилди. Ўша йили қабул қилинган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун ижроия ҳокимияти институтлари, иш

берувчилар ва ишчилар уюшмалари вакиллари ўртасида манфаатлар уйғунлигини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди. 2002 йил июль ойида қабул қилинган янги таҳрирдаги “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун мамлакат партиявий тизимида сифат жиҳатидан таркибий ўзгаришларга олиб келди.

Ўтган йиллар давомида фуқаролик жамияти институтлари – сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, касаба уюшмалари, миллий-маданий уюшмалар, оммавий ахборот воситалари ривожланиш босқичига ўтди. Бугунги кунда Қозоғистонда расмий рўйхатдан ўтган 7 та сиёсий партия фаолият юритади. 22 мингдан ортиқ ННТлар тармоғи мавжуд.

Қозоғистонда фуқаролик жамиятининг уйғун ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам бор. Мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат органлари билан тенг ҳуқуқли шерикчилиги масаласи тўлиқ ҳал этилмаган. Муҳим лойиҳаларда очиқ рақобатни таъминлаш ва ННТлар иштирокини кучайтириш учун давлат ижтимоий буюртмасини шакллантириш механизмини яратиш зарур. ННТлар ҳудудлар, айниқса, қишлоқ жойларда фаол эмас. Уларни рўйхатга олиш тартиби мураккаб, бадал миқдори юқори. Фуқароларнинг юридик шахс ташкил этмай норасмий бирлашма (ташаббускор гуруҳ) тузиши ҳам



мушкул. Бундан ташқари, ННТлар томонидан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда бизнес тузилмалар иштироки сушт.

Кучли ижтимоий-сиёсий эҳтиёжга қарамай, партиялар жамоатчилик талабига мувофиқ фаолият юритмоқда деб бўлмади. Аксар партиялар зарур молиявий ресурсларга эга эмас. Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш учун имзо тўплаш бўйича қоидаларда мавҳумликлар мавжуд.

Касаба уюшмалари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этишда тўлиқ иштирок этмайди. Жамоа шартномалари ва келишувлари ҳали-ҳануз ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмига айланмаган.

2019 йили Қозғистонда бўлиб ўтган навбатдан ташқари президентлик сайловида Қосим-Жўмарт Тўқаевнинг ҳокимиятга келиши билан мамлакатда демократик модернизация ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича янги давр бошлангандек эди. Лекин бир муддат ҳокимият ваколатларининг талай функциялари собиқ президент қўлида қолди. 2022 йил бошида айрим вилоятларда содир бўлган норозилик намоишларидан кейин ҳукумат конституциявий ислохотларни бошлади, демократия ва фуқаролик жамиятига ён берди.

2022 йил 15 июндаги фармон билан Қозғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик ишончи миллий кенгаши ўрнида Миллий қурултой тузилди. Қурултой мамлакатда сиёсий ислохотларни амалга ошириш, жумладан, кўппартиявийлик тизимини такомиллаштириш, сўз ва матбуот

эркинлигини қўллаб-қувватлаш, қонунчиликни либераллаштириш, демократик таъминлар ва фуқаролик жамияти институтларини юксалтириш борасида миллий мулоқот майдони вазифасини ўтиши лозим.

Қирғизистон Республикаси. 1990-йиллар бошида Қирғизистонга халқаро донорлик ташкилотларининг кириб келиши нодавлат нотижорат ташкилотларни шакллантиришда муҳим роль ўйнади. Мамлакат раҳбарияти фуқаролик жамияти ташкилотларини тузиш ташаббусини қўллагани боис бу турдаги тузилмалар адади ортди.

Қирғизистонда рўйхатдан ўтган нодавлат ташкилотлар сони 8 мингдан 12 минггачани ташкил этади. Аммо улардан 600-700 таси изчил ва фаол тарзда ишлайди, холос. Давлат солиқ инспекцияси маълумотларига кўра, мамлакат бўйлаб 600 га яқин нодавлат нотижорат ташкилот ҳар ой солиқ ҳисоботини бериб туради, шундан 400 га яқини Бишкек шаҳрида қўним топган.

ННТлар асосан икки гуруҳга бўлинади. Биринчи тоифа – ислохотлар, демократлаштириш, давлат органлари фаолияти очиклиги ва ошкораликни тарғиб қилувчи сиёсий-институционал ташкилотлар. Пойтахтда фаолият юритувчи бу сира ташкилотлар турли даражадаги ҳисоботларда қатнашади, халқаро конвенциялар ҳамда ҳужжатларга доир маърузаларни тайёрлайди. Иккинчи тоифа – вилоятлардаги амалиётчи ННТлардир. Улар фаолияти институционал ўзгаришларга эмас, балки жамият ва маълум аҳоли гуруҳининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган. Шунингдек, хайрия ташки-

лотлари ва миллий озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи уюшмалар ҳам мавжуд.

2004 йилда Қирғизистон Президенти томонидан ҳукумат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик концепцияси тасдиқланди. Декларатив хусусиятга эга эканига қарамай, концепция жамиятга маълум даражада ижобий таъсир кўрсатди, ноҳукумат ташкилотлар ва давлат идораларининг ўзаро муносабати мустаҳкамлана бошлади. Маслаҳатлашув ва маълумот алмашув ҳамкорликнинг асосий шакли сифатида белгиланди. ННТ вакиллари Президент ҳузуридаги соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ишлари бўйича миллий жамоатчилик кенгашларига, шунингдек, ҳукумат ҳузуридаги идоралараро тузилмаларга жалб этилди.

2016 йилдан эътиборан Қирғизистон парламентида “Чет эл агентлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинди. Мазкур ҳужжат жамоатчилик томонидан фуқаролик жамияти учун жиддий хавф деб баҳоланди. Эътирозларга қарамай, ушбу қонун 2024 йилда қабул қилинди. Унга мувофиқ, чет элдан маблағ оладиган ва сиёсий фаолият билан шуғулланадиган ННТлар “чет эл вакили” деган ёрлиқни қабул қилиши керак.

2020 йилнинг октябрь ойида мамлакатда рўй берган оммавий намоишлар ортидан президент ҳамда ҳукуматнинг истеъфога чиқиши жамиятда сиёсий инқироз этилгандан далолат берар эди. Бу каби нотинчликлар ижтимоий ҳаёт ва бошқарувда томонлар манфаатларини уйғунлаштириш, ягона консенсусга эришишга тўсқинлик қилади.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятининг етуклиги нафақат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг миқдорий кўрсаткичи билан, халқнинг ижтимоий-сиёсий тафаккур даражаси билан ҳам белгиланади. Ижтимоий капитал ривожланса, фуқароларнинг давлат органларига нисбатан ишончи мустаҳкамланса, миллий ва диний бағрикенглик устувор аҳамият касб этса, чинакам фуқаролик жамиятини қуриш мумкин бўлади.

Тожикистон Республикаси. Мамлакатда анъанавий ижтимоий тузилмалар маданият, эътиқод ва дин билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Масалан, *жамоад ёки гашитак* анъанаси кўп асрлик тарихга эга. Бугун ҳам тожик жамиятида кўнгиллилар фаолияти қишлоқ ва маҳалла даражасида мавжуд.

Совет Иттифоқининг қулаши ва кейинчалик фуқаролик уруши натижасида юзага келган ижтимоий парокандалик фуқаролик жамияти равнақига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Тожикистонда Жамоатчилик кенгашининг ташкил этилиши тинчлик ўрнатиш жараёнида фуқаролик жамияти ролининг ёрқин намунаси саналади. Шу тариқа турли ижтимоий ташкилотлар саъй-ҳаракати билан 1997 йил май ойида Тинчлик шартномаси имзоланди.

Фуқаролик ташкилотлари маҳаллий бошқарувнинг кундалик муаммоларини ҳал қилиш ва жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашга фаол ҳисса қўша бошлади. Нодавлат нотижорат ташкилотлар сони 1997 йилда 300 тани ташкил этган бўлса,

2006 йилда 2750 га етди. Бугунги кунга келиб Тожикистонда 3 мингдан зиёд ННТ фаолият олиб боради.

Мамлакатдаги нодавлат ташкилотлар фаолият йўналишларидан бири – инсон ҳуқуқлари ҳимоясидир. Чекка ҳудудлардаги ННТлар эса барқарорликни мустаҳкамлашнинг самарали воситаси ҳисобланади. Қишлоқ жойларда айнан шу тоифа ташкилотлар кўмаги туфайли фермерлар аста-секин ўз овозига эга бўлмоқда.

2007 йили мамлакатда туб ислохотларни амалга ошириш, демократияни мустаҳкамлаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида Тараққиёт миллий кенгаши тузилди.

Ижобий ўзгаришларга қарамай, Тожикистонда ҳалигача маълум сектор учун жавобгарликни ўз зиммасига оладиган кучли фуқаролик жамияти тармоғи шаклланмади. Ҳозирда вазирликлар ўзи масъул соҳа талаб-эҳтиёжларига жавоб берадиган “соябон ташкилот” мақомида. Яъни тегишли вазирлик фуқаролик жамияти ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга етакчилик қилади.

2007 йилда Тожикистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган эди. Мутахассислар мазкур қонунга 2015 ва 2019 йилларда киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни нолиберал характерга эга деб баҳолайдилар.

Мамлакатдаги фуқаролик жамияти ташкилотлари ўз фаолияти учун маблағ жалб қилиш бўйича етарли тажрибага эга эмас. Нодавлат ташкилотларнинг ресурслари чекланган. Бундан ташқари, жамият уларга ҳар доим ҳам ишонч билан қарамайди. Ишончсизлик муҳити эса маҳаллий ҳокими-

ят ва бизнес тузилмалар билан ҳамкорлик ўрнатишга ёвдир. Шунингдек, ННТларда малакали кадрлар тақчиллиги мавжуд.

Таҳлилчилар фикрича, сўнги вақтларда Тожикистонда фуқаролик жамиятининг ҳолати сустрлашган. Нодавлат нотижорат ташкилотлар Солиқ кўмитаси ва бошқа тузилмалар томонидан текширувлардан ўтказилди. Маъмурий ва техник талабларга мувофиқ эмаслиги сабаб инсон ҳуқуқлари бўйича бир нечта ННТ ёпилиши мумкин.

“Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунга киритилган янги ўзгартишларга кўра, ННТлар чет элдан гуманитар ёрдамнинг махсус реестрига киритиш учун олинган барча маблағлар тўғрисида адлия органларини хабардор қилиши шарт. Фуқаролик жамияти ташкилотлари ушбу талаб нафақат нодавлат ташкилотларга қўшимча маъмурий вазифа юклаши, балки уларнинг маблағ олишига йўл қўймаслик учун ҳам ишлатилиши мумкинлигидан хавотирда. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тузилмалари ҳам янги талабни номақбул деб топган.

Глобал ва минтақавий жараёнлар фуқаролик жамиятининг тобора ортиб бораётган аҳамиятини эътиборга олиш лозимлигини кўрсатмоқда. Шунга кўра давлат аста-секинлик билан бўлса-да, фуқаролик жамияти учун фаолият майдонини очиб бермоқда. ННТ вакиллари мамлакатда милиция тизимини ислоҳ қилиш ва янги солиқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш каби жараёнларга жалб этилди. Ҳамкорликни тизимли даражага етказиш, муқобил нуқтаи назарларни ҳисобга олиш муҳимдир. Умуман олганда, сиёсий қарорларни қабул қилишда фуқаролик назоратини кучайтириш ҳуқуқий-демократик давлатнинг

кўрсаткичларидан биридир. Тожикистон ҳам ислохотларни шу йўналишда давом эттирмоқда.

* * *

Туркменистон Республикаси. Мамлакатда фуқаролик жамияти ташкилотлари тор доирада фаолият юритмоқда. Конституциянинг 28-моддасига мувофиқ, фуқаролар сиёсий партия ва бошқа турдаги жамоат ташкилотларини тузишга ҳақли. Қолаверса, соҳани тартибга солувчи “Жамоат ташкилотлари тўғрисида”ги қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Лекин сиёсий партиялар ва касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун қабул қилинмаган. Бу борада қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Ўрганишларга кўра, жамоат бирлашмаларини ташкил этиш ва бошқариш ҳуқуқларини чеклашга уриниш мавжуд. Масалан, жамоат бирлашмаси давлат рўйхатидан ўтиши учун ташаббускор гуруҳ адлия идорасига ҳужжатлар билан бирга тегишли вазирликнинг махсус хатини ҳам топшириши керак. Дейлик, экология соҳасида ННТ ташкил қилмоқчи бўлганлар Табиатни ҳимоя қилиш вазирлигидан, таълим соҳасида фаолият юритишни кўзлаганлар эса Таълим вазирлигидан расмий хат олиши талаб этилади.

Туркменистондаги 89 та ННТлардан фақат 7 таси халқаро ҳамжамият томонидан мустақил тузилма сифатида тан олинган. Жамоат ташкилотларининг аксари давлат томонидан тузилган ёки унинг органларига бўйсунди.

Сўнги йилларда фуқаролик жамияти аста-секин жонланмоқда. 2018 йилда ин-

сон ҳуқуқлари бўйича вакил – Омбудсман институти жорий қилинди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга кўмаклашиш, ижтимоий мониторинг олиб бориш унинг асосий вазифалари сифатида белги-ланган.

Туркменистон хотин-қизлар иттифоқи фаол жамоат ташкилотларидан бири ҳисобланади. Туман ва шаҳарларда бошланғич ташкилотларига эга бўлган бу иттифоқ бир миллионга яқин аёлларни бирлаштиради. Унинг асосий фаолияти аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ролини оширишга қаратилган.

* * *

Ўзбекистон Республикаси. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунларда ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий асослар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 26 августда қабул қилинган “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ушбу соҳада янги ҳуқуқий механизмларни яратишга асос бўлди.

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар шаклланиши ва ривожланишини тўрт босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич 1991 – 2002 йилларни ўз ичига олиб, нодавлат ташкилотлар фаолият

тини ташкил этишга оид қонунчилик шаклланишининг дастлабки даври ҳисобланади.

Иккинчи босқичда (2003 – 2009-йиллар) фуқаролик жамияти институтлари кафолатлари ҳамда моддий-техник салоҳияти кучайтирилди.

Учинчи босқичда (2010 – 2016-йиллар) фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, мустақил ОАВ ва маҳалла институти янада ривожлантириш ҳамда уларнинг давлат органлари билан тенг ҳамкорлик ўрнатишининг ҳуқуқий асослари яратилди.

2017 йилдан бошланган *тўртинчи босқичда* янгиланаётган Ўзбекистонни демократлаштириш ва либераллаштириш, нодавлат ташкилотларни чинакам жамоатчилик назорати субъектига айлантиришга эътибор қаратилмоқда.

2020 йил 16 апрель куни эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонда давлат, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни жадал ва ҳар томонлама тараққий эттиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини уйғунлаштирувчи замонавий мулоқотни йўлга қўйиш вазифаси белгиланган. Шунингдек, палатага жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик мониторинги каби механизмларни қўллаш, ҳар йили Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ҳолати тўғрисида миллий маъруза тайёрлаш вазифаси юкланди.

Парламент ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ташкил этилиши ижобий ҳодиса бўлди.

Ўзбекистонда 9 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилот мавжуд. Шунингдек, 30 та халқаро ва хорижий ноҳуқумат ташкилотларнинг филиал ҳамда ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Фуқаролик жамиятининг асосий бўғинларидан бири – ўзини ўзи бошқариш тизими ҳам ривожланмоқда. Республикамизда 10 мингга яқин маҳалла бор.

Фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш борасида айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд. Аввало, нодавлат нотижорат ташкилотларни молиялаштириш масаласи ҳануз долзарблигича қолмоқда. Парламент ҳузуридаги жамоат фонди томонидан ажратиладиган маблағлар ННТларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўсишига мувофиқ эмас. Кейинги вақтларда жамғарма томонидан ННТларга ажратилган молиявий маблағ ва ёрдамнинг марказлашуви кузатилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларини молиялаштириш бўйича ривожланган мамлакатларда кенг қўлланадиган усуллар (аъзолик бадаллари, хайрия) кенг тарқалмаган. Умуман олганда, маҳаллий ННТларда самарали фандрайзинг стратегияси мавжуд эмас.

Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга 2017 йилги Мурожаатномасида қайд этганидек, “Бир қанча йирик жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида, “Нуроний” жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлар

фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамаздан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айнақса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда”.

Аҳолининг онги, дунёқарашини кенгайтириш, сиёсий маданиятини юксалтириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Бу соҳага доир ўндан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинган, мулк шакли ва фаолият йўналиши турлича бўлган юзлаб ОАВ фаолият юритмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимизда халқаро ОАВ билан алоқани мустаҳкамлаш борасида дадил қадамлар ташланди. Жумладан, халқаро медиафорумлар ташкил этилди, кўплаб чет эл мухбирлари аккредитациядан ўтказилди. Айни чоқда, миллий медиа макон мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқаро матбуот эркинлиги рейтингларида ўрнимизни яхшилаш, эркин фикр, плюралистик кайфиятни кучайтириш йўлидаги чора-тадбирларни давом эттириш давр талабидир.

ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳам касбий малакасини оши-

риб бориши, ташкилий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаши, бир сўз билан айтганда, жамиятда ўз легитимлигини таъминлаши долзарб вазифалар сирасига киради.

* * *

Хулоса шуки, Марказий Осиёнинг ҳар бир мамлакатига фуқаролик жамияти барпо этиш турли суръатда кечмоқда. Асосийси, минтақа давлатлари тараққиётга доир ўрта ва узоқ муддатли стратегик ҳужжатларни қабул қилган. Қозоғистон Республикасини 2025 йилгача ривожлантириш режаси (2018 йил 15 февраль), Қирғиз Республикасини 2018 – 2040 йилларда ривожлантириш миллий стратегияси (2018 йил ноябрь), Тожикистон Республикасини 2030 йилгача ривожлантириш миллий стратегияси (2016 йил февраль) ва 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси (2022 йил 28 январь) шулар жумласидан. Ушбу дастурий ҳужжатларда давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилган.

Марказий Осиёда фуқаролик жамияти модели кўп жиҳатдан давлат бош ислохотчилиги ва патерналистик характерга асосланади. Аслида эса, фуқаролик жамияти феномени инсонлар ва жамият тафаккурида ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий қадриятга айланмоғи лозим. Зеро, фуқаролик жамияти нафақат ички сиёсий барқарорликка, балки минтақавий ҳамкорликка, сиёсий интеграцияга ҳам хизмат қилади.



Абдурахим ЭРКАЕВ

NEOIMPERIALISM: MUSTAQILLIKKA YANGI TAHIDLAR

Иккинчи мақола

Неоимпериализмнинг мафкуравий иттифоқчиси саналган неолиберализм иқтисодий жабҳада “фалаж терапияси”, монетар сиёсат ва неомакроиқтисодиёт назарияси ҳамда бошқа катта-кичик концепцияларга таянади. У иқтисодиётда давлат ваколатларини чеклаб, трансмиллий компаниялар қудратини оширишни ёқлайди.

XX асрнинг 70-йилларида Нобель мукофоти лауреати Милтон Фридман раҳбарлигидаги Чикаго мактаби неолиберализм доирасида “фалаж терапияси” ғоясини олға сурди. Олим қатъий равишда эркин бозор муносабатларини жорий қилиш учун унга ғоя таклиф этган: мулкни тўлиқ хусусийлаштириш, яъни давлат мулкни батамом йўқотиш; давлатни иқтисодиётни тартибга солиш ва назорат қилишдан четлаштириш; ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағларни кескин камайитириш.

Табиийки, бундай сиёсатни кенг омма қабул қилиши қийин эди. Шу боис М. Фридман жамоатчилик онгини фалаж қилиб қўядиган табиий офатлар (зилзила, сув тошқини, довул, тўфон, қурғоқчилик, ёнғин) ёки фавқулодда ҳодисалардан (иқтисодий инқироз, тўқнашув, теракт, фуқаролик уруши, сиёсий беқарорликлар) фойдаланиб қолишни тавсия этади.

“Шок терапияси” назарияси ва амалиётини ўрганган канадалик сиёсатшунос Наоми Кляйннинг таъкидлашича, ушбу ғояни амалга татбиқ этган бирор мамлакат ижобий натижага эришмаган. Бу таълимот халқни қашшоқлаштириб, ишсизликни кучайтиргани ҳолда, кам сонли гуруҳлар, корпорацияларнинг бойиши, янги олигархлар пайдо бўлишига хизмат қилган. Шунга кўра Н. Кляйн мазкур назарияни иқтисодий тенгҳуқуқчилик қадриятига ёт, тор

доиралар манфаатларига хизмат қилувчи корпоративизм мафкуриси деб баҳолайди (Кляйн Н. Доктрина шока. Расцвет капитализма катастроф. Москва, “Добрая книга”, 2015).

Неоимпериализмнинг мафкуравий аслаҳаси

Неоимпериализмнинг мафкуравий аслаҳалари орасида турли-туман назариялар, концепциялар мавжуд. Заруратга, макон ва замонга қараб улардан маъқули истифода этилади. Баъзи назариялар, концепциялар бевосита тарғибот-ташвиқотга мўлжалланмаган, яъни улар соф илмийликка даъво қилади. Бироқ неоимпериализм тарафдорлари уларни ўз мақсадига мослаб талқин этади.

Неоимпериализм эҳтиёжларини ҳисобга олиб ёзилган баҳсли асарлар талайгина. Америкалик сиёсатшунос Сэмюэл Хантингтоннинг 1994 йилда чоп этилган “Тамаддунлар тўқнашуви” рисоласи шундай манбалар сирасига киради. Муаллиф фикрича, эндиликда урушлардан мақсад иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий ҳукмронликка эришиш эмас, балки маданий-ғоявий устунликни қўлга киритишдир. Шу тариқа у неоимпериализмнинг асл мақсадини ниқоблашга уринади. С. Хантингтон “Биз киммиз?” асарида ҳам очиқчасига инглиз-протестант маданиятига испанлашув ва мультикультурализм таҳдид солаётгани ҳақида ёзади.

Америкалик бошқа бир сиёсатшунос Фрэнсис Фукуяма эса “Тарих интиҳоси” мақоласида тоталитар тузум ва мафкуралар барҳам топиб, охир-оқибат либерал демократия ғалаба қозониши, яъни Ғарб қадриятлари таъсири ортишини башорат

қилади. Шундай экан, миллий маданий мерос, қолақ миллий ва диний урф-одатлардан, миллий идентликдан воз кечиб, дунё фуқаросига айланиш лозим, деган баҳсли ғоясини илгари суради муаллиф.



Ғарбда юзага келган нохуш ижтимоий-маданий, ахлоқий, сиёсий тенденцияларни танқид қилиб, уларнинг асл сабабларини очиб беришга интилаётган Патрик Бьюкенен, Жеймс Коулман каби муаллифлар ҳам йўқ эмас. Шу ўринда “юмшоқ куч” концепцияси муаллифи Жозеф Най ва америкалик жамоат арбоби Жин Шарп номини эслашни лозим топдик.

Ж. Шарп “Диктатурадан демократияга” асарида Маҳатма Ганди каби мутафаккирларнинг тинчлик йўли билан эркинликка (мустақилликка) эришиш ғоясига ўз принципларини қўшган ҳолда янги назарияни илгари сурган. Неоимпериализм амалиётчилари эса бу назарияни “сақрал (муқаддас) қурбонлик” келтириш (“Намойишчилардан бирортасини полиция ёки армия отиб қўйиши зарур, ана шунда жазавага тушган омма давлат ҳокимиятини ағдариб ташлайди”) ғояси билан бойитиб, рангли инқилоблар амалга ошириш механизмини яратди. Ж. Шарпнинг ўзи амалий сиёсат билан шуғулланмаган, асарини ҳам буюртма асосида ёзмаган. Ж. Найни эса неоимпериализмнинг типик неолиберал мафкурачиси деб атаса бўлади.

Назаримизда, неолиберализм таълимоти бирор мамлакат аҳолисига ривожланиш мақсадини аниқ-тиниқ белгилаб беролмади. Бу нафақат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт стратегияси, шунингдек, инсон такомили, яшашдан мақсад ғояси ва ҳаёт идеалига ҳам тааллуқлидир. Балки шу боисдир, неолиберализм мафкураси тарқалган ўлкаларда давлат сиёсатида ҳам, фуқаролар ҳаётида ҳам келажак идеалини топиш қийин. Одамлар мақсадсиз, маънисиз умргузаронлик қилаётгандек, ҳаёт чин абсурдга айлангандек. Бу ҳол оммада бефарқлик кайфиятини, сиёсий, ахлоқий ва ғоявий инфантилликни вужудга келтиради. Аҳолиси лоқайд ва мақсадсиз мамлакатни эса истаган кўйга солиш, иқтисодий, маънавий жиҳатдан қашшоқлаштириш, талаш мумкин.

Неолиберализмнинг айрим намоёндалари инсоннинг руҳий ва ижодий туйғулари, юксак идеаллар, кўнгил дунёси, ахлоқий ва эстетик қадриятларни эскилик сарқити (анахронизм) деб эълон қилди. Улар ўрнига истеъмолчилик идеали олға сурилди. Тарғибот-ташвиқот ишида ҳар бир аҳоли қатламига ўзига хос тарзда ёндашув йўлга қўйилди. Бренд товарлар харидига муккадан кетиш, ёшларнинг экстравагант кўринишдаги эстрада юлдузлари ва виртуал суперқаҳрамонларга тақлид қилиши, ҳатто сиғиниши, мулоқотда дағал, вульгар, ҳақорат сўзларини қўллаш, умуман, оммавий маданиятнинг нохуш кўринишлари авж олгани ўша тарғиботнинг “мева”ларидир.

Неолиберализм мафкураси демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинлик ғоясини неоимпериализм манфаатларига кўра талқин этади. Демократия, инсон ҳуқуқла-

ри ва турли маргинал гуруҳларни ҳимоя қилиш баҳонасида ривожланаётган мамлакатлар ички ишларига аралашув, иқтисодий санкциялар қўллаш, ҳатто ҳарбий куч ишлатиш, рангли инқилоблар уюштириш усуллари замирида неоимпериализм ётади. Неолиберализм Ғарбнинг икки хил стандартлар қўллаш сиёсатини оқлайди. Масалан, 2024 йил май ойида Ҳаагада жойлашган Халқаро жинорий суд Исроил бош вазири ва мудофаа вазирига нисбатан қамоққа олиш тўғрисида ордер бермоқчи бўлганда, Ғарб расмий доиралари бунга қатъиян қарши чиқди. Халқаро Олимпия кўмитаси (ХОҚ) Парижда ўтган Олимпиада ўйинларида россиялик ва белоруссиялик спортчилар қатнашишига чеклов қўйди, баъзи спорт федерациялари уларнинг Олимпиадада иштирокини буткул тақиқлади. Бунга Россиянинг Украинага қарши уруши сабаб қилиб кўрсатилди. Ҳазо секторига уюштирилган қирғиндан кейин жаҳон жамоатчилиги ХОҚдан Исроилга қарши санкция қўллашни таклиф этганида эса, Ғарб расмий доиралари бунга рухсат бермади...

Инсоний айният хавф остида

Анъанавий либерализмда демократия кўпчиликнинг озчилик устидан ҳукмронлиги сифатида тушунилади. Аммо озчилик манфаатлари тўлиқ инкор қилинмайди, қонун доирасида муҳофаза этилади. Неолиберализм эса озчиликнинг кўпчиликни ўз иродасига буйсундиришини ёқлайди. Кўпчиликнинг овоз бериши ва иродаси, яъни демократик сайлов ортидан ҳокимият тепасига Ҳитлер сингари диктаторлар келиши мумкинлиги важ қилинади. Улар-

нинг даъвосича, озчилик иродасига устунлик берилганда гўё бундай ҳолатлар юз бермайди. Жамиятда озчиликка устувор имконият тухфа этилишини чин адолат деб талқин қилиш, сиёсат ва ҳуқуқда икки хил стандарт қўлланиши, шахс жинсий идентлиги масаласида “нейтраллик” ғояси неолиберализм қандай мафкура экани ва кимларнинг манфаатларини ифодалашини аниқ кўрсатади. Аслини олганда, бу – алмисоқдан қолган элитар назариянинг замонавий шароитга мослашган патологик, носоғлом шаклидир. Хатарли жиҳат шундаки, неоимпериалистик давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий етакчилари, корпоратив озчилик, шу жумладан, “ножинс” тоифа вакиллари ўзини “замонавий элита” санамоқда. Боз устига, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсатга доир меъёрлар, қарорлар, халқаро келишувларни қисман ёки тўлиқ неоимпериализм манфаатларига мослаштириш тенденцияси кузатилмоқда.

Россиялик файласуф Александр Дугин америкалик журналист Такер Карлсонга берган интервьюсида замонавий неолиберализмнинг мақсади шахсни индивидуал идентлигидан (инсоний айниятидан), шу жумладан, гендер идентлигидан “озод қилиш” деб тўғри таъкидлаган эди. Агар файласуфнинг бу нуқтаи назарини жаҳон ҳамжамиятига нисбатан қўлласак, бош мақсад халқларни миллий идентлигидан маҳрум қилиш, идеалсиз, миллий ғурусиз оломонга айлантириш экани ойдинлашади. “Ножинс” ҳамжамиятлар фаолияти қонунийлашиши ва кенг ташвиқ қилиниши, жинсий нейтраллик тамойили асосида боғча, мактаблар ташкил қилиниши... буларнинг бари неолиберализм одамларни гендер

идентлиқдан воз кечтирмоқчи бўлаётганидан далолат беради.

Неолиберализм мафкураси инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бобида анъанавий ахлоқий қадриятларни тан олавермайди. Устуворлик формал ҳуқуққа берилади. Масалан, жинсий мўлжали ўзгача шахсларни жинорий таъқиб қилмаслик гуманизм тамойили ва инсон ҳуқуқларига мос деган қараш билан келишиш мумкин. Чунки уларнинг айримларида табиий туғма патология мавжуд. Туғма касаллик учун эса одамни айблаб бўлмайди. Бу тоифа ўтмишда ҳам бўлган. Лекин илгари улар ўз ғайриодатий ҳаётини кўз-кўз қилмаган, жамият ахлоқий муҳити, осойишталигини очиқча бузмаган. Эндиликда эса “гендер бетарафлик”, шахвоний озчиликлар ҳуқуқлари тажовузкор тарзда тарғиб-ташвиқ этилмоқда. Бир жинсли никоҳларга рухсат берилиши эркинлик ва демократия даражасини белгиловчи мезонга айлантирилмоқда. Телеэкранларда зўравонлик, фаҳш, қотиллик, даҳшат сахналари эстетиклаштирилган фильмлар, саёз мазмунли кўнгилочар кўрсатувлар кўпайгани неолиберализм мафкурасининг маданий ҳаётдаги аксидир. Суперқаҳрамонларга бағишланган электрон ўйинларни айтмайсизми! Айнан шундай ўйинлар, оммавий маданиятнинг “китч”, “мидл” сингари маҳсулотлари ёрдамида ёш авлод миллий илдизларидан узиб олинмоқда; ота-онаси, яқинлари ва катта авлоддан бегоналаштирилмоқда.

Эътибор берилса, ривожланаётган мамлакатлар аҳолисида “юмшоқ куч” ёрдамида зимдан миллий идентлиги ва миллий қадриятларига нисбатан беписанд, ҳатто нигилистик муносабат шакллантирилмоқда. Си-

раси, Ғарб оммавий маданияти ва ахборот экспансияси неоимпериализмнинг яна бир кучли мафкуравий қуролидир.

Мумтоз либерализм давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида популизм, тор манфаатларга, сиёсий шоуларга мойилликни туғдирган эди. Энди бундай мойиллик бир неча қарра кучайди. Давлатларнинг амалий сиёсатида оммавий маданият тамойиллари ва хусусиятлари кириб келди. Хатарлиси, объектив тарихий зарурат, ҳатто миллий манфаатлардан эмас, ҳарбий-сиёсий блок бирдамлиги манфаатларидан келиб чиқиб қарор қабул қилинмоқда. Кези келганда муайян иттифоққа мансуб давлатлардан ҳегемон давлат манфаатларини деб баъзи суверен ҳуқуқларидан воз кечиш талаб этилмоқда. Буни АҚШнинг сўрови (уни балки босим деган маъқулдир?) остида Европа Иттифоқига кирувчи айрим давлатларнинг ўз миллий манфаатлари, эркин савдо қилиш ҳуқуқидан қисман воз кечгани, яқин-йироқ ўлкалар билан савдо-сотикни чеклаганида кўриш мумкин.

Сиёсат ва сиёсатчилар майдалашиб, бачканалашиб бормоқда. Баъзи сиёсатдонлар давлат арбобини эмас, кўпроқ шоуменларни эслатади. Жаҳон жамоатчилигини чалғитиш ва ўз сиёсатини маъқуллатиш учун турли фобиялар (ислом фобияси, руслар фобияси, Шимолий Корея фобияси, Хитой фобияси, мигрантлар фобияси) ўйлаб топилиб, зўр бериб омма онгига сингдирилмоқда. Бу, бир томондан, омма онгини манипуляция қилиш усули бўлса, иккинчи томондан, ўз таъсиридаги давлатларни “умумий хавф”га қарши бирлаштириш, суверенитетини чеклаш учун ўйлаб топилган сиёсий-мафкуравий усулдир.

Неоимпериализмга хизмат қилувчи мафкурачилар ўз мамлакати ва жаҳон жамоатчилиги фикрини бошқа ўзанга буриш мақсадида тарихий воқеаларни сохталаштиришдан ҳам қайтмаётир. Булар, афсуски, тасодифан юз бераётган ҳодисалар эмас, балки тизимли олиб борилаётган ахборот кўпуровчилигидир. Масалан, АҚШ аҳолиси, айниқса, ёшларнинг катта қисми Иккинчи жаҳон уруши Германия ва СССРга қарши олиб борилган, Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбасини СССР ташлаган деб ҳисоблайди. Ҳатто америкалик айрим расмий амалдорларнинг АҚШ ва Украина биргалиқда Иккинчи жаҳон урушида Германия ва Россияга қарши курашди, деган сўзлари тарих қанчалик сохталаштирилаётгани ҳақида тасаввур уйғотади.

Фобиянинг кучайиши, сохталаштирилган сиёсий тарих, давлат бошқаруви профессионаллик даражасининг пасайиши, бошқарув тизимига тасодифий шахсларнинг, баъзи ҳолларда маргинал гуруҳ вакилларининг келиши жаҳон ҳамжамияти барқарор тараққиётига катта хавф солмоқда. Чунки барқарорлик издан чиқиши, ижтимоий-сиёсий муҳит таранглашуви неоимпериализм намояндалари учун айни муаддаодир. Назаримизда, фобиялар, воқеалар ва фактларни сохталаштириш, тинчлик, хавфсизликка таҳдид бўлмаса, ривожланаётган мамлакатлар неоимпериалист давлатлар босимини тўлиқ инкор қилиб, мустақил сиёсат юрита олади.

“Бошқариладиган хаос” нима?

Неоимпериализм Иккинчи жаҳон урушидан кейин жаҳон икки қутбга бўлинган шароитда, ўтган асрнинг 70 – 80-йилла-

рида шаклланди. СССР ва Шарқий Европадаги социалистик тизим парчалангач, сиёсий жиҳатдан Америка етакчилигидаги ривожланган Ғарб мамлакатлари ва улар таъсиридаги мамлакатларни бирлаштирган бирқутбли дунё, шунингдек, ўзини ҳеч қандай қутбга мансуб деб билмаган, тараққиёт даражаси турлича давлатлардан иборат уюлмаган ҳамжамият пайдо бўлди. Иккиқутбли дунёда қарор топган сиёсий, ҳарбий, ижтимоий ва ғоявий-мафкуравий мувозанат бузилди.

Бирқутбли дунё муҳитида АҚШ ва унинг иттифоқчилари БМТ каби халқаро тузилмаларни писанд қилмаслиги, улар қабул қилган қарорларнинг ўз манфаатига тўғри келмайдиганларини мутлақо эътиборсиз қолдириши ҳоллари кўпайди. Пировардида глобал хавфсизлик сўроқ остида қолди.

Неоимпериализм “бошқариладиган хаос” назариясини яратиб, ўзига керакли минтақаларда вазиятни издан чиқармоқда. Қўшни мамлакатлар ёки бир мамлакат ичида турли этнослар бир-бирига гижгиланмоқда. Жаҳондаги тўқнашувлар, ғалаёнлар, рангли инқилобларнинг аксари “бошқариладиган хаос” назарияси маҳсулидир.

Қўшқутбли дунё мезонларига мос БМТ ва унинг баъзи тузилмалари бирқутбли дунёда самарадорлигини йўқотди. Уни ислоҳ қилиш зарурлиги тобора ойдинлашмоқда. Балки “кўпқутбли дунё” қарор топгач, БМТни қай тартибда, қай йўналишда ислоҳ қилиш аниқроқ намоён бўлар. Эҳтимол, ўшанда жаҳондаги сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий кучлар ўртасида қандайдир мувозанат, тийиб туриш механизми юзага келар. Ҳозирча бу борада узил-кесил хулоса қилиш қийин. Лекин шуниси аниқки,

бирқутбли дунёдан кўпқутбли дунёга ўтиш ўта зиддиятли кечмоқда, ҳатто учинчи жаҳон муҳорабаси хавфи ортмоқда.

Россия собиқ СССРнинг вориси сифатида унга тегишли эски қутбни сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда. Бироқ у Ғарб неолиберализмга муқобил самарали модель таклиф эта олмади. Аксинча, “рус дунёси”, “провослав цивилизацияси” каби мавҳум, эклектик ва ҳегемонлик даъвоси аён кўринаётган ғоялар илгари сурилдики, улар наинки собиқ социалистик мамлакатлар, мутараққий Ғарб давлатларини ҳам таҳликага туширди. Қаттиқ чўчиган Шарқий Европанинг собиқ социалистик давлатлари ва собиқ СССРнинг айрим республикалари НАТОга қўшилиш йўлини танлади. Россия 2000-йилларгача ички ижтимоий-сиёсий муаммолар ва иқтисодий заифлиги сабабли буюк давлатчилик сиёсатини очиқчасига юрита олмади, аммо реал ҳарбий хавф солиб турди.

Сўнгги йилларда Россиядаги айрим депутатлар, сиёсатчиларнинг, ҳатто аҳоли бир қисмининг буюк давлатчилик ва шовинистик ғоялар томон оғиши кузатилди. Россияда “Нега Ғарб давлатларига мумкин-у, бизга мумкин эмас?! Биз ҳам ўз манфаатимиз йўлида бошқа давлатларга нисбатан улардек муносабатда бўлишимиз керак” қабилдаги чақириқлар тез-тез янграй бошлади. Бугун “руслар дунёси”, “рус ерларини қайтариш” ғоялари гоҳ расмий, гоҳ норасмий минбарларда ташвиқ этилмоқда. Жамият ижтимоий онгида собиқ иттифоқдош республикаларга нисбатан босим ўтказишни оқлаш кучаймоқда. Меҳнат мигрантларига нисбатан муносабат ҳам салбий томонга ўзгармоқда.

Ижтимоий тармоқларда Россия Федерациясини Россия империяси деб номлаш ҳам таклиф этилди. Захар Прилепин сингари айрим қаламкашларнинг “Киевда ғалаба парадни ўтказганимиздан кейин, уни Тошкентда ҳам ўтказишимизга ким халал бера олади” деган таҳдидли баёноти ёки бошқа сиёсатшуносларнинг “Озарбойжонлар ва ўрта осийликлар миллат сифатида мавжуд бўлмаган, уларни большевиклар, Ленин сунъий тарзда яратган” қабилдаги ғайриилмий даъволари Россиянинг давлат телеканаллари эфирини янграмоқда. Боз устига, Марказий Осиёда яшаб келаётган қардош халқлар орасига ишончсизлик, нифоқ уруғини сочишга уринишларни ҳам унутмаслик керак. Сир эмаски, агар минтақа халқлари ўртасида зиддият келиб чиқса, шимолдаги давлат “низони ҳал қилувчи ҳакам” бўлиб майдонга чиқмоқчи.

Европаликларда, жумладан, русларда “Гўдаклар тили ила ҳақиқат сўзлайди” деган нақл бор. Владимир Жириновский тириклик вақтида Россияда “Кремль Жириновский тилида сўзлайди” деган ибора пайдо бўлган эди. Дарҳақиқат, расмийлар айта олмайдиган анча-мунча фикрлар, огоҳлантириш, қўрқитишлар кўпинча Жириновский тилида янграр эди. Бугун ҳам анъана йўқолгани йўқ, фақат ижрочилар ўзгарган, холос.

Россиянинг айрим оғизботир сиёсатчилари бошқа мамлакатлар ҳақ-ҳуқуқлари, ҳатто суверенитетига дахл этгучи баёнотлар берган кезларда ушбу мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаси кўпинча “Бу гапирётган кишининг шахсий фикри, Россия ҳукумати-нинг позицияси мутлақо бошқа” деб маса-

лани хаспўшлашга уринади. Ҳолбуки, ўша “шахсий фикрлар” гоҳида давлат ОАВ орқали тарқатилмоқда-ку! “Шахсий фикр” билдираётганлар ҳам боши очиқ зиёли эмас, балки расмий амалдорлар-ку! Воқеликни кўриб, таҳлил қилиб, улар Россия аҳолиси, жамоатчилигини кейинги ҳарбий-сиёсий босқинчиликка тайёрламаяптимики деган хаёлларга борасиз.

Маълумки, қадимги Рим империяси давридаёқ “Divide et impera” – “Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” тамойили ўзга халқларни бошқаришнинг асосий усулига айланган эди. Шўро ҳокимияти мазкур тамойилни усталик билан ҳаётга татбиқ этди. Афтидан, қизил империя вориси бўлган мамлакатдаги неоимпериалистик доиралар яна халқларни бир-бирига носоғлом рақобатчи-га айлантиришга уринмоқда.

Ўзбекистон кейинги йилларда қардошлик ва тинчликсевар сиёсат юритиб, қўшни республикалар билан чегараларни демилитация қилди, иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқаларни мустаҳкамлади. Аммо эски даврни қўмсаётган неоимпериалистларга бундай яхши қўшничилик ёқмайди. Улар Марказий Осиё республикалари ўртасида келишмовчиликлар, тўқнашувлар бўлиб туришидан манфаатдор. Шунда вазиятга аралашинишга баҳона топилади.

Омонсиз кураш, аёвсиз рақобат

Глобаллашув даврида анъанавий урушнинг мазмуни ва шакли тубдан ўзгариб, гибрид кўринишга келди. Энди қуролли тўқнашувлар, ҳарбий операциялар ахборот уруши, уйдирма тарқатиш, киберҳужум, иқтисодий санкциялар каби янги восита, усуллар билан уйғунлашиб кетган. Бундан

неоимпериалистик гуруҳлар фаол фойдаланмоқда. “Айбдор” давлатни яккалаб қўйиш, унинг ички муҳолифатини дастаклаш, сайловни тан олмай давлат раҳбарларини нолегалитимликда айблаш ва бошқа кўплаб шунга ўхшаш янги таъсир усуллари пайдо бўлди.

Неоимпериализмнинг кучли воситаларидан яна бири бу – рангли инқилоблар орқали муайян мамлакат ҳокимияти ва ижтимоий фикрини тўлиқ ёки қисман ўзига бўйсундиришдир. Рангли инқилоблар кўпинча миллий озодлик, демократияни тиклаш каби мақсадлар билан ниқобланса-да, аслида, у аҳоли онгини манипуляциялаш воситасида иттифоқчини ихтиёрий алмаштиришга йўналтирилади.

Неоимпериализм жаҳондаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорликка, ривожланаётган мамлакатлар мустақиллигига хавф солмоқда. Лекин, таъкидлаш зарурки, неоимпериализм ўз мақсадларига “юмшоқ куч” ёрдамида эриша олмаса, “маҳсус ҳарбий операция”лар ўтказиш, қўшин киритишдан ҳам тоймайди.

Икки хил стандартларни қўллаш, гибрид урушлар, иқтисодий санкциялар, “қулоқсиз” давлатларни яккалаб қўйиш каби таъсир ва таъзир чоралари мамлакатлар ўртасида

ўзаро ишонч йўқолишига, халқаро ҳуқуқнинг қўпол равишда бузилишига сабаб бўлаётир.

Неоимпериализм намояндалари наздида барча халқлар миллий ўзлигидан, ғояси ва мақсадларидан воз кечиши, турмуш тарзи ва менталитетини Ғарб андозаларига мувофиқ стандартлаштириши керак. Сунъий интеллект кенг қўлланадиган тўртинчи sanoat инқилоби юз бериши шароитида мазкур тенденциялар янада зиддиятли тус олиши аниқ.

Бугун жаҳон жамоатчилигини кўпқутбли дунё концепцияси ўзига жалб қилаётир. Геосиёсий майдонга яна бир қудратли куч – Хитой кириб келди. Кўп нуфусли Ҳиндистон ҳам яқин муддатда йирик мустақил геосиёсий ўйинчи бўлиши кутилмоқда. Кўпқутбли дунёга айланиш жараёни мазмунан ва шаклан янги зиддиятларни туғдирмоқда, ўзаро кураш ва рақобатнинг янги усуллари вужудга келмоқда.

Бундай мураккаб геосиёсий шароитда Ўзбекистон оқилона, эҳтиёткор, айна чоқда, аниқ ва қатъий сиёсат юритиши лозим. Зеро, неоимпериализмнинг иқтисод, молия, кредит, инвестиция, IT ва когнитив технологиялар билан боғлиқ кўзга ташланмас воситалари, дастаклари бисёр.



Саъдулла ОТАМУРОДОВ



QACHON MILLAT BO'LAMIZ?

Миллатнинг тарихий илдишлари, тадрижи ва истиқболи тўғрисида фикр юритиш ҳам мушкул, ҳам мароқли. Зотан, миллий мансублик кишига ғурур, ифтихор бахш этадиган, айни чоқда, масъулият юклайдиган улуғ қадриятлардандир. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, қадр-қиммати, мақомини ҳис этиши, ўзлигини англашида ҳам бу тунчаннинг ўрни катта.

Ўзбеклар курраи арздаги қадимий миллатлардан бири саналади. Ўзбек халқининг келиб чиқиши, шаклланиш жараёнларини ўрганишда жаҳонда танилган кўплаб олимлар илмий изланишлар олиб борган, бу борада фундаментал асарлар яратилган. Шунга қарамай, ўзбек миллати шаклланишига доир фикр-хулоса тугал ҳолда шаклланишича йўқ.

Ўзбек элатининг миллат сифатидаги тақомилига доир кўплаб илмий маълумотларни келтириш мумкин. Аммо бу мақоладан кўзланган мақсад миллатнинг тарихий тадрижини кўрсатиш эмас. Шундай бўлса-да, асосий муддаога ўтишдан аввал миллат тарихига бир қур назар ташлашни лозим топдик.

Файласуф олим Қўчқор Хоназаровнинг ёзишича, X – XX асрлар оралиғида халқимиз уч марта миллат ўлароқ уюшган. XX асрнинг охириги ўн йиллигида эса тўртинчи марта замонавий миллат сифатида жаҳонга бўй кўрсатди.

X – XII асрларда минтақада ҳукм сурган барқарорлик, тинчлик, пойдор сиёсат ва мақбул ижтимоий вазият Мовароуннаҳр аҳлининг миллат бўлиб уюшиши, унинг

бағридан Форобий, Фарғоний, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний каби даҳоларнинг етишиб чиқишини таъмин этган. XIII аср бошларидаги мўғул истилоси оқибатида миллатимиз маълум даврга тарих саҳнасидан четлашган. XIV – XVI асрларда, темурийлар ҳукмронлиги даврида Амударё ва Сирдарё оралиғи ҳамда унинг атрофларида иқтисодиёт, маданият ва маънавият гуллаб-яшнади. Миллат қаддини ростлаб, минтақани жаҳон моддий, маънавий ва маданий марказларидан бирига айлантirdи. XVI аср ўрталаридан XIX аср иккинчи ярмигача ўлка тақдири яна ўзгаришга юз тутди: юрт парчalandи, иқтисоду маданият инқирозга учради. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги чор Русияси босқини ўзгага қул бўлиб қолган миллатнинг янгидан уйғонишига туртки берди. Аммо мустақилликка эришгунимизга қадар миллий тараққиёт истибдод сабабли норасо, кемтик, заиф ва маҳдуд бўлиб қолди (Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, “Шарқ”, 2001. 24 – 25-бетлар).

Аксар олимларимиз тўғри таъкидлаганидек, ўзбеклар бу юртга қаердандир келиб қолган эмас, уларнинг аجدодлари қадим-қадим замонлардан шу заминда яшаб, асрлар мобайнида турли элатларни ўз таркибига синдириб бораверган. Демак, аҳоли уруғ, қабила, элат ва миллатгача бўлган босқичларни босиб ўтган. Турли элатлар шу тариқа ягона миллатга дўнган. Шу юртда қадим замонлардан яшаб келган аҳоли ўзбек миллатининг асосий ядросини ташкил этади. Улар сўзлашадиган лаҳжа ва шевалар ўзбек адабий тилига асос бўлган.

Ўзбек халқининг элатдан миллатгача босиб ўтган давлари ҳақида турлича фикр

билдирилган. Биз миллат ўлароқ тўлиқ шаклландикми-йўқми деган савол тегра-сида ҳам баҳслар тингани йўқ. Кимдир бу жараён ҳали охирига етмагани, бошқа биров жараён тугалланганини айтади. Нуқтаи назарлар хилма-хил экани бежиз эмас. Чунки тўлақонли миллат мақомининг аниқ мезон ёки ўлчамлари йўқ. Маълум элатнинг тўлақонли миллат даражасига етган-етмагани борасида фақат бошқа илғор миллатларга қиёсан мулоҳаза юритиш мумкин. Халқимиз бугун тўлиқ миллат мақомини олди, дея қатъий ҳукм чиқарсак, ҳали мутараққий миллатлардан ўрганмоғимиз лозим бўлган жиҳатлар кўп-ку, деган эътироз янграши табиий.

Россияда рўй берган Октябрь тўнта-ришидан кейин Марказий Осиёда миллий республикалар тузилди. Аммо мустақил миллатлар униб-ўсишига йўл қўйилмади, билъакс, ўзгаларга қарам қавмлар шакллантирилди. Чор Русияси юртимизни қандай тобе этиб, эксплуатация қилган бўлса, шўролар ҳам шу сиёсатни давом эттирди. Минтақа халқлари “ўз хоҳиши билан Россияга қўшилди” деган ёлғон остида Ватанимиз бойликлари ташиб кетилди, истибдоднинг янги-янги шакл-усуллари амалга оширилди.

Аслида, 1924 йилда Туркистоннинг миллий республикаларга бўлиб ташланиши минтақа халқлари узоқ йиллар орзу қилиб келган тенглар ичра тенгликка эришиш, мустақил миллат ҳуқуқини қўлга киритиш орзуси йўлидаги тўсиқ эди. Ўша даврда шундай сиёсат юритилдики, Марказ республикалар ўртасида истаган вақти зиддият келтириб чиқариши, кейин ўша низоли масалани “катта оға” сифатида “ҳал қилиши” мумкин эди.

Энг ёмони, халқимиз рухий жиҳатдан ҳам қарам, тобе бўлиб қолди. Катта ирода ва куч-қудратни ишга солган миллатлар вақти келиб иқтисодий ва сиёсий қарамликдан буткул қутулади. Бу ҳол тарихда кўп бора ўз тасдиғини топган. Аммо онг, руҳият ва зеҳниятдаги қуллик асоратларидан халос бўлиш ниҳоятда мушкулдир.

Жаҳон мамлакатларига назар солинг, илгари мустамлака бўлган кўплаб халқлар озодлик курашларидан кейин миллий мустақилликни қўлга киритди, иқтисодий тараққиётга эришди. Бироқ уларнинг аксари ҳали-ҳамон миллий онг ва руҳиятни ислоҳ этиш борасида улкан қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Сабаби маълум: ҳар қандай босқинчи давлат тобе миллат зеҳниятига қўрқув, ҳадик ва мутелик уруғларини қадашга уринган. Таассуфки, тақдирнинг бу сира синови бизнинг миллатимизга ҳам бегона эмас.

Бир юз ўттиз йиллик қарамликдан кейин халқимиз мустақилликни қўлга киритди. Моддий, иқтисодий, сиёсий жабҳаларда жиловни қўлимизга олдик. Тараққиёт бобида кўп ютуқларга эришдик – улар ҳақида ОАВда мунтазам материаллар эълон қилиниб, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хўш, онгимиз, руҳиятимиз ҳам иқтисодий тараққиётимизга уйғун, ҳамоҳангми?

Мустақилликка эришиб изчил тараққиёт йўлидан бораётган айрим мамлакатлардан ортда қолаётганимизни тан олишимиз лозим. Боз устига, чинакам миллат бўлиб шаклланишимиз аслий илдизларимизга боғлиқ эканини ҳам эсдан чиқараётгандекмиз. Тегишли қонунлар, қонуности ҳужжатлар қабул қилиниб, йўналишлар белгиланяпти. Лекин кўпинча вазифалар ижроси

ора йўлда қолиб кетаётир. Бу – миллий тараққиётимиздаги биринчи муаммо.

Иккинчи муаммо шуки, бугунга қадар ўз миллий моделимизни ярата олмадик. Бугун бирор хориж мамлакати ривожланиш моделини қабул қилсак, эртага бошқасига ўтамиз. Ҳолбуки, дунёда тараққиёт чўққиларини эгаллаган, шу йўлда ҳаракат қилаётган миллатлар, яхшими-ёмонми, ўз тараққиёт моделини ишлаб чиққан.

Мамлакатимизда катта ислохотлар олиб бориляпти, аммо уларнинг самараси кўнгилдагидек эмас. Назаримизда, бунинг бир қанча сабаблари бор.

Аввало, сўзимиз ва амалимиз бир-биридан йироқлашиб кетган. Устига-устак, тийнатишимиздаги маддоҳлик, хушомадгўйлик каби иллатлардан халос бўлолмаямиз. Айримлар ўзини ҳамон собиқ шўро тузуми даврида яшаётгандек тутуди. Ўша даврга хос мадҳиябозлик бугун ҳам давом этаётгандек. Юрдошларимиз ҳам бунга кўникиб бормоқда.

Аҳолининг моддий шарт-шароити шиддат билан ўзгараётган замон талабларига мувофиқ эмас. Давлат илғор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилаётганига қарамай, аксар соҳаларда “эски тос, эски ҳаммом”дан қутула олмаямиз. Чунки қонунчилик ижросига масъул айрим мансабдорлар шахсий фойдадан бошқа жиҳатни ўйламай қўйган.

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов “ўзга эрур имло бу кун” деб ёзганидек, замон эврилиб, мезонлар ҳам ўзгариб кетди. Бугун инсоннинг мақом-мартабаси, обрў-эътибори, қўйингки, кадр-қиммати пулга, моддий бойликка боғлиқ бўлиб қолди. Кимнинг сарвати кўп бўлса, дунё уника! Халқона айтганда, оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бой-

нинг ўғли гапирсин. Шундай талотумда кўли калта, камтарона маош эвазига рўзгорини аранг тебратиб келаётган юрдошларимиз саросима, тараддудда қолгани ҳақиқат.

Бизнингча, бугун жамиятимиз аҳли беш гуруҳга бўлинган: 1) сармоядорлар, яъни капиталистлар; 2) бюджетдан маош олиб яшаётган ўртаҳол зиёлилар; 3) қора қозонини эл қатори қайнатаётган қишлоқ аҳли; 4) курашлар шароитида шаклланаётган ўрта синф (давлат уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга ғамхўрлик қилмоқда, аммо униб-ўсишларига тўсиқ бўладиган кучлар талайгина); 5) ишсиз камбағаллар.

Хавотирли жиҳати, биз шартли равишда бўлган ушбу ижтимоий тоифалар орасида фарқ ортиб, ўртадаги масофа тобора катталашмоқда. Бу эса жамиятда тарангликни кучайтириб, турли ижтимоий муаммоларни юзага келтириши мумкин.

Албатта, жамиятда моддий тенгсизликни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Аммо, ҳарқалай, уни минимал даражага келтириш мумкинлиги кўплаб мамлакатлар тажрибасидан маълум.

“Миллат виждони” деб улуғланадиган зиёлиларимиз жамиятда юз бераётган ўзгаришлар, мавжуд аҳволга нисбатан бефарқ экани ҳам кишини ўйга толдиради. Ҳолбуки, зиёли аҳли халқни бирлаштириши, оммани эзгу мақсадлар сари йўналтиришда пешқадам бўлиши керак. Зиёлиларнинг фаол тоифаси эса жамиятга сиғмаётгандек. Боши қовушмаган, ўзаро бирлашув истаги суст. Дарвоқе, зиёлиларни ҳимоя қилиши керак бўлган давлат идоралари ҳам у қадар фаол эмас. Лекин шундай шароитда ҳам зиёли ўзига юклатилган мўътабар вазифани адо этиши шарт эмасми?..

Бугун айрим зиёлиларда жамиятга нисбатан ишончсизлик кайфияти борлигини ҳам тан олишимиз зарур. Баъзилар эса жамиятдаги муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади деб ўйлайди, назаримизда. Жадид боболаримизнинг миллатни уйғотиш ва тараққиётга етаклаш йўлидаги курашда мол-дунёси, ҳатто жонини-да нисор этгани оидинларимизга ўрнатилган бўлмоғи даркор.

“Ўтмишда биз қолақ эдик, Октябрь инқилобидан кейин “катта оға” бизга ёрдам қўлини чўзди, акс ҳолда, қолақлигимизча қолиб кетар эдик” қабилдаги сафсата шўро даврида кўп ва хўб айтилгани маълум. Ҳолбуки, “ёрдам қўлини чўзиш”дан кўзланган асл ғараз бизни бутунлай қарам қилиш, бойликларимизга эга чиқиш бўлган. Мана, озод бўлганимизга ҳам 33 йил бўлди. Чинакам миллат даражасига юксалиб, ўзлигимизни тўла-тўқис англадикми?

Ўзликни англашнинг уч шакли бор: аввало, ҳар бир инсон ўзини ўзи англаши лозим; сониян, муайян миллат вакили сифатида миллий ўзликни идрок этмоқ керак; учинчидан эса башар фарзанди ўлароқ дунёни англамоқ талаб этилади. Бу уч жиҳат ўзаро муштаракдир, ҳалқалардан ҳатто биттаси бўлмаса ҳам қолганлари боғланмайди. Яъни этник гуруҳ, элат ҳам тўлақонли миллат даражасига кўтарилмайди.

Инсонларнинг бармоқ излари каби дунёёқараши, эътиқоди ҳам турличадир. Кимдир ўзи мансуб мамлакат, қолаверса, оила олдидидаги бурчларини теран англайди, қадриятларни эъзозлайди ва асрлар синовидан ўтган расм-русумларга риоя қилади. Бошқа биров билгани ҳолда маънавий бурчларини адо этмайди. Яна бир тоифа эса уларни на билади, на билишга интила-

ди. Жамиятда биринчи тоифа вакиллари салмоғи ортса, миллат ва давлат ривожланади. Айни чоқда, миллий урф-одатлар, қадриятлар ва ахлоққа риоя этишнинг ўзи етарли эмас, уларни сақлаш, ривожлантириш, келгуси авлодларга етказиш ҳам муҳимдир. Ватанга ичкари ва ташқаридан келиши мумкин бўлган ёвузликларга қарши бутун миллат бир тану бир жон бўлиб курашиши қандай соз!

Одам миллат мансуби ўлароқ мақоми она Ватанида тўлиқ ҳис этади. Тўғри, кейинги вақтларда кўплаб миллатдошларимиз АҚШ, Европа ва Осиё мамлакатларига ишлагани бориб, у ерларда доимий яшаб қолмоқда. Миграциядан фожиа ясамаслик керак, аммо она тили омилини эътибордан соқиб этиб бўлмайди. Ўтган асрнинг 30-йилларида ўзга давлатларга бош олиб кетишга мажбур бўлган ўзбеклар фарзанду невараларига она тилини ўргатган эди. Миллат вакили она тилини биладими – бошқа миллий қадриятларни ҳам сақлашга интилади. Демак, миллат ҳозир ҳам, истиқболда ҳам барҳаёт бўлиб қолади, йўқ бўлиб кетмайди, ҳар вақт “мен”ини намойиш этиб тураверади. Ягона шарт – одамнинг миллий ўзлигини англашидир.

Дунё ранг-баранг ва мураккаб бўлиб, уни англаш осон эмас. Дунёни англамоқ орқали замон ва маконда башариятнинг эртаси учун қандай имконият ҳамда хавф-хатарлар юзага келаётгани, миллат ва мамлакат истиқболида қандай ўзгаришлар юз бериши мумкинлигию қандай йўл тутиш лозимлигини билиш мумкин. Курраи арзда кечаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлмоққа интилмаган одам наинки ўзи, балки миллатини ҳам гумроҳликка етаклаши ҳеч гап эмас. Бугун дунё ҳар бир инсонни тур-

ли муаммоларга рўбарў этмоқда, уларнинг моҳиятини билмасдан туриб рисоладагидек ҳаёт кечириб бўлмайди.

Демак, ҳар бир инсоннинг ўзини ўзи англаши, миллат вакили сифатидаги мақоми идрок этиши ва дунёни билиши – миллат бўлиб шаклланишнинг муҳим мезонлари ҳисобланади. Эл-улуснинг миллат бўлиб бирлашувида бу уч омил диалектик боғлиқлик касб этиши лозим. Улар қанча узвий бўлса, миллат мақоми шунча юксалади.

Моддий куч ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди, уни ҳаракатга келтирувчи туртки лозим. Бу туртки инсоннинг онги ва руҳиятидир. У қанча кучли бўлса, миллат ҳам ўзлигини шунча теран англайди.

Бугун Ўзбекистон “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини амалга татбиқ этмоқда. Қайта тикланган урф-одат, анъана ва қадриятларимиз миллий ўзликни англашда кўмак беради. Аммо ҳали аждодлардан қолган бой меросни ўрганишда сабот-ла давом этмоқ, янги фан, техника ва технология ютуқларини замон талаб қилган даражада ўрганмоқ ва ҳаётга татбиқ этмоқ лозим. Аждодларимизнинг моддий ва маънавий мероси билан мақтанишнинг ўзи етарли эмас. Улар каби бутун инсоният корига ярайдиган кашфиёту ихтироларга қўл урмоғимиз даркор. Бунинг учун катта билим талаб этилади.

Мактаб таълими замон талаблари асосида ривожлантирилиши керак. Мактаб ёшидагилар қўл ураётган жиноятлар, ахлоқсизликларни ўйласак, бу борада қилдиган ишларимиз ҳали нақадар кўплиги, маънавий-руҳий муолажа сув билан ҳаводек зарурлиги аёнлашади. Ахир, миллатимиз ўтмишида болалар ўртасида шу хил зўрлик, ахлоқсизлик, ота-онага нисбатан

хурматсизлик бўлганмикан?! Жамият ва мамлакатни ривожлантириш интеллектуал салоҳиятни оширишга, бу эса мактаб ва таълим-тарбия ишига боғлиқдир.

Тарбия борасида кўп гапиряпмиз-у, аммо муаммолар ечимини топаётгани йўқ. Боя жамиятдаги норасоликларни бартараф этишда зиёлилар масъулиятига тўхталган эдик. Назаримизда, асосий гап фақат зиёлиларда эмас. Онгимиз, руҳиятимиздан собиқ шўро тузумида шаклланган яна бир иллат – боқимликни сиқиб чиқара олмаяпмиз. Жамиятимизда ҳаммасини давлат беради, ҳаммасини давлат бажаради, деб ўйлайдиганлар ҳозир ҳам кўпчиликни ташкил этади. Ўзимизни, миллий ўзлигимизни англашимиз секин кечаётгани сабабларидан бир ҳам шу. Бу борада тарихчи олим Бахтиёр Алимжонов “Тафаккур” саҳифаларида билдирган куйидаги фикрларга қўшиламиз: “Ўзлигимизнинг асосини тарихий онг ташкил этади... Тарихий онг тугал шаклланмагани ёки советча онгнинг ҳалигача устунлиги сабаб ўзлигимиз постколониал ва модерн (сталинча вариантда) категорияларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Оқибатда жамиятда маданий тараққиёт паст-баланд тарзда кечмоқда, зиёлилар орасида илмдан йироқ баҳслар кўпаймоқда, дунёвийлик ва диний тафаккур турли жабҳаларда тўқнаш келмоқда. Интеллектуал “айирмачилик” ва бошбошдоқлик, миллий ўзликнинг тарихий асослари бўшлиги шундай нораво ҳолни пайдо қилади” (Алимжонов Б. *Ўзанини излаётган ўзлик. “Тафаккур” журнали, 2023 йил, 3-сон. 28-бет*).

Жамиятимизда тарихимизни яхши билдиганлар анча-мунчани ташкил этади, лекин уни билмайдиганлар ҳам оз эмас. Бир тоифа зиёлилар, иқтисодий-ижтимо-

ий аҳволи қандай бўлишидан қатъи назар, жамият ташвиши ила яшамоқда, оғриқли нуқталаримиз ҳақида дадил фикр билдирмоқда, дангал ёзмоқда. Яна бир тоифа эса ютуқларни кўпиртириб мақташ билан банд.

Алҳосил, бугунги кунда миллатимиз тараққиётига икки нуқтаи назардан қараш мумкин. Биринчидан, миллат урф-одат, анъана, қадриятларга қисман бўлса-да амал қилиб келяпти, ўзбек тили давлат тилига айланди, миллий ўзликни англашга кучли уриниш бор, маълум даражада миллий бирлик шаклланди. Иккинчидан, миллий ўзлик тўла-тўқис анланмади, руҳиятимиз ва онгимизда мустабид тузумдан мерос бўлиб ўтган иллатлар ҳамон яшаб келмоқда; эркин фикрлаш, ўз сўзини дадил айтиш оммалашмади; Ватан, тил, миллат манфаатлари шахс манфаатларидан устун қўйилаётир...

Сиёсатшунос олим Тўлқин Алимардон тўғри таъкидлаганидек, “Ҳар бир халқнинг ўз кадр-қимматини англаши миллий хуриятга элтувчи йўли ҳисобланади. Миллатнинг адолатли жамият барпо этишдек ардоқли орзу-интилишлари эркин, руҳияти соғлом шахсларнинг ақл-идроки ва эътиқоди асосида рўёбга чиқади” (Алимардон Т. *Ҳақиқатга садоқат. “Тафаккур” журнали, 2024 йил, 1-сон. 32-бет*).

Назаримизда, миллий ўзлигимизни англаш аҳволи ўтган асрнинг 90-йиллар охиригача бўлган даражадан дуруст эмас. Ҳолбуки, у даврда жамиятда моддий етишмовчиликлар кўп эди. Шунга қарамай, халқ озодликка эришиш ва уни мустаҳкамлашни асосий мақсад, бош аъмол деб билган эди. Миллат руҳи ва онгини юксалтириш ҳақида қайғурмасак бўлмайди. Негаки, миллий ўзликни англаш орқалигина чинакам миллат бўлиб шаклланамиз.



YASHASIN SO‘Z ERKINLIGI!

Совет замони ажаб замон эди-да. На бой бўларди, на камбағал. Аслини олганда, униси ҳам, буниси ҳам бор эди. Лекин бой деган мардум мол-давлатини жумла оламга кўз-кўзлаб жар солмасди. Эътиборни тортмай бир чеккада даври даврон суриб юраверарди. Биров унга ҳавас ҳам, ҳасад ҳам қилмасди. Ҳозиргидек бой билан камбағал қирпичоқ эмас эди. Бугунги бойлар негадир ҳеч тўймайди, ҳайронлар қоламан, ўмараверади, ўмараверади... У кезлар камбағал киши ҳақ-ҳуқуқини билмасмиди, ҳеч нолимас, бировдан бир нима тиланмас эди. Уйида егулик ҳеч вақо қолмаса, совуткични шартта тоқдан узиб радиотармоққа улаб қўярди, қарабсизки, эфирдан тўкин-сочинлик ёғилаверарди: гўшт тайёрлаш режаси юз эллик фоиз дўндирилган, тухум режаси икки юз фоиз, ёғ, асал, қаймоқ... Қисқаси, ҳаммаёқ мўл-кўлчилик. Ёки дастурхон ўрнига столга газета ёзарди-да, ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат қаҳрамонлари – колхозчию чўпон, сут соғувчининг расмига тўйгунча тикилиб

ўтирарди. Газетанинг биринчи саҳифасида йирик қорамол, иккинчи саҳифада қўй-эчки, учинчи саҳифада товуқ-жўжа расми босилган... Қурсоғинг тўлгунча томоша қил!

Совет давридаги газеталар эсингиздадир, бор-йўғи беш-ўнта эди, тагин денг, бари деярли бир хил гапни ёзарди. Битта газетани ўқиган одам ҳаммасини ўқидим деса лоф бўлмасди. Ўша замон матбуотининг яна бир ажаб томони – сарлавҳага кўз югуртирсангиз кифоя, нима ҳақда ёзилгани аён бўларди, вақт сарфлаб ўқиб ўтиришга ҳожат қолмасди: “Ғалабадан – ғалабага”, “Чўққидан – чўққига”, “Ленинизм – бизнинг байроғимиз”, “Москва – коммунизм маёғи”, “СССР – тинчлик таянчи”, “Бахтли болалик”, “Ёшларга кенг йўл”, “Кексалик гашти”, “Олтин қўллар”, “Оқ олтин”, “Қора олтин”, “Олтин изловчилар” (суд очерки), “Орзулар ушалмоқда”, “Тўкин-сочинлик”, “Фаровонлик”...

У кезлар биз нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда бўлаётган воқеалардан пайдар-пай хабардор бўлиб турардик. Бири биридан қизиқ ахборотлар босиларди газеталарда: “Америкада очлик”, “Францияда ишсизлик”, “Англияда ўлат”, “ГФРда гиёҳвандлик”, “Италияда коррупция”, “Испанияда фоҳишалик авж олди”, “Голландияда маҳаллийчилик”. Ёки “Африка уйғонмоқда”, “Осиё қулочини кенг ёймоқда”, “Шарқ тонги”, “Ғарб инқирози”... Қисқаси, бутун ер курраси ҳақида аниқ-ойдин тасаввуримиз бор эди-да.

Инсоф юзасидан шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, у замонлар “Главлит” деган бир ташкилот бўларди. Икки сатр гап ҳам шу идора кўриб-тасдиқлаб берсагина чоп этиларди матбуотда. Ҳай-ҳай демаса, об-ҳаво маълумотию кўрган тушингизни ҳам назорат қиларди у. 1937 йил ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Бордию ўша йили туғилган бўлсангиз, бошингиз балоларга йўлиқмаслиги учун таваллуд санангизни бир йил нари-бери суриб олганингиз дуруст эди...

Э, худо кўтарсин у кунларни. Бугун, Оллоҳга шукр, замон бошқа, нима хоҳласанг ёзавер, нима ўйласанг гапиравер. Истасанг “Яшасин сўз эркинлиги!” деб бақир, хоҳласанг “Йўқолсин!..” деб қичқир. Биров ғиринг демайди. Журнал-газета демагани шу қадар кўп, ранг-баранги, кўриб кўз қамашади. Номларини айтмайсизми, бири биридан жарангдор: “Домкрат”, “Офсайд”, “Перпендикуляр”, “Перетонит”, “Монтёр”, “Миксер”, “Акробат”, “Одеколон”, “Нахичеван таймс”, “Қозоҳ пресс”, “Гўйчоё экспресс”, “Имишли ньюс”, “Лонкоран плюс”, “Қуба альтернатив”, “Шаки-шоп”, “Шамахи хилтон”, “Мараза маркет”... Радио ва телеканаллар номи ундан-да

ажойиб: “Рентген ТВ”, “Европа флюс”... Мана буниси ҳаммасидан ўтиб тушади: “ДҚСД-ИКД” (доим қовоғи солиқлар дастури ва ижодий-кўнгилочар дастур).

Бир сўз билан айтганда, буларни кўриб одамнинг кўзига ёш келади, қувончдан йиғлаб юборай дейсиз!

Аммо менга сал-пал ёқмайдиган томонлари ҳам бор. Телерадиоочю газетачи ёш-ғўр йигит-қиз мухбирчалар томоғингдан ғиппа бўғади-да, токи интервью олмагунча, айтганини дедирмагунча қўйиб юбормайди.

Кеча аччиқ ичакдек чўзилган зерикарли йиғилишдан чиққач, бир гала мухбир қуршовидан базўр қутулиб ишхонамга келдим. Ходимларга ул-бул вазифа бериб, уйга отланаётган эдим, телефон жиринглади.

– Алло, саломалайкум! Сизни “Радио культбит” мухбири Саволхон Сўровчи қизи безовта қилмоқда. Интервью олмақчи эдим. Ҳозир борсам бўладими?

– Йўқ, уйга кетяпман, – дедим.

– Эртага-чи?

– Эртага ҳам вақтим йўқ.

– Тингловчиларимиз сизнинг Жалил Мамадқулизода ҳақидаги фикрларингизга муштоқ эди-да.

– Қизим, – дедим, – мен Мирзо Жалил ҳақида кўп ёзганман, кўп гапирганман. Бу гал бошқа кишидан олақолинг интервьюнгизни.

– Лекин айнан сиздан олиш топширилган менга. – Қизгинанинг овози алланечук титраб чиқди.

– Минг афсус, лекин яқин кунлар ичи ҳеч вақтим йўқ-да.

Бир даста жаридани қўлтиқлаб уйга келдим. Ишхонада ўқишга имкон бўлмаган эди. Креслога ястанганча “Ободлик” газетасини очдим. “Бизга нима бўлади?” сарлавҳали мақола этиборимни тортди. Шу тоб телефон жиринглади.

– Лаббай?

– Яна бир марта ассалому алайкум. Мен Саволхон... Худо ҳаққи, мени кечиринг, муаллим. Сиз билан албатта учрашим ва Мирзо Жалил ҳақида суҳбатлашим шарт. Илтимо-ос...

– Жоним қизим, боя сизга айтдим-ку, шу кунларда жуда бандман, сира вақтим йўқ, бошқа бирортасига мурожаат қилақолинг...

Гўшакни қўяр-қўймасимдан телефон яна жиринглади.

– Хайрли оқшом... “Уч бодом” газетасидан қўнғироқ қияпмиз. Яқинда сизнинг ниҳоятда гўзал бир лирик шеърингизни

ўқиб қолдик. Ишонинг, ҳамон ҳаяжондамиз. Шундай гўзал шеър ёзишга сизни илҳомлантирган ўша соҳибжамол ким эканини айта оласизми?

– Қўйсангиз-чи, қизим, бу бир лирик образ, бадий умумлашма...

– Маъзур тутасиз-у, бугунги ўқувчи унақа чўпчакларга, яъни умумлашма образ-побраз деган гапларга ишонмайди. Эгаси аниқ бўлмаса қандай қилиб бундай гўзал шеър битиш мумкин? Илтимос, ўша илҳом парисининг исми шарифи... иложи бўлса, манзили телефон рақамини ҳам берсангиз... Факси-чи, борми?

– Валлоҳки билмайман, билмайман! У конкрет бир одам эмас, ахир, тасаввур меваси...

– Майли, сизни кўп қийнамайин. Келинг, бошқа асарларингиз мавзусию мазмуни ҳақида қисқача сўзлаб беринг. Сизнинг ижодингиздан мақола ёзиш топширилган менга. Таассуфки, бирорта асарингизни ўқимаган эканман, вақт бўлмаган-да... Бир дақиқа шошманг, диктофонни ёқиб олай. Ана, энди бошланг.

– Бор экан-да, йўқ экан...

– А-ҳа, тушунарли, демак, сиз эртақчисиз. Энди ўқувчиларимизни қизиқтирган бошқа саволга ўтамиз. Шу кунларда қандай асар устида ишламоқдасиз?

Бир оз ўйга чўмиб, сўнг:

– Ёзинг, – дедим. – Яқинда “Скелетнинг соқоли” деган пьесани ёзиб тугатдим. “Муҳаббат маҳобати – табиат тароватидир” дostonимни яқунлаяпман. “Жамоли бўлмаганнинг камоли ҳам бўлмагай” деган фалсафий тадқиқотим охирлаб қолди. “Ажаб бўпти, хўб бўпти” номли янги романимни нашриётга топширдим. Шу кунларда “Икки тош ўртасида” деган қисса хаёлимда пишиб турибди.

– Минг ташаккур сизга! Саломат бўлинг! Ижодингиз ҳақидаги мақолани газетамизнинг эртанги сонида ўқийсиз, – дедию шартта гўшакни қўйди.

“Осон қутулдим” дея хурсанд бўлиб “Ободлик” газетасидаги мақолани ўқий бошладим. “Бу иш нима билан тугайди?” деган илк жумлага кўзим тушиши ҳамоно яна телефон жиринглади.

– Алло!

– Хайрли оқшом! “Думбул” журналидан Расво Ҳарис безовта қияпти. Сиздан интервью олмақчи эдим. Уч-тўрттагина саволим бор.

– Сизга интервью бермайман!

– Нега?

– Негаки, икки оғиз гап айтса, эртага журналингизда шапалоқдай қилиб чиқарасиз. Бу етмагандек, мен айтмаган бир балоларни қўшасиз. Ҳув бир гал интервьюда мен ёшлигимда Саган прозасига қизиққанман, деган эдим, сизлар уни ёшлиқда сағсаған*ни ёқтирган деб чиқардиларинг. Бошқа ишқалларингизни-ку гапириб ўтирмайин. Сизларга интервью берганимга минг пушаймон еганман. Бўлди, гап тамом.

Гўшакдан тўнғиллаган овоз келди:

– Берсангиз беринг, бермасангиз – ихтиёрингиз. Бердингиз нима-ю, бермадингиз нима...

Гўшакни қўйиб, бояги мақоланинг иккинчи жумласига кўз югуртирдим: “Бу иш нима билан якунланади? Ўзи аллақачон якунига етган... Бир томондан...”

“Жиринг-жиринг” – яна телефон.

– Алло, “Радиокультбит”дан қўнғироқ қиляпман.

Жавоб бермай гўшакни осдим.

Яна газетага тикилдим: “Бир томондан...” Буни ўқидим шекилли. “Бошқа тарафдан...”

“Жиринг-жиринг”.

– Сизни “Рентген ТВ”дан Дўндиқ хоним безовта қиляпти. Хайрли оқшом!

– Хайрли тун десангиз-чи, оқшом қоптими... – дедим энсам қотиб.

– Хайрли тун! Ширин уйқу тилашдан олдин шуни маълум қиламанки, сизни эртага соат олтида телевидениеда кутаман.

– Қачон – эрталабми, кечқурун?

– Эрталабки олтида!

– Хоним, эрталаб соат олтида фақат хўрозлар уйғоқ бўлади.

– Бўлса бўлаверсин. Биз олти яримда эфирга чиқишимиз керак.

Демак, соат олтида студияда бўлишингиз шарт!

– Биласизми, хоним, мен кечаси ишлайман, кеч ётаман. Шунга сизни ноқулай аҳволга солиб қўяманми, деб қўрқаман. Телевизорга чиқаман деб ўлиб турган биронтасини чақиринг, тонг ёришмай остонангизга бориб ётиб олади...

– Халқ сизнинг сўзингизга муштоқ! Барвақт туриш қийин дейсизми? Халққа-чи, халққа осонми? Халқ қандайин машаққатларга чидайди! Ахир сизу биз барчамиз шу халқ ғами билан яшамоғи-

* Сағсаган – загизгон (озар.)

миз, унинг дардига дармон бўлмоғимиз керак эмасми?! Машғала мисол унинг йўлларини ёритиш бурчимиз эмасми?! Халқ аҳмоқ эмас: гуручдан курмакни ажрата билади. Халқдан айрилганни айиқ ер. Халққа ола қараганнинг кўзи чиқади... Тасаввур қилинги, дейлик, халқ Низомий Ганжавий телевизорда чиқишини сўраса, у йўқ дермиди? Такси тутардию шу заҳоти студияга етиб келарди!

– Хўбки, Низомий замонида на такси бор эдию на телевидение...

– Демак, тараққиётнинг шундай имкониятларидан маҳрум бўлган барча мумтоз ижодкорларимиз номидан телевидениега чиқиб гапириш бахти сизга насиб этибди! Халқимиз мудом зиёли инсоннинг доно сўзларига муҳтож. Халқимиз...

– Бўлди, бўлди, худо хайрингизни берсин, бас. Эрталаб соат олтида ҳузурингизда бўламан.

Ўша тун мижжа қоқмадим. Ухлаб қолиб, Низомий руҳини ранжитишдан қўрқдим. Соат бешда турдим, соқол олдим, тоза кўйлак кийиб, сариқ бўйинбоғимни тақдим-да, айтилган вақтда “Рентген ТВ”га етиб бордим. Дўндиқ хоним жилмайганча мени қарши олиб, студияга бошлади.

– Келганингиз учун ташаккурлар изҳор этаман. Ҳозир реклама берилади, ундан сўнг биз эфирга чиқамиз. – Реклама тугар-тугамас у менга юзланди. – Тайёрланинг!

– Мен не дейин?

– Шунчаки, хайрли тонг, азиз телетомошабинлар, дейсиз.

Камера ортидаги оператор менга “гапиринг” деган каби имо қилди. Дўндиқ хоним ҳам мени секин туртиб қўйди.

Кўзларимни ишқалай-ишқалай:

– Хайрли тонг, азиз телетомошабинлар, – дедим мен.

Шу заҳоти камеранинг ёниб турган “кўзи” ўчди. Дўндиқ хоним мамнун илжайганча қўлимни сиқди:

– Илтимосимизни ерда қолдирмай келганингиз учун кўп раҳмат сизга!

– Бўлдими?

– Бўлди. Халқимиз сиздек зиёли инсоннинг доно сўзларига қанчалик муштоқ эканини тасаввур ҳам қила олмайсиз!

– Кетаверсам бўладими?

– Бир дақиқа шошманг. Ҳозир студиядан чиқиш мумкин эмас, бошқа номер бошланади. – У камерага ўгирилди. – Энди, азиз телетомошабинлар, ажойиб композиторимиз Тафаккур Дабадали

ажойиб шоиримиз Ундан Бешбаттар сўзига ёзган афсонавий қўшиқни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Уни тенги йўқ пирамидоннамиз Андаза хоним ижро этади.

“Пирамидонна” студияда йўқ эди. Қўшиқ лентадан қўйилди. Қулоқ солдим.

– Сандиқнинг нима алоқаси бор бу ашулага? – дедим шивирлаб Дўндиқ хонимга. – Ашула сандиқ ҳақидами?

– Сандиқ? – деди у менга ажабланиб. – Қанақа сандиқ?

– Ахир, “*Mənim gözəl bildiyim, mənim gözəl sandığım*”, дея куйлаяпти-ку?

Хоним менга таънали тикилиб, маъни қила кетди:

– Бу ерда сандиғу жомадон ҳақида гап кетмаяпти, муаллим, соф, оташин муҳаббат тараннум этилмоқда!

– Ҳа-а, шунақа денг. Энди англадим. Демак, ашула севги ҳақида. Ундай бўлса “айиқ” нима қилиб юрибди бу ерда? Маъшуқа ошиғини айиққа ўхшатыпти. Ғалати эмасми бу?

– Айиқ? Айиқни қаёқдан олдингиз?

– Эшитмаяпсизми, “*Mənim ayım, ulduzum*”, деб куйлаяпти-ку?

Хоним менга баттар ажабланиб тикилди: ашулани, санъатни қаёқдан ҳам тушунардинг сен ғалча, демоқчи бўлди-ёв, назаримда.

“Пирамидонна” ҳамон хониш қилаётир: “*Sevgilim can, yarım can*”.

“Яримжон дейдими? Чалажон-да. Қарияпман шекилли, ҳаётдан орқада қолибман. Тил ҳам, тасвирлар ҳам ўзгариб кетибди. Муҳаббат тимсоллари ҳам замонавий, аниқ ашёларга қиёсланадиган бўлибди. Масалан – айиққа, яримжон кимсага ёхуд сандиққа. Бу алқовми ёки...”

Мен секингина студиядан чиқиб кетдим. Қабулхонамга киришим билан диктофон тутган ёшгина бир қиз мени қаршилади.

– Салом... Мен Саволхон Сўровчи қизиман, – деди майиндан майин овозда. – “Радиокультбит”дан. Мирзо Жалил ҳақида икки оғиз...

– Она қизим, жон қизим, мен сизга айтдим-ку...

У кўклам элчиси бинафша мисоли шалпайиб қолди. Овози қалтираб:

– Мени ишдан ҳайдалсин деяпсизми? – деди. Кўзларидан дувиллаб ёш оқди.

– Йўғ-э, худо асрасин.

– Бош муҳарриримиз ё интервью олиб келасан, ё ариза ёзасан, деган!

– Бўпти, бўпти, – дедим оғир хўрсиниб, – юринг.

Хонамга кирдик. Қизгина диктофонни ёқди-да:

– Бошласак бўлади, – деди яйраб-яшнаб. – Жалил Мамадқулизода буюк сатирачи ёзувчи, адабиётимиз классиги, носир, драматург, шундай эмасми?

– Тўппа-тўғри, худди шундай.

– Миннатдорман. Иккинчи савол: Жалил Мамадқулизода “Мулла Насриддин” журналининг асосчиси. Журнал ўз вақтида бутун Шарққа машҳур бўлган, матбуотимиз тарихида ёрқин из қолдирган. Сиз бу фикрга қўшиласизми?

– Юз фоиз.

– Ташаккур. Учинчи савол: Жалил Мамадқулизода билан Мирзо Алиакбар Собир ҳамфикру ҳамдам бўлган. Собир “Мулла Насриддин” журналида кўплаб сатирик асарларини эълон қилган. Тўғрими?

– Тўғри, шундай бўлган.

– Мумтоз ёзувчимиз ҳақидаги мазмунли, қизиқарли суҳбатингиз ва қимматли фикрларингиз учун барча радиотингловчилар номидан сизга чуқур миннатдорлик изҳор этаман. – Саволхон шу сўзларни айтаркан, диктофонини сумкасига жойладию қушдай учиб хонани тарк этди.

У эшикни ёпар-ёпмас, хонага мўйловли бир барзанги бостириб кирди-да, на салом бор, на алик:

– Бургутбой Қоплон ўғли, – деди тантанавор.

– Нима?

– Отим Бургутбой, фамилиям Қоплон ўғли.

– Жуда жарангдор экан!

– “Кел, уришамиз!”, – деди дабдурустан.

Ишонасизми, бутун вужудим титраб, аъзойи баданимда чумоли ўрмалагандек бўлди.

– Нега уришамиз? Не қилдик уришадиган?

– “Кел, уришамиз!” – газетамизнинг номи, – деди у пинак бузмай. – Сиздан...

– Интервью олмоқчисан, шундайми? – Мен сал ўзимга келиб олдим. – Лекин мен уриш-талашдан йироқ одамман. Жанжал-панжалига тобим йўқ. Агар биров томорқамга тош отмаса, индамайгина ишимни қилиб юравераман.

– Газетанинг номига қараб хулоса қилманг-да. Биз ҳам жанжалкаш эмасмиз. Нашрга бундай ном қўйишдан мақсад – ўқувчи эътиборини тортиш. Ахир бугун уруш-жанжал, олди-қочдию ғий-

бат-мишмишни ёзмаган газетани ким ўқийди? Шу маънода бизнинг газета матбуотимизнинг қаймоғи!

– Маймоғи?

– Йўқ, қаймоғи! Жамият қаймоғи! Бошқача айтганда, газеталар элитаси. Элита, биласиз, хорижий сўз, биз эса она тилимизни улуғлашимиз керак. Шунга кўра, газетамизни номлашда туркий истилоҳдан фойдаландик: “Кел, уришамиз!”

– Зўр қилибсизлар! Боплабсизлар! Ҳеч бўлмаса уриш-жанжалда она тилимизни эслар эканмиз-ку, шунисигаям шукр. Интервью масаласида эса, жон дўстим, мени тинч қўй. Чунки сўнги кезлар матбуотда фикрларимни шунчалик бузиб талқин этишяптики... Очиғи, ҳеч қандай интервьюга тоқатим қолмади.

– Лекин бизники унақа енгил-елпи, нима дейди, ҳалиги сариқ матбуот эмас. Такрор айтаман, биз қаймоқ газетамиз. Бизни ўқиган одам сариеғ егандай маза қилади. Газетамиз таҳрир ҳайъатида кимлар бор, биласизми? Дунёнинг энг машҳур кишилари, ҳатто Нобель мукофоти лауреатлари бор!

– Ўзлари-чи, бундан хабари борми ишқилиб?

– Нима аҳамияти бор? Муҳими, уларнинг муборак номи ҳар кун газетамиз саҳифасини безаб туради. Бу бизнинг обрўйимизни оширади... Кимлар эканини санаб берайми?

– Хўш?

– Япониялик физик, Нобель мукофоти совриндори Ҳолбу Ки, жанубий корейлик машҳур топ-модель Модоми Ки, шимолий корейлик партия раҳбарлари Сен Ким Сен ва Ким Муд Рок, Лаос шахзодаси Сен Жим, вьетнамлик инқилобчи Нам Нум, хитойлик ёзувчи Хай-Хай (у вафот этгандан кейин Вой-Вой деганини киритдик), Ҳоллууд киноюлдузи Кенг Мўл, Нобель мукофоти лауреати, занжи кашиш Айби Бор, англиялик жамоат арбоби лорд Жонатан Зотилжам, пианиночи Мих-Пих, генерал Кутурган, италиялик опера ижрочиси Жузеппе Нағмалли ва рассом Жованни Акварелли, Русиядан “Завтра будет вчера” коммунистлар газетаси бош муҳаррири ва Думадаги “Балки қайтар” фракцияси раҳбари Михаил Мискин, аграр партиядан сайланган депутат Борис Битгин, Арманистондан таниқли гинеколог Ялаян, Исроилдан Исоқ-мусоқ партияси раҳбари Нўхат Ботмон, Мисрдан профессор Ибн Қўл-Аёқ, Эрондан Оятулло Қайлали, Туркиядан бизнесмен Кайфиддин Катта ва сиёсий арбоб Оқчўрак Бўзбош, Ғарбий Туркистондан олим-

пиада чемпиони Тахтақилич Хўрозбоши, Шарқий Туркистондан Омонтурди Ёмонтурдиев... Давом этайми?

– Йўқ, раҳмат, етарли. Чиндан ҳам роса “қаймоқ”ларни йиққан экансизлар. Хўш, мендан нима хизмат?

– Лоақал саволларимга жавоб беринг.

– Хўш?

– “Нега жимсан?”

– Менми? Мендан гапдон, мендан вайсақиси бормикан? Радио, телевидение, матбуот, ҳар турли йиғинларда...

– Йўқ, саволим бўғзимда қолди, тугатгани қўймадингиз. “Нега жимсан?” фильми ҳақида фикрингизни билмоқчи эдим.

– Яхши фильм.

– Хўш, “Эрк қалъа”си-чи?

– Тушунмадим.

– “Эрк қалъа”сини бузмоқчи эмишлар. Нега бунга қарши бонг урмай жим ўтирибсиз?

– Бу ҳақда биринчи бўлиб мен бонг урган эдим-ку!

– Узр, эсдан чиқибди-да. Хўш, сиз Табриздаги қалъа бузилишига қаршисиз, бонг урасиз, аммо кўз ўнгингизда Ичкари шаҳарни вайрон қилишаётир, сиз эса миқ этмай ўтирибсиз. Ёзмайсиз, гапирмайсиз! Нега?

– Кечириб қўйибсиз! Ичкари шаҳарнинг вайрон этилишию беўхшов қурилишлар ҳақида ҳам тинмай жавраган, тинмай ёзган камина бўлади!

– Апострофга нима дейсиз?

– Нимага?

– Апострофни нима қилиш керак? Керакми ўзи шу дахмаза бизга ёки йўқ? Нега бунга муносабат билдирмайсиз? Нимадан, кимдан қўрқасиз? Нега бу ҳақда овозингизни баралла қўйиб гапирмайсиз? Зиёли одам жасур бўлмоғи лозим!

– Биласанми, азизим, дунёда муаммо дегани шу қадар тиқилиб ётибдики, ҳар бирини айтиб бақираверсанг, томоғинг йиртилиб кетиши ҳеч гапмас.

– Тибет мустақиллиги ҳақида қандай фикрдасиз?

Мухбирнинг боғдан-тоғдан келиб савол ташлашига кўникиб, Тибет борасидаги фикрларимни жамлашга уринаётган чоғим Бургутбой Қоплон ўғли нафас ростлашга имкон бермай янги саволга кўчди:

- Ифтихор хонимнинг Хитойда босилган “Қари кўппак” поэмаси ҳақида нима дея оласиз?
- Мен Ифтиро, кечирасиз, Ифтихор хонимнинг поэмасини ўқиганим йўқ. Хитой тилини билмайман.
- Яқинда Мамад Ҳасан* отахон 99 ёшга тўлади. Қандай тадбирлар ўтказишни мўлжаллагансизлар?
- Юз ёшга тўлишини кутамиз. Ўшанда катта юбилей қиламиз.
- Балки юз ёшга бормас.
- Иншооллоҳ, боради.
- Ёш ёзувчилар сиздан норози экан, кўпдан бери Нобель мукофоти олишни туш ҳам кўрмаётганмишсизлар. Бу масалада нима ишлар режалаштирилган?
- Шуғулланяпмиз, бу борада бир талай жиддий тадбирлар назарда тутилган. Керак бўлса катта жойларга мактуб ёзамиз.
- Бундан беш минг йил бурун Қўрқут ота шундай васият қилган: она тупроғинг обод айла, эк-тик, ҳимоя қил...
- Оллоҳ ярлақасин Қўрқут отани. Хўб топиб айтган экан.
- Аммо *Элдор Қулиевнинг “Қўрқут ота” фильмида...*
- Сиз айтган фильмни Элдор Қулиев эмас, раҳматли Тофиқ Тоҳизода олган...
- Нима фарқи бор... *Инглиз ёзувчиси Жек Лондон “Дунёни титратган ўн кун” асарида...*
- Бу асарни Жек Лондон эмас, америкалик журналист Жон Рид ёзган.
- Нима фарқи бор... *Троцкийни ўлдирган мусаввир Ривера...*
- Ривера билан Троцкий дўст бўлган. Троцкийнинг ҳаётига қасд қилган эса мексикалик бошқа бир рассом – Сикейросдир.
- Бургутбой Қоплон ўғлининг ёноғи бир дув этди-ю, сир бой бермай пойинтар-сойинтар саволларини ёғдираверди у:
- *Америка Қўшма Штатларининг биринчи президенти Жефферсон...*
- Жорж Вашингтон, – деб тузатдим.
- Нима фарқи бор? *Буюк Британия қироличасининг қизи Диана...*
- Қизи эмас, келини.
- Нима фарқи бор?

* Жалил Мамадуллоҳнинг ҳажвий қиссаси қаҳрамони

- (Шуни айтишим керакки, ётиқ ҳарфларда берганим “маълумот”ларни мен тўқиб чиқарганим йўқ, ҳаммасини матбуотда ўқиганман, телеканаллардан эшитганман.)
- Бўпти, муҳтарам Бургутбой Қоплон ўғли, булар бари аҳамиятсиз нарсалар экан, хўш, сен учун нима аҳамиятли? Умуман, мендан нима хоҳлайсан?
- Айтинг-чи, “ки” кўшимчаси ҳақида тадқиқот ёзиш режангиз борми?
- Йўқ, менда ундай режа йўқ. Кейин манфур шўро даврида у тузумнинг чидаб бўлмас босимларини маънавий қатағонларига қарамай, таниқли бир олимимиз “ки” кўшимчаси тўғрисида дадил бир тадқиқот олиб борган ва янада машҳур олим мақомига сазовор бўлган.
- Хўп... ҳаммомларимиздаги сув... Хўп, оркестрга зарбли мусиқа асбоблари етишмаслиги... Хўп, Косово албанлари тақдирини...
- Ўғлим, – дедим, – яна бир марта қайтараман: мамлакат ва бутун дунёдаги кети кўринмас муаммолар ҳақида бош қотиришнинг сира иложи йўқ. Менинг бошим битта ва кечаю кундуз бор-йўғи 24 соатдан иборат!
- Ортиқ нима деди-нима қўйди, қулоқ осмадим, аммо у савол устига савол, айблов устига айблов ёғдиришдан тўхтамасди.
- Айтгандай, ҳалиги...
- Бас! – дедим ниҳоят сабр косам тўлиб.
- Дарвоқе, Басти Бағирова* нега унутилди?
- Тўғри, унутилмаслиги керак эди. Билишимча, у ҳақиқий меҳнаткаш, олижаноб бир инсон бўлган.
- Нега сиз бу ҳақда омма олдида чиқиб гапирмайсиз?
- Гапирман. Яқин кунларда шу ҳақда чиқиш қилмоқчиман. Саволларинг тугадими?
- Сизни дам-бадам танқид қилишади... Нималардир деб айблашади. Дарахтнинг учи бекорга қимирламаса керак. Ана шу танқидларга муносабатингиз қандай?
- Менинг бу танқидларга муносабатим раҳматли Алиоға Воҳиднинг японлар Шанхайни эгаллаб олишига муносабати қандай бўлса, худди шундайдир.

* Басти Бағирова – Меҳнат Қаҳрамони, машҳур пахтакор

Афтидан, у бу гапни тушунмади. Қаёқданам тушунсин!
– Яна битта саволим – “Қизил қалпоқча” эртаги ҳақида фикрингиз?

– Болаларбоп ажойиб эртак.

Бургутбойнинг бошидан бир челак қайноқ сув қуйгандек бўлдим: қизариб-бўзариб кетди. Жавобимдан бу аҳволга тушади деб сира кутмаган эдим. Қўзлари сичқонни бурчакка қамаган мушукнинг кўзи мисол ёниб менга қадалди:

– Ҳамма бало ана шунда! – деди у чуқур хўрсиниб. – Мана, бизнинг фожиамиз! Эл-юрт таниган зиёли бир одам “Қизил қалпоқча” эртагини мақтаб ўтирса, ундан ҳайратланса, бошқалардан нима кутайлик!..

– Ҳой, барака топкур, бу эртакнинг нимаси ёқмайди сенга?

– Нимаси ёқмайди эмиш! Гапингизни қаранг. Хўш, бу эртакнинг ижобий қаҳрамони ким?

– Нима десам экан... Қизил қалпоқча бўлса керак-да.

– Яшанг! – деди у истеҳзо билан. – Энди айтинг-чи, салбий қаҳрамони ким?

– Салбий қаҳрамони? Бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман...

– Албатта, бу сиз учун аҳамиятсиз нарса-да. Билиб қўйсинлар: ўша эртакнинг салбий қаҳрамони – Бўри! Ҳа, айнан Бўзбўри! Биз – туркийларнинг ор-номуси, жасорати рамзи бўлган Бўзбўри! Бу эртакнинг эса туркийларга қарши атай тўқилган уйдирма. Сиз бўлсангиз уни танқид қилиш ўрнига мақтаб ўтирибсиз. Хиёнат-ку бу ахир, хиёнат!

– Ўғлим, боягина уришмаймиз-талашмаймиз деган эдинг. Энди бўлса менга қаёқдаги бўлмағур айбларни тақяпсан. Хўп, ана, сенга сўз берганим бўлсин: энди қаерда “Қизил қалпоқча” эрагига дуч келсам гугурт чақиб ёқиб ташлайман!

Бургутбой бир оз юмшади:

– Мендан хафа бўлманг. Сизнинг миллат шаъни, обрўи учун жон куйдирадиган фидойи инсон эканингизга ишонаман. Умид қиламиз-да шунга... Охирги саволимни берсам?..

– Бер!

– Тахмасиб ҳақида қандай фикрдасиз?

– Тахмасиб? – Ким тўғрисида сўраётганини дабдурустдан англаёлмай андак ўйга толдим. – Риза Тахмасиб театр санъатимизнинг ёрқин намояналаридан. Машҳур актёр ва режиссёр...

– Хўп, Тахмасиб билан Заурнинг муҳаббати ҳақида нима дея оласиз?

– Заур? Қайси Заурни айтяпсан?

– Ўзингизнинг “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати” романингиз қаҳрамони Заурни-да! “Тахмасиб билан Заур” деган пьеса ҳам бор эди, янглишмасам.

– Э-э, Тахмасиб эмас, Тахмина! Тахмина билан Заур!

– Ҳай майли, Тахмина бўлақолсин. Шу борадаги фикрингизни очиқ айтсангиз.

– Бўпти, айтаман! Сен боядан бери тинмай мени саволга тутяпсан, кел энди, мен ҳам сенга бир савол берай. Мирзо Жалилнинг “Телбалар йиғини” деган пьесасини ўқиганмисан?

– Мирзо Жалил Охундовми?

– Йўқ, Мирзо Жалил...

– Ҳа, Мирзо Жалил Собирнинг...

– Йўқ, Мирзо Жалил Мамадқулизоданинг “Телбалар йиғини” пьесасини айтяпман.

– Ўқимаганман, нима эди?

– Ўша пьесада Лалбюз деган америкалик ҳаким образи бор. У психиатр бўлади. Худди бизнинг Оғабек Султоновга ўхшаган. Руҳий хасталарни даволаш мақсадида нақд Америкадан бизнинг юртга келади. Аммо бу ерда ақли расо саналмиш кимсаларнинг шундайин кирдикорларига дуч келадими, кими соғу кими тентак эканини ажратолмай гангиб қолади. Охир-оқибат оломон оралаб савдойи мисол “Ким дали?” (яъни, ким тентак?) дея у ёқдан-бу ёққа бақириб юради.

Суҳбатдошим жимиб қолди. Юзида илк марта салгина ўйчанлик зоҳир бўлди. Лекин бирдан жойидан ирғиб турди-да, менга ўқдек тикилди:

– Охирги сўзингизни айтишингиз мумкин!

– Биз худди маҳкамада ўтиргандаймиз, – дедим мен. – Суҳбатимиз ҳам терговга ўхшайди. Сен – қози, мен – айбдор. Энди мана, марҳамат кўрсатиб менга сўнги сўзимни айтишга имкон беряпсан.

– Марҳамат, гапиринг, қулоғим сизда.

– Сўнги сўзим... охирги сўзим шу: яшасин сўз эркинлиги! Ур-ра-а-а!..

**Озарбойжон тилидан
Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ таржимаси**

Шомирза ТУРДИМОВ



“MING BIR NAQL” DAN BIR SHINGIL

Халқ айтадики, “Нақлда ақл бор – ақлда нақл”. Бу нақллар оқил кўриниш, ақл ўргатиш ғаразидан тўқилмади, билъакс, “...из-ҳор этиб кет” деган даъватга жавоб тарзида кўнгиладан тўқилди.

Аброр ҳайрати

Ўқиш, ўқишнинг манзиллари йиғилиб ягона Китобга элтади. Кимки шу китобга етса, ҳикмат хазинасига йўлиқади. Хазина тилсими Алоуддин топган “сим-сим” каби биттагина СЎЗга очилади. Бу китоб ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди, биров тортиб ополмайди. Ҳар ким китобдаги калит сўзга эга чиқса, сўз унга кўздек кўнгил олтинлари, дуру жавоҳирларини ҳадя этади. Сўз эгаси кўникмалардан ҳайрат топади. Бу ҳайрат – АБРОР ҳайрати бўлиб, соянинг соясида қолшдан сақлайди. АСЛ мағзини, моҳиятини

кўрсатади. Сўз соҳиби “Ёсин” сурасининг 8-9-оятда зикр этилган, Афлотуннинг “Ғор” нақлида айтилган: бўйнидан иягигача бўғов урилиб, кеккайиб қолган, олди, орти тўсилиб, ҳеч нарсани кўра олмайдиган соялар салтанати қавмидан бўлмади...

Оқу қора бир йўлда

Бозор, мозор уйқаш сўзларгина эмас. Бозору мозор – бу ҳаётга бир тимсол. Бозор бўлган жой мозорга, мозор ўрни бозорга эврилаверади... Чархнинг бу айланишида оқу қора, иссиғу совуқ, куну тун, ёзу киш, эзгулигу ёвузлик каби ола ҳақиқат, ҳикмат келаверади. Тилимиздаги ОЛА деган сўзга кўп ҳам эътибор бермаймиз. Қаршимизда турган тоғни кўрмаслик тоғ йўқ дегани эмас. Бизнинг қалб кўзимиз кўзойнақталаб бўлганига ишоратдир. Бу сўз мифология-

Shomirza TURDIMOV
“Ming bir naql” dan bir shingil

миз, маросимларимиз, урф-одат, иримларимиз, фольклоримизда манаман деб турибди. Момоларимиз бало-қазодан асрайдидеб оқ, қора ипларни эшиб, олабоғич қилиб бўйнимизга тумор осади. Кўзmunчоқ ҳам ола тусли. Гўрўғлини Олабия эмизиб улғайтади. Гўрўғлининг Ғиркўкни эназотим деб суйиши шундан. Бугун дунёга япон, корейс, хитойлар Ин-Ян деб англатаётган тушунча тимсолини биз турклар қадимдан ола атаймиз. Бир-бирига эшилган, уйғунлашган нимаики бор, яхлит ҳодиса эканлигини ола ранг ифодалайди. Ҳар жабҳада ибрат, сабоқ, ҳукм бор. Фақат Китобини топа олган, СЎЗга эга чиққан кишигина бу ҳикматни ўқади.

Мозорда ола ҳақиқат сукут сақлайди. Бозорда ола ҳақиқат қайнайди. Шунчаки қайнайдики, оқу қора эшилиб, ранглар куйқалашиб оқади. Бозор аҳлини ўзида эшиб оқизади. Бир дам тўхтаган КИШИгина Оқу ҚОРАни ажрата олади.

Сўфий муридлари билан бозорда эди.

Бозор ҳавоси, шовқини ҳаммани маст қилиб тебратар, кимнинг нима деяётганини ажратиш қийин, бозор аҳлининг олди-сотдисини эшитиб, англаш мушкул эди. Молим ёмон дейдиган киши топилмас, оларманга олтов кам, берарманга бешов кўп... тортишув авжига чиққан “даҳа” вақти эди.

Саратоннинг кўёши қиздирар, бозор қозондай қайнар, бир обкаш тонгда тоғдан олиб тушган музни сувига солиб, қувраган томоққа малҳам, деб сувини мақтаб раста оралар, куннинг тиғида челақдаги музу обкашнинг не машаққатлар билан қилган меҳнати унинг кўз ўнгида эриб борар эди. Обкаш эриётган музни кўриб, бу йўлда чеккан машаққатларини ўйлаб, эмраниб халққа мурожат қиларди: “Хонумони эриб кетаётган одамга раҳмингиз келсин. Хонумони эриб

кетаётган одамга раҳмингиз келсин. Сувдан олинг! Хонумони эриб кетаётган одамга раҳмингиз келсин...”

Сўфий қулоғига бозор шовқинидан ажралиб АЗОНдек шу сўзлар қуйилди. Бутун вужудини қамради, ўзидан кетди. Муридлар ҳушидан кетиб йиқилган пирга иссиқ ҳаво таъсир этди, деб хаёл қилишди, елпишди, юзига сув уришди, сояли-салқин жойга олишди. Сўфий кўзини очди. Муридлар сўрашди:

– Офтоб урдими, ҳаво етмадими?

Сўфий айтди:

– Эшитяпсизми, “Хонумони эриб кетаётган одамга раҳмингиз келсин”, деяпти У! Эшитмаяпсизми?

Сўфий БОЗОРдан излаганини топган эди...

Уйғонишга чорлов

Босқинчи элни ғорат қилди. Ғолиб аскарлар юртни уч кун талади. Подшо сўради:

– Нима гап?

– Эл норози, – дейишди.

Подшо буюрди:

– Яна уч кун талаш!

– Энди не сўз? – деб суриштирди подшо.

– Эл йиғлапти, – деди мулозимлар.

– Яна уч кун талаш! – дея қаҳр қилди тождор. Муддат ўтгач:

– Энди аҳвол қандай? – деб суриштирди.

– Эл кўшиқ айтяпти, – дедилар. Подшо талон-торожни тўхтатди...

Куйган ҳам, суйган ҳам кўшиқ айтади.



Қудуққа айтилган сир қамиш бўлиб унди.
Қамиш най бўлди. Най “Искандарнинг шохи бор” деб қўшиқ куйлади...

Қўшиқ – мазлумнинг қалқони...

Қўшиқ – қиш мавсуми.

Қиш – йиғиниш, куч тўплаш даври.

Қўшиқ уйқуга уйқаш.

Уйқу ўлимдир!

Уйқудан сўнг уйғониш фасли.

“...шохи бор” деган ҳайқириқ, уйғонишга чорлов.

Тириклар уйғонади...

Орзунинг қўш қутби

Бобом чўпон эди. Аввал отасининг, кейин колхознинг, сўнг совхознинг қўйларини боқди. Кам сўзларди. Гап ковласам... “Сенам давлатнинг одамисан-да, бу давлатинг бир дона қанд берди, энди қўй қилиб оляпти” деган эди. Момом “ҳисобини топмаган чол” деб койиб қоларди. Бобом индамасди, ўзига-ўзи “Бир қора чойгун бўлса, олсанг-да, ғорга кириб кетсанг” деганини эслайман...

Раҳматли Анвар қори (Турсунов) билан лаборантурада (институтнинг лаборант лавозимини юмор қилиб тўқилган номи) бирга ишлаганмиз. Қори айтарди: “Кичкина ҳужранг бўлса, маҳси тикиб ўтирсанг, ҳеч ким тергамаса...”

Эшитганим: Эйнштейн ўтин ёрувчига ҳавас қилган экан.

Ўқиганим:

Парчагина булут,

Чексиз осмон,

Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл,

Барча ташвишларни унутиб, шодон

Қайтгим келаёттир қошинга буткул.

Қисмат майин ичдим – аччиқ ва тахир,

Туйдим эҳтироснинг самовий кучин.

Дунёда одамзод яшамас, ахир,

Фақат иродасин синамоқ учун.

Парчагина булут.

Чексиз осмон,

Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл,

Барча ташвишларни унутиб, шодон

Қайта олсам эди қошинга буткул.

(Абдулла Орипов)

Сабоқ: Орзусиз одам бўлмайди. Орзу ҳамиша биз билан бирга, бизни яшашга ундайди. Орзунинг қутблари бор. Бирига интиламиз, бошқасига қайта олмаймиз.

Киши интилувчи орзу ЗАМОНда ундан олдинда, МАКОНда анча юқорида туради. Қайта билмас иккинчи қутб хийла куйида милтиллайди..

Орзу қутбларига етишнинг энг қулай, осон йўли хаёлдир. Ҳар кимнинг кўнглида бир қўшлик ери бўлади. Киши бу ерга орзу уруғларини қадаб, ундириб, ҳосиллар йиғаверади.

Орзуга хаёлда етиш қанчалар лаззатли бўлса, шу қадар аламли ҳам. Ана шу маконда орзу қутбларининг чегараси аниқ бўй кўрсатади. Аниқлашади. Чегара чизиги айнан киши орзу қилаётган дамда у эгаллаб турган мавқе ва имкон устидан ўтади.

Кишини толиқтириб, ҳатто янчиб ташлайдиган куч – орзу етиб жойлашган макону вақтнинг У эгаллаган имкониятдан узоқ-узоқларга кетиб, саробдай ўзига имлашидир. Шунда кишига таянч бўлган ИНОНЧ ери кумга эврилади, тушкунлик изидан сув қуйиб, ишончга қўшиб кишини ҳам жойидан қулатади.

Шунда киши Эйнштейннинг ўтин ёрувчига ҳавасманд бўлганидай орзуси ва амали аниқ одамга интилиб: “Нега мен “ўтин” ёрмайман?” деб надомат чекади.

Ана шунда кўнглининг туб-тубида ясаб олган “ғор”ига, “ҳужра”сига қайтишни истай-

веради. “Қайта олсам эди қошинга буткул” деб изтиробда ўртанади.

Киши орзулар қутблари аро “Бир қўшлик ерида...” яшайди. Асл манзилга қайтгунча меҳмон...

Ўчмас битик

Пирни кимдир Яссавий эди, деб нақл қилади. Бошқаси Нақшбанд, яна биров Хожа Аҳрорга нисбат беради.

Пир жон таслим қилаётган дам муридлар йиғилиб сўради: “Пирим энди ҳикматларингизни қаердан топамиз?”

Пир секин шивирлади: “Ўзингиздан изланг...”

Моҳият одами боқади, англайди, сўзлайди.

Энасўз барча ҳақимлар бисотида бўлади. “Яссавий, Нақшбанд, Хожа Аҳрор эди” деб турланиши шундан.

Энасўз – қанотли тулпор. Ақл тулпорни жиловласам, дейди. Қанотли тулпор қозиққа келмайди. Ақлнинг қайчиси раҳмини билмайди. Қаноти кесилган тулпор – бу энди от. Ҳукмбардор ақл отни кўзи тушган қозиққа боғлаб пойлоқчилик қилишни хуш кўради.

Ҳикмат кўнгиллардан кўнгилга оқади. Битик ўчмайди. Қўлэзма ёнмайди.

Қопқасиз қудуқ

Сартарош шоҳ Искандарга СИРни сақлашга ваъда берди, қасам ичди, АҲД қилди. Қасамли аҳд катталашди, сартарошнинг қорни ёрилиш, портлаш даражасига етди. Сартарош кимсасиз саҳродан қудуқ топди, ичидаги аҳдни шивирлаб ёрди, дарддан фориг бўлди, енгиллашиб, одамларга аралашди. Аҳд қудуқда қамиш бўлиб ўсди. Қамиш ўзига чўпонни маҳлиё этди. Чўпон ўзгача ИХЛОС билан най ясади, чалди. Най “Искандарнинг шохи бор” деб

куйлади. Аҳднинг сирини синди. Най садоси оламга ёйилди...

Ҳар биримиз ҳар қадамда Искандар сартарошнинг аҳволига тушамиз. Фарқимиз: СИРимиз бадалига берилган ваъда Искандар қаҳри бўлиб қадамимизни ўлчаб юради. ВАЪДАнинг жавобгарлик кучи, қадрига қараб сирнинг ўчиш муддати ўз ТОШИни олади. Жавобгарлик тоши, масъулияти Искандар сартарошидек ҚУДУҚ топиб тўқилишга мажбур қилади, лекин ҳамиша қудуқ қопқасиз қолаверади. Қамиш ўрнига ўсган “мишмиш”лар қиличи юзимизни шувут этади. Остонада эзилган сақич бозорига эга чиқамиз...

Сирнинг жиловини тутиб, “сақичлар бозори”дан қутулишнинг энг хавфсиз йўли сартарошнинг чўпонга эврилиб, қудуқ қамишидан най йўниб, чала билмоғидир...

Искандар сартарошнинг сир айтар қудуғи – санъат “қудуғи”, чўпон – баҳши, шоир, рассом – бори санъат аҳлидир. Тангридан бўлак бирор бир кимсанинг тили айланмаган улкан – “Искандарнинг шохи бор” деган сирнинг сирини ўчирган тил – куй, шеър, жамики санъат асаридир.

Ҳар бир одам ўз ҳолича бир мамлакат. Бу мамлакатнинг Искандари, сартароши, чўпони ҳам унинг ўзи. Кимда ким ўз мамлакатига сир ютар қудуғининг ЮКини сир очар найга жамлаб айта олса, ўз Искандарининг қатлидан омон қолади. У бу ЎЙИНда мутлақ ғолиб бўлади. Инсоннинг – “Ўзлигингни англа” деб белгилаган маррасига яқинлашади. НАЙ эгасига айланади...

“Сухбат”нинг қазоси йўқ

Ҳақимлар айтади, одамлар қайтаради. Айтиш ва қайтаришдан анъана туғилади. Дейдилар: уч юз олтимиш эран бор, Тангри

борлиқни шу эранлар билан бошқаради. Уч юз олтмишдан қирқи ажралиб чиқади – чилтан шулардир. Қирқдан етти, еттідан уч, учдан бир сараланади. Бир – кутб саналади. Етти иқлимда етти кутб туради. Яна кутблар кутби бўлади. Унинг руҳи Қутб юлдузида, дейишади. Халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган халқона анъанавий билимнинг қаймоғи шу.

Хослар айтади, омма қайтаради... билимнинг қайноғи хослар суҳбатида бўлади. Ҳазрат Боқирғоний айтади:

*Суҳбатлиқ орифларга жоним бериб,
Суҳбатсиз нодонлардан қочғум келур.*

Хожа Баҳроуддин Нақшбанд таълимотининг устунларидан бирини “Суҳбат дар анжуман” дея кўрсатиши бежиз эмас.

Нақл қиладиларки, кутби замон Домла Камол бобо бир кўнгил етар ҳамсуҳбати билан кўришиб, узоқ гапхона кўрди. Домла бобонинг юмушларига қарашиб турувчи ходими гувоҳ эди. Ходимнинг Камол бобога ҳурмати ҳаддан баланд, садоқати чексиз эди. Домланинг иссиқ-совуғига ўзини масъул сезар, хизматидан ҳузур олар эди. Вақт ўтаверди, ходим қарасаки, пешин бўлди, Домлага ишорат қилди. Жавоб бўлмади. Аср муддати келди, айтди. Домла суҳбатни бўлмади. Шом вақти етганида хабар қилди. Домла ходимнинг бу огоҳлантиришини ҳам эътиборсиз қолдирди. Қазодан хавотир бўлган ходим яна бир бор эслатди. Домла Камол бобо ходимга оҳиста эслатди: “Намозни қазо қилиб ўқиса бўлади, бу суҳбатнинг қазоси йўқдир”.

“Одамни, умуман, суҳбатли ва суҳбатсизга ажратса кўп нарса ойдинлашади. Фикр одами ва фикрсизни танийсиз”, дейди Иброҳим Ҳаққул.

Авлиёлар суҳбати каби олимлар суҳбатининг ҳам файзи бўлади...

Мағизли, қазосиз суҳбатлар ҳар кун туғилмайди, кунида, кўнгиллар кўнгилга рост бўлган дамларда дунёга келади... Анъаналар янгиланади, янгилари пайдо бўлади. Халқона билим авлоддан авлодга ўтади, ўзанлар қайта тўлиб баҳорги тошқиндай оқади...

Хизр суви

Ҳар замонга бир замон.

Бир замонда ДАМ замон бор. Дам замоннинг биттадан Қўйчибой отаси...

Кимлардан КИМдир сезади, кўп илғамайди. Кўп сўрайди, Қўйчибой отани кўрмай замонлар ўтаверади...

Тушов тушовланганга мос. Вақт оқаверади...

Қўйчибой ота тушовни, тушовланганни ҳам танийди. Кўқдан ИШОРАТ бўлмаса қоядай сукутда туради. АМР келса кумдай кўчади.

Замона Қўйчибойига ҳазрати Хизр учради. Сўради:

– Хизр ҳозир қаерда?

Қўйчибой ота ерга боқиб, кўзини юмиб, сукутда қолди. Айтди:

– Кунчиқарда йўқ, Кунботарда йўқ. Оқтовни, Қоратоғни кўряпман йўқ. Ё сен Хизр! Ё мен Хизр.

... Учнинг бири – Хизр.

Еттининг бири – Хизр.

Элнинг бири – Хизр.

Кун ботади, тун ёпади. Тонг отади, Кун ёқади...

Кимлардан КИМ – ҳазрати Хизрга орзуманд бўлди, йўлиқди, бош бармоғига ёпишди, танигандай бўлди, сўради:

– Менга тириклик суви беринг!

Ҳазрати Хизр КИМнинг кўксига қўлини қўйиб, деди:

– Жонинг жанонасида булоқ бор, оч! Хизрсан!

Ким сўраяпти... излаяпти... узоқлашяпти... Булоқ Қўйчибой отани топади...

“Муллака”лар

Йўқлама, имтиҳон деганлари билан азалдан келишмайман. Табиатимга бегона. Тамом-вассалом!

Бу амалларсиз ўқитишнинг кемтиклигиям бор гап. Йўқламани деканатдаги “муллака”лар талаб қилишади. Ишнинг юриши шу, тушунман. Кўникканмиз...

Йил бошида талабаларга бир гапни албатта айтаман:

– Тошкентда Самарқанддарвоза деган маҳалла бор, биласизми? Эски қабристон, ёнида масжид турибди. Қодирийнинг ўғли отасига рамзий қабр тиклаган. Айтадиларки, Кумушбиби шу қабристонга дафн қилинган, Қодирий савдойи Зайнабга шу ерда дуч келган...

Маҳалла, қабристон, масжидга тегишли воқеа, саналар кўп...

Бобохон ака деган ҳамкасбим бўларди (*Яратган раҳматига олган бўлсин*). Асл самарқанддарвозалик, боболари қаландарларга пир ўтган – тўраларнинг авлоди. Маҳалла одамлари, қабристон, масжид ҳангомаларини шу одамдан эшитганман.

“Бир одам бўларди. Қабристонда, масжид атрофида, кўча-қуйда учраб қоларди. Бировлар тентак, бошқалар камсиқ, кимдир хислатли, деб айтарди.

Масжидда уч-тўрт чол гаплашиб ўтирса шу одам келибди. “Сизларга қўшилиб икки ракат намоз ўқисам, эртага ўтиб қолсам, хотинталоқ муллалар бунга жаноза жоиз эмас, намоз ўқимаган, деса гувоҳ ўтарсиз” деб чолларга қўшилиб намоз ўқибди.

Эртаси шу одам чиндан ўтиб қолибди, шунда мулла “Бу жинни эди, жаноза ўқилмайди!” дебди. Чоллар бизга қўшилиб намоз ўқиган, гувоҳмиз, дейишибди...”

“Муллака” – светофор. Шаҳар кўчасидаги тартибни светофор бошқаради. Чўлда, кенг дала-дашда бу хил жилов керак эмас. Эрк кишининг ўзида...

Киши эрка ошиқ!

Ҳар соҳанинг ўз “муллака”лари бўлади... Муллаканинг кўнглидаги “бир қўшлик ер”га том солиб олгани, томини зиндонга айлантиргани ёмон...

Дарё тошқин, сувлар шошқин – ўтолмайман,

Отим ориқ, манзилимга етолмайман...

Талабаларга “Сизга тарих айтдим. Тарихни нақлга айлантирдим. Бизнинг фанимиз моҳияти шунда”, деб гап бошлаб, “бисмилло”дан нарига ўтаман...

Сўз қаймоғи

Бир челақ сутдан бир пиёла қаймоқ чиқади.

Сўзнинг мағзи йиғилиб нақлда, нақлнинг қаймоғи мақолда жамланади. Уч юз олтмиш эран йиғилиб биттадан ҳикматли сўз айтибди, шундан мақол пайдо бўлибди, дейилиши бекор эмас. Ҳар нарса борки, жавҳари йиғилиб қуйма шакл олса, эл ўртасида сақланади, авлоддан авлодга ўтади.

Воқеа:

Абдиназар бахши гурунг қилди: эшон билан мулла йўлнинг ёқасида, катта тутнинг тагида суҳбатлашиб ўтирган экан.

*Тулпорнинг тойлиги бўлмас,
Нокасини бойлиги бўлмас,
Ит қутуриб този бўлмас,
Қул қутуриб қози бўлмас,*

деб бир жўги (лўли) тиланиб ўтиб кетаверибди.

Буларнинг қулоғига жўгининг қўшиғи ёқибди. Яқинидаги одамга “Бўл тез, уни қайтариб кел” дейишибди.

Жўгига:

– Қани, қўшиғингни айт қани, – дейишибди. Шу байтни қайтариб айтибди.

– Кўпроқ айт, – дейишса, яна шу байтни қайтариб айтarmiш. Унинг билгани шу тўрт қатор байт экан. Булар кўпроқ эшитмоқчи бўлишган.

Ҳисса:

Лўли ортиқ билганида, айтганида, шу байт мағзини бошқача шаклда қайтарган бўлармиди?!

Қаймоққа сув қўшилса, шакли айрон, мазаси чучмал бўлади...

Ҳар нарсанинг қуйма шакли кўнгилга тушса, ақлга етиб ўзидан ўзи маънолар туғади.

Чинакам ҳикмат булоғининг кўзи очилади. Кашф қилинган СЎЗ мақомини олади. Уюрда тулпор битта бўлгандай, мағизли сўз ҳам қисқа бўлади. Қуйма байтнинг қадри, ҳикмати ҳам ана шунда.

Хонақоҳнинг мушуги

Хонақоҳда пир, мурид ва мушук муқим эди. Мурид – ошпаз, мушук пирнинг атрофида парвонадек айланар, ухлар эди. Пир “ватан” сайрида узоқ бўларди...

Мушук дастурхонга ижозатсиз яқин келмасди.

Пир тамадди вақтлари:

– Йўлбарс бу, йўлбарс, – деб мушукни суярди...

Ошпазнинг овози пирнинг сайрини буздди, шовқин ташқаригача чиқди.

Мушук ҳовлидаги яккатут тепасида хурпайиб турар, ошпаз таёқ билан ўдағайлаб жониворга ҳарба қилар эди.

Пир суриштирди:

– Не бўлди?

– Гўшт ўғирлади бу, гўшт!

Пир ошпазга ишорат қилди. Ошпаз ҳовуридан тушди. Пир мушукни ёнига чорлаб, ялинчоқ сўради:

– Йўлбарсим, не жин урди сени?

Мушук тутдан тушиб, бостирмага ўтди. Бир вақт кўзлари юмуқ, жиш мушукболани пирнинг оёқлари тагига олиб келиб қўйди.

Пирнинг кўзидан йўлбарснинг жасорати, шиддати, ғурури, виждони, орияти ёш бўлиб оқди. Ҳадик, мутелик, тобеликка эврилди, ўғри мушук бўлиб тикланди. Пир шивирлади:

– Йўлбарсимизни биз ўғри қилибмиз-ку?!

Хоноқоҳ мушугининг сояси катталашди, қуюқлашди, пирни, ҳовлини, ғубор олди...

Тешик челақ

Айиқ олмани хуш кўради. Тоғда ёввойи олма пишганда маймоқлар чўққи, беллар ошиб, битта-битта олмахўрликка тушиб келади. Бир хилларининг болалари ирғишлаб эргашади. Ана шунда овчи айиқ кетиб қолмасин, деб қўллаган хийла иш беради. Овчи олмазорнинг ҳар-ҳар ерига, туби тешик челақларни (нафснинг ўпқонини!) қўйиб кетган бўлади.

Айиқ ақлли ҳайвон, одамзодга тақлидда унга етадигани йўқ. Одамнинг челақда нарса ташишини кўрган эмасми, челақ топганидан яйраб кетади. Дарахтларни силкитиб олма қоқиб, челақка солади. Челаги тўлиб кўтарса, олмалар дув тўкилиб кетади. Айиқ жумбоқнинг тагига ета олмай ҳайрон. Кўтарди – челақ бўм-бўш қолди. Яна қайта бошдан челақни тўлдирди, кўтарди – яна бўм-бўш!..

Челақ – ошу нон эди, ейилди, тана бир зум роҳат кўрди, бари унутилди. Пул эди – қўлнинг кири бўлди. Мансаб эди – изидан

қувди, етмади. Суюмли аёл эди – вафо топади. Бариси ҳеч бўлди, ҳолатлар эврилаверди...

Таги тешик челақ айиқни шунчалик ром қиладики, ҳатто боласининг атрофида ўралашиши ҳам малол келади. Боласини четга суриб, олма теради, тўлган челақни шодланиб кўтаради, олмалар дув этиб тўкилади. Айиқбола челақка ёпишади, отасини тортқилайди. Хуноби ошган айиқ болани тошга (СОЯ судраклаган ТОШ) бостириб, юмушига шўнғийди. Болани унутади. У типирлаганича тош остида қолади. Нафс кутқуси, тешик челақ алами вақтни ямламай ютади. Вақт тешик челақдан тўкилиб битганини айиқ сезмайди. Бир вақт қарасаки, тош тагидаги боласи ўлиб қолибди...

Ана шунда айиқ бутун ДАРАНИ бошига кўтариб ўкиради, жонсиз боласини боши узра кўтариб, орзу умидлари лошини судраб ТОҚқа – келган манзилига чиқиб кетади.

Тешик челақ ҳою ҳавас эди – тўкилди-йитди! Тешик челақдан СОЯнинг лоши тўкилди. Айиқ муродининг лошини кўтариб ўкирганича кетди...

Эй сен айиқ! ЎЗни ҳолатларнинг тешик челагида оқизиб, ИСМини, АСЛИни ёддан ўчирган соя! Эй сен Гўрўғлининг Қуёш ўғли эканини унуттирган, Асқартоққа мақсадлари лошини судраб қайтишига маҳкум қилган қудрат ЙИТ энди! ҲОЛга эврил, ахир!..

От қачон қозигини топади?

Ўзбекнинг “От айланиб қозигини топади” деган мақоли бор. Лекин бизнинг таълим-тарбия отимиз қозик тополмай улоқиб юрибди. Бир италян Монтессори, кейин корейс, энди фин услубиётига бошини уриб кўрмоқда. Аммо кутилган натижа йўқ.

Олимларимиз икки-уч йил олдин японлар “Болани беш ёшгача эркин тарбия қилинг демоқда” деб бонг уриб қолган эди. Ўшанда ҳам ҳеч кимнинг хаёлига ўзбекнинг “Бола – пошшо” деган гапи келмади. Анъанавий халқ педагогикамиз асрлар давомида “Болани беш ёшгача подшодай авайлаб тарбияла, унинг шахси синиб қолмасин” деб уқтириб келганини унутдикми?!


Бу тарбия тизимининг давоми бор. У японнинг тушига ҳам кирмаган. Халқ “Бола ни етти ёшдан ўн тўрт ёшгача қулдай қаттиқ тут. Ўн тўрт ёшдан кейин дўстдай муносабатда бўл!” деб уқтиради.

Бу – анъанавий халқ педагогикамиз. Таълим ва тарбиямизнинг – ўзак умуртқаси. Янгиланиш мана шу ўзанда бўлиши керак.

Дунё мамлакатларининг ҳар қандай тажрибасини шу ўзанга мослаб қабул қилишимиз шарт. Акс ҳолда тарбиямизни гоҳ у, гоҳ бу чет таълимотга мослайвериш сояга айланиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Соя – соя-да, ШАХС эмас.

Халқ педагогикасида “Алла – боланинг миллий оҳанг кодларини ўзлаштиришига, топишмоқ – образли фикрлашига, эртақ – асл билимнинг тимсол ва рамзларини қабуллашига хизмат қилади” деб айтиб келинган. Болалар ўйини эса авлоднинг жамиятдаги ўрнини белгилаб олишига восита бўлган. Халқда “ўйин боласи” деган атама бор. Бунақа атамалар шунчаки пайдо бўлган эмас. Тарбияда ана шу тизим ва мазмун асос бўлмоғи шарт. Эски тўннинг ўлчамларини ХХI аср мезонларига мослаб қайта бичмасак бўлмайди. Ана шунда тарбия отимиз ўз қозигини топади. Италиян, корейс, фин яйловларида улоқиб юрмайди.



Oskar Uayld iqrorlari

▼ Агар таржимаи ҳолимга оид сўровнома тўлдиришимга тўғри келса, ёшим – 19 да, касбим – даҳолик, қусурларим – қобилият, деб ёзган бўлардим.

Жорий йил октябрь ойида Оскар Уайльд таваллудига 170 йил тўлди. У бетакрор услуби ва ҳайратангиз фикрлари билан жаҳон адабиёти пешволари қаторидан жой олган. Ирландиянинг Дублин шаҳрида туғилган бўлса-да, инглиз, олмон ва фаранг тилларида ижод қилган. Атиги 46 йил умр кўрган адибнинг ҳаёти ҳам, ижоди ҳам мураккаб.

Оскар Уайльдининг ижодкор сифатида шаклланишига XIX асрнинг иккинчи ярмида Европада тарқалган бадиий-эстетик қарашлар, романтизм, реализм ва критицизм, айниқса, Бальзак, Тургенев, Достоевский, Гофман, Андерсен ижоди кучли таъсир кўрсатган.

- Мен қоидалар учун эмас, балки истиснолар учун яратилганман.
- Мен асримни шундай уйғотдимки, у мени афсонаю асо-тирларга буркади.
- Сизни ёмонлаганлар – ёмон, умуман ёмонламаганлар эса ундан-да ёмон.
- Ҳаёт жанглирида қатнашганлардан кўра четда турганлар оғирроқ жароҳат олади.
- Барчамиз ҳаёт сирини излаймиз, ҳаёт сири – санъатда.
- Ёшликнинг ҳайратомуз хатоси – ҳаётни фалсафа эмас, эҳтирос; кексаликнинг ваҳимали хатоси эса ҳаётни эҳтирос эмас, фалсафа деб тушунишдадир.
- Ҳаёт фалсафаси – ҳеч бир жиддий нарсани жиддий қабул қилмаслик, жиддий бўлмаган ишларга эса жиддий ёнда-шишдадир.
- Кексаликнинг фожиаси қариганингизда эмас, қалбин-гиз ёшлигича қолганидадир.
- Биз мудом ўз “мен”имиз ичида адашиб юрамиз, шу боис ҳаётимизни ўзгартиришимиз даргумон.
- Қониқиш – бошқалардан оладиганимиз, бурч – бошқа-лардан кутадиганимиз, даҳолик – бошқаларга раво кўрмайди-ганимиздир.
- Одамларнинг ўзидан кўра кечинмалари қизиқроқ.

Уайльд аристократия ва ўз майл-истакларига банди буржуазия тартибларига қарши чиқади. Адиб ҳукмрон табақага хос манманлик, ҳаё-сизлик, иккиюзламачилик, ғирромлик, дидсизлик каби иллатларни дадил фош этади. Уайльд рус ёзувчиси Достоевский изидан бориб “Дунёни гў-заллик қутқаради” деган ғояни ёқлашга интилади. Унинг фикрича, санъ-ат ҳаётга тақлид қилмайди, аксинча, ҳаёт санъатга эргашади.

Оскар Уайльдининг асарлари ва суҳбатларидан олинган фикрлардан намуна келтираётимиз.

Таржимон

- Одамзод ўзидан кучлироқ келадиган эҳтирос ва кечин-малардан инстинктив равишда қўрқади.
- Кибрли одам ҳар нарсанинг баҳосини билади, аммо уларнинг қадрини билмайди.
- Мудом ўтмишга қўз тиккан одам келажаги ўтиб кетганини сезмай ҳам қолади.
- Англаш қийин икки нарса бор: ўлим ва тубанлик.
- Камтарлик омаддан йироқ, фақат сурбетлик омадга етаклайди.
- Мақтов мени итоатгўй қилади, аксинча ҳақоратласалар, ўзимни юлдузларга яқин кўраман.
- Мен суҳбатдошимга оғиз очишга имкон бермайман. Бу вақтимни тежайди ва бенаф тортишувга ҳожат қолдирмайди.
- Ижодкор танишишни истайдиган кишилар хушсурат ва аъмо бўлсин: биринчиси бадий ҳузур беради, иккинчиси – ақлга истироҳат.
- Мен гапириб ҳузурланишдан воз кечишим мумкин, бироқ бошқаларни мени тинглаб ҳузурланишдан маҳрум қилолмайман.
- Никоҳдан аёллар бахт кутади, эркаклар унга эркини тикади.
- Аёл нозу карашмалари билан севдиради, даъволари билан бездиради.
- Ошиқлик ўзини алдаш билан бошланади ва ўзгани алдаш билан якунланади.
- Ҳақиқий муҳаббат ўзига қарши қилинган гуноҳлардан ташқари барча гуноҳларни кечиради.
- Сизга бефарқ аёл билан дўстлашиш осон.
- Мода туфайли ҳар қандай фантастика оний доғули ўйинга айланади.

- Мода шундай тутуриқсизликки, шу боис у ҳар ярим йилда янгилаб турилади.
- Густоҳона кийинувчилар – хушсуратлик ҳам ҳаёт фалсафаси эканини унутиб қўйганлардир.
- Миллатнинг бадий диди меъморлигидан кам бўлмаган кийинишида ҳам акс этиши шарт.
- Биз шундай қашшоқлашганмизки, хушомаддан бошқа ҳеч вақомиз қолмади.
- Кучли антипатия – сирли боғланишга ишора.
- Ўзи ботқоқда, аммо нигоҳи юлдузларда.
- Бизнинг асримизда фақат бенаф нарсалар нафлидир.
- Менга ортиқчасини беринг, зарурини бошқаларга тарқатинг.
- Чин ижодкор ҳаваскор бўлиб қолаверади.
- Санъат асарларини тушунтиришга уриниш уларни қадрсизлантиради.
- Жосуслик ўлаётган касбдир, унинг ўрнини энди матбуот эгалламоқда.
- Мен тараққиётга эмас, одамдаги бузгунчиликнинг доимийлигига ишонаман.
- Кишининг аввал ким бўлгани эмас, балки ҳаётнинг бетакрор ҳар онда кимга айлангани муҳимдир.
- Ўзингизни ўзингиз яратинг, қолган вазифаларга масъулар аллақачон тасдиқланган.
- Ўлганимдан кейин ажмал (энг гўзал) гулга айланишни истардим. Ваҳки, гуноҳларим боис азфар (ўтқир ҳидли) қизил ёронгулга дўнаман.

Рус тилидан Виктор АЛИМАСОВ таржимаси




HUZUNVOR XURRAMLIK

Shoir Nosirjon JO'RAYEV mutolaa qiladi

БОТҚОҚДАН БИНАФША ИЗЛАГАНЛАР

Федерико Гарсиа Лорка. Энг қайғули шодлик. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.

Одам боласининг ҳаётида ҳадеб ҳам ақл пешволик қилавермайди, баъзан-баъзан жунун деган ичкин бир безовталиқ юзага чиқиши ҳам бор. Бу ҳол пешонасини читрўмол билан танғиб боғлаган деҳқондаям, бўйнини бўйинбоғ билан сириб қисган амалдордаям содир бўлиб туради. Чунки инсон тийна-тида, хамиртурушида табиатдан юққан исён бор – у гоҳи-гоҳи бош кўтариб қолади.



Лорка жаноблари ана шу жунунни гўё мусаввир-дек чизиб кўрсата билган, ҳеч бир шаклга сиғмай-диган жазаваларни сўзлар ҳандасасига солган, изтиробларни мажоз орқали қурама шаклларга пухта яшира олган шоирдир. Кўҳна испан халқ оғзаки ижоди берган қувват эса уни чинакам руҳият ва тимсол қиролига айлантирди. Бақалар, чигирткаю капалаклар, кўнғизу шиллиққуртлардан тортиб ою юлдузларгача – барини сатрларга бирма-бир боғлаб чиққан Лорка инсон изтиробини номли манзарани чи-зади.



Лорканинг чинакам ошиғи ва омонатдор таржимони Шавкат Раҳмон таъбири билан айтганда, “гул йиғисини шеърда янграган” шоир бутун ёзганларида алланечук тушунарсиз чизиклардан, қоришиб ётган ранглардан фавқулудда тушунарли адабиёт яратган эди.

Бугун икки карра икки тўртдек сап-саёз ёзмалардан, минбарларда атайин ясама байрамона тус бериб ўқилаётган маддоҳ тизмалардан қочиб эсон-омон уйимга етиб олсам, худди юраги ўйнаган одам корвалолга чопгандай, мен ҳам Лоркага ошиқаман. Китобнинг исталган ва-рағини очаман-да, масалан:


*Шивит, илон, қамиш,
ҳид ва из, соя,
ҳаво, ер, ёлғизлик.
(Ойга уч зинапоя), –*

деган сатрларини ёки:

*Қуриган ўтлар йўлдан
борар дарё бошига.
Бу йўл ёруғ, улғўдир –
борар дарё бошига.
(Йўлга тушмаймизми деб,
юррак ғамгин сўрайди), –*

каби мисраларини ютоқиб ўқийман. Юрагимга Андалусиянинг бепоён кенгликлари ҳавоси ва инсон деб аталмиш яратикнинг қафасга солиб бўлмас руҳи инади. Шунда манови ҳаёт деб аталган моддият оламининг зил-замбил юки елкамдан тушиб, ўрнида чайир қанотлар ўса бошлайди. Атрофимдаги одамлар гул, минора, шамол, калтакесак, чивин кабиларга айланиб, табиатнинг зийнати ва... сарқити бўлиб сўзлай кетадилар. Шоир мени заминдан узиб, рамзлар оламига ғарқ қилади.

Шу ўринда ўзининг, қилич руҳининг испанча муқобилини адашмай топа олган Шавкат Раҳмонга тасанно дейман. Русча таржимадан кўнгли тўлмай, саккиз ой ичида испан тилини ўрганиб, Лоркани аслиятдан таржима қилишни уйдалаган шоир матонати мени ҳамон ҳайратда қолдиради. Лорканинг ўзи айтган – белигача ботқоққа ботиб бинафша излаш, қора меҳнат билан ёп-ёруғ дунёлар яратиш асли мана шудир балки...



СИЙЛОВ ОРТИДАГИ СИНОВ

Оноре де Б а л ь з а к. Муҳаббат тилсими (Сағри тери тилсими). Тошкент, “Extremum Press” нашриёти, 2010.

“Тила тилагингни!” дегувчи қудрати чексиз ҳожатбарор персонажлар дунё халқлари оғзаки ва ёзма ижодида, хусусан, эртак ва ривоятларда истаганча топилади. Уларнинг қиёфаси, шакл-шамойили эса турфа. Масалан, русларда тешик тоғорадан қутқариб кўшк-сарой тўхфа қиладиган тилла балиқ, арманларда туқдор сумбати ва якка кўзи билан ўта важоҳатли кўринадиган, бироқ ўзи раҳмдил дев, араб халқларида кўзадан чиқиб келувчи жин, бизда гоҳ турна ё

лайлак, гоҳ мўсафид чол ё кампир, учратиб қолганда бош бармоғини маҳкам ушлаб олиш кераклиги уқтириладиган Хизр сиймосида келлади. Нега бундай қаҳрамонлар барча халқлар адабиётида кенг тарқалган? Одам зоти яралибдики, ҳамиша сеҳр-мақрга ишқибоз, мўъжиза рўй бериб тез ва осон бойиш, кучли ва қудратли бўлиш истаги юрагида ҳар доим ловиллаб туради. Қизиғи шундаки, ҳожатбарор мавжудот одам боласига қай йўсинда, қай макон ва қай фурсатда рўпара келмасин, албатта бир шарт, тўлаш оғир бўлган товони бўлади – бажарган одамга ё толе кулади, ё...

Бальзак оддий бир парча ҳайвон терисини ана шундай жоду воситасига айлантириб, бутун бошли роман яратган сеҳргар адибдир.

Физика қонунияти жиҳатдан ўйлаб кўрилса, иссиқда ёйилиб-юмшаб, совуқда тортишиб-тиришиб қолиш ҳар қандай табиий терига хос хусусиятдир. Бироқ ҳар тилак айтганда ўша бир парча терининг кичрайиши ва инсон умри ҳам шунга мос равишда поёнлаб боришини ўзаро боғлаб фалсафа яратиш муаллифнинг улкан маҳоратига шоҳидлик беради. Ғайритабиий чолнинг алмисоқдан қолган дўконидан, лаш-лушлар ичидан ҳаётдан сиқилиб юрган бир шарқшунос йигитга тақлиф этилган парча матоҳ – сағри тери бу дунёнинг рамзи-тимсоли асли!

Асарни талабаликда – семестр имтиҳонларини топшириш маҳали, хонадошлар битта буханкага чақалаб пул тўплаган кезларимизда, яъни ҳаётимизга сеҳр, мўъжиза жуда зарур бўлиб турган бир чоқда ўқиганим учун, анави шарқшунос йигит ҳам ўзимизга ўхшаб юпунгина, рангпаргина, тушкунгина бўлгани учун, менга қизиқарли воқеалар йиғиндидек, тахминан “Сариқ девни миниб” асаридек таассурот қолдирган эди. Бироқ ёшим улғайган сари, бошимдан иссиқ-совуқ ўтгани сари, бу дунё ҳеч нарсани шунчаки, эвазсиз бермаслигини англаганим сайин Бальзакнинг тағдор фалсафасини тушуна бошладим.

Менинг шарқшунос Рафаэлдан нима камим бор? Қирққа киргунимча ҳаёт менга чексиз мукофотлар берди – уларнинг саноғи йўқ, Яратган Эгам ёрлақаб не мартабаларга эришдим, тақдир сийлаб не орзуларим амалга ошди, илҳом кўнглимга бақамти келиб нелардир ёздим... Бироқ олаётган ҳар бир нафасим бой беришлар, йўқотишлар, ўрни тўлмас аччиқ тўловлар эвазига бўлаётганини билмайманми?! Ҳеч қачон чўкмайдиган тоғлардек кўринган ота-онам нураб бораётгани, ёшлигим ташлаб кетгани, қалбимни кузги боғлар хазонидек устма-уст

армонлар эгаллагани, беғубор йилларда топган дўстларим манфаатлар бўронида йўқолиб-йитгани, азиз устозларим бирма-бир тарк этгани – булар бари “сағри тери”нинг қанчалик тез қисқариб бораётганига исбот эмасми?!

Бальзак даҳо адиб эди. У фақат инсонгагина хос бўлган фикр ва шукр тушунчаларини бир парча тери устида жамлади. Тилаклар ва имконлар, орзулар ва армонлар баҳсини бир бўлак матоҳ мисолида кўрсатди. Бечора йигит орзу қилишдан, тилак айтишдан ҳам кўрқиб мумкинлигини менинг, сизнинг, бутун башариятнинг олдида исботлади.

Шукрки, бизда таълимот бошқа, эътиқод бошқа. Бизда сағри тери-лар эмас, дуолар бор. Ўзини шарт дарёга ташлаб ўлиб кетаверишдан аввал ота-онани, фарзандларни ўйламоқ неъмат, фаросати бор. Бироқ Бальзак жамият оғриғини донишмандона идрок этиб, унинг юзига кўзгу тутди. Дарвоқе, фаранг адиби билан бир йилда туғилган рус шоири Пушкин (1799 йил) ҳам эртак йўсинида бўлсин, “Олтин балиқ” фожиасини битган эди. Даҳолар – инсониятнинг Ҳақ олдида ожиз эканлини англаувчи хослардир.

ҲАЁТ УСТИДАН ЎҚИЛГАН ҲУКМ

Чингиз Айтматов. Танланган асарлар. Қиссалар. Тошкент, “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2016.

“Шарқ” нашриётида ишлаб юрган кезларим. 2016 йил 30 май куни жонимизнинг бир парчасини юлгандай бўлиб ўзбек адабиётининг яна бир устун, чинакам устоз, дилбар шоир, ноёб шахс Эркин Воҳидовни улкан издиҳом иштирокида тупроққа кўйдик. “Чиғатой”дан икки ака-ука, Эркин аканинг чин ошuftалари – Аҳрор Аҳмедов ва камина бир-биримизга суюнишиб қайтар эканмиз, тўсатдан Аҳрор ака сўраб қолди:

- Эркин аканинг ҳамма шеърлари сизда жам бўлиб турибдими?
- Ҳа, тап-тайёр, – дедим унинг миясига янги бир ғоя келганини англаб.


Гап шундаки, устознинг вафотигагина унинг саккиз жилдга мўлжалланган асарлар тўпламининг дастлабки тўрт жилди чоп этилган, уларни Эркин аканинг ўзи ҳам кўришга улгурган эди. Бу тўрт жилдда шоирнинг фақат назмий ижоди куллиёт сифатида тайёрланган эди.

– Бирон нима қилмасак, юракнинг ҳовури босилмайди, Носиржон! – деди Аҳрор ака.

Шу “бирон нима” орадан бир оз вақт ўтиб муҳташам китоблар туркумини бошлаб берди. Бу туркумдаги китоблар қўлма-қўл бўлиб кетди.

Хуллас, муваффақият ила бошланган серия жаҳон адабиётига ҳам кўчди, кейинги китоб Чингиз Айтматов қиссаларидан иборат жамланма бўлди. Вафо Файзуллоҳ йиғиб турган 10 та қиссани зудлик билан нашрга тайёрлаб, иккинчи ўқни ҳам нишонга бехато урдик. Оддий ўқувчидан тортиб амалдорларгача бир-бирига совға қиладиган гўзал китоб дунёга келди.

“Сарвқомат дилбарим”ни энг аввал – ўсмирлик йилларим ўқиганим боис уни муаллифнинг бошқа асарларидан кўпроқ яхши кўрганман.



Мўйлабим энди сабза ураётган вақтлардаёқ Илёс бўлиб яшаганларим, унинг изтиробларини туйганларим ёдимда. Ҳатто уникага ўхшаш юк машиналарини кўриб қолсам, хаёлан неча бор руль чамбарагида Илёс бўлиб ўтирганим неча бор йўлдан қизил дуррачали қизни ёнимга ўтказганимни ўзим биламан. Кейин Тошкентга ўқишга кириб, Қамчиқдан ҳар ўтганда Помирдаги Илёс ишлаган доvon ҳам шундай бўлса керак, йўлдаги Тангатопди, Кўккўл, Серқақирилди деган кишлоқлар Асал яшаган жойлардек бўлса керак, деб ўйлар эдим.

Кейин-кейин Айтматовни бутунлай хатм қилдим. Ҳатто “Қиёмат”ни бир ўтиришда, етти соатда жойимдан жилмай ўқиб тугатдим. “Жамила”дан тортиб “Оқ кема”гача барча қиссаларни деярли ёд олдим. Қиссалар бамисоли кўшиқ, романлар яхлит бир гиря эди.

Тўғри, ҳамминг ўз Айтматови бор. Аммо мен учун у олислардаги қўл етмас ёзувчи эмас, ҳар куни бир пиёла чой устида суҳбатлашиб ўтирадиган кадрдон инсон. Муштарийлар манманликка йўймасинлар, феъл-атворимдан келиб чиқиб айтаманки, агар мен Ремарк, Думбадзе ё Айтматов билан тенг-тўш, замондош бўлганимда, адабий мақомдан қатъи назар, улар билан яхши дўст бўлардим.

Аслида, улкан истеъдодлар тоққа, уммонга, даштга ўхшайди – бир дона тош олсанг ё қўйсанг, бир ҳовуч сув ичсанг ё қўйсанг, бир кафт тупроқ айирсанг ё уйсанг, ўзгариб қолмайди. Улар кичраймайди. Яна назаримда, истеъдод эгалари икки хил бўлади: биринчиси – буюк санъаткор, улар юксак изҳорлар билан чекланади, бундайлар кўп; иккинчиси – шахслар, улар ҳаётни, ҳис-туйғуларни, умуман, борлиқни беаёв таҳлил қила олади. Бу тоифадагилар шунчаки асар яратмайди, балки ҳаёт ҳақиқатини кўрсатиб беради.

Чингиз Айтматов ҳам ҳаёт устидан ҳукм ўқишга қодир адиб эди.

МЕНИ ҲЕЧ КИМ СОҒИНМАГАН ШОМ

Усмон Аз и м. Куз. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.

Мақтаб дарсликлари таъсиридан энди халос бўлган кезларим эди. Тошкент ҳавосига кўникиб улгурмай, қўлимга Усмон Азимнинг “Куз”и тушиб қолди. Кўп ўқидим, такрор ўқидим. Шеърдан шеърга кўчаётиб англадимки, бу шоирнинг чарслиги, мурасасизлиги, ҳамма бир ёқдан келса – унинг тамоман бошқа ёқдан келиши руҳимга яқин экан. Кейин дўст бўлдим, сўнг кадрдон, пировардида эса ака-ука бўлдим бу шеърлар билан. Муаллифнинг ўзи билан анча кейин – пой-

тахтнинг кибру ҳавоси вужудимга сингиб кетган вақтларда кўришдим. Бу орада шоирнинг “Жоду”си, “Соғинч”у “Фонус” ҳам чоп этилган, мен ҳам аввалроқ дунё юзини кўрган “Ғусса”, “Сурат парчалари”, “Дарс”у “Иккинчи апрел”ларни ўқиб бўлган эдим.

Сирдарёда қандайдир тадбир эди – бу унча муҳим эмас – йиғиндан кейин дастурхон устида танишдик Усмон ака билан. У киши мен ўйлагандан кўра анча эрка, ўжар, олифта ва жуда яхши нотик эди. Шу суҳбатдан сўнг ўзимдаги истак-ихтиёрни енгиб, у билан камроқ кўри-



шишга ҳаракат қила бошладим. Чунки унинг таъсирига тушиб қолиш мумкин эди-да.

Усмон Азим кўнгилни алдамайди. Шеърлари одамга ором бахш этмайди, ҳасратнинг ҳовурини босмайди, юракни тинчлантормайди. Унинг ёзганларини дам олиш учун ўқиб бўлмайди. Аксинча, истироҳатни йўққа чиқаради, оромни бузади, юракка санчиқ солади. Таъбир жоиз бўлса, уйқусираб-мудраб юрган ўқувчининг икки юзига шапалоқ тортиб юборади. Ғубор босган кўзгуни аввал яп-янги пальтосининг енги билан артиб ярқиратади-да, кейин сизнинг елкангиздан ғижимлаб етаклаганча тошойна қаршисига олиб боради. “Мана шу ғафлат босган нусха сенсан! Лоқайд ва эринчоқ тананг ичида юрак деган зорманда бор. Ўзингга раҳм қилмасанг, ҳеч йўқ юрагингга раҳминг келсин. Вужудингни ечиб, от. Юрагингни ташқарига чиқар!” дейди. Сиз эса унга фавқултабий ҳайрат-ла қарайсиз. Шунда кўрасизки, иккинчи қўлида ўз юрагини тутиб турган бўлади.

Усмон Азим кўнгилни алдамайди. Ўзи ҳис қилмаган дардни бировга юқтиришга уринмайди. Бармоғини кесиб олмай туриб, бармоқни кесиб олгандаги оғриқдан лоф урмайди. Тиши оғриси ёки шамоллаб қолса, дарров ўлим ҳақида айюҳаннос солмайди...

Талай шоирларнинг шеърини ўз оғзидан эшитганман. Уларни тинглаб шунга амин бўлганманки, худо берган овоз ўша шоирнинг шеърларига аксаран мос келади. Абдулла Орипов шеър ўқиётганда, хаёлимда юнон файласуфлари гавдаланади. Эркин Воҳидовнинг овози маҳорат билан ижро этилаётган Шарқ мумтоз куйларини ёдга солади. Рауф Парфи оҳангида худди жангдан ҳориб қайтаётган қўшиннинг қадам товушлари... Усмон Азимда эса тоғдан думалаётган тошнинг гумбуридек садо бор. Бу шоирларнинг биронтасида куруқ шовқин йўқ – овозида ҳам, ижодида ҳам. Олатасир, тўс-тўполон, томоқ йиртилгунча кичқириш уларга бегона.

Эътибор берсангиз, қув, айёр ва маддоҳ шоирларнинг оҳанги ҳам шеърларига чиппа ёпишиб тушади. Шунда ўйлаб қоламан, ўпқадан товуш бўлиб чиқаётган ҳаво йўл-йўлакай юракка ҳам кириб ўтармикан, а?..

Шоирнинг машҳур бир шеърини ҳар гал ўқиганимда, у нега айнан “Ўша мени ҳеч ким соғинмаган шом...” сатри билан бошланган деб ўйлайман. Муаллиф (ёки унинг лирик қаҳрамони) тўсатдан ўзини ҳеч ким соғинмаётган шом ҳақида гап бошлаб, шеърнинг илк сатриданок ўқувчининг ёқасидан чангаллаб ўзига қаратиб олади. Кейин тамом – ҳеч қаёққа қочиб бўлмайди. Бу худди Камюнинг қиссагўйликни “Бугун онам ўлди, ё кечамиди...” дея бошлаганидек бир усул.


Илк бор ўқиганимда, шоир мени етаклаб ўша шом қўйнига, автобекат ёнига, йигит билан қизнинг қаршисига олиб борди. Ҳамма-ҳамма детални – пальто, унинг белбоғию тугмаси, ҳатто қиз манглайидаги бир тутам сочни ҳам биттама-битта кўрсатди. Аммо... “Йиғит! Йиғит билан қанча ишим бор!” мисрасига келгач, шом ҳам, бекат ҳам, шеър ҳам, тақдир ҳам тамоман меники бўлди-қолди – энди менга Усмон Азимнинг кераги йўқ эди. Энди ўзим қорнинг совуғини сеза бошладим,

ёнимдан ўтаётган автолар шовқинини аниқ-тиниқ эшитдим, ҳадеб липиллаб ўчиб-ёнаётган йўлчиروқнинг ранглари кўзимга санчилди. Ва мен – бекатда ҳайрона турган йигит шеърни ичкин овозда якунладим:

*Йигит... Аммо нега сени ўйлайман,
Ҳозир ҳам ҳавасдан музлайди этим.
Мен қорли бекатда вайрон турган шом,
Сен мендан, ҳаммадан бахтиёр эдинг!*

Ҳа, мен ўзим ҳақимда шундай ҳукм чиқардим. Бироқ шеър тугаши билан қаршимда асл муаллиф пайдо бўлди. Ажабки, менинг шеъримни бир бахтли шоир аввалроқ ёзиб бўлган экан...

Мен Усмон Азимнинг шеърларида яшаганим – қушдек учганим, баргдек тўкилганим, момагулдиракдек қалдираганим, сувдек оққаним, рояль чалганим, қаҳвахонада тамаки бурқситиб ўтирганим, севганим, рад этилганим... – хуллас, ўз ҳолимча яшаганим учун ҳам уни умрбод ҳурмат қилмоққа мажбурман.



БЎЯЛМАГАН ҚИЁФАЛАР

Шукур Холмирзаев. Сайланма. Беш жилдлик. 1-жилд. Ҳикоялар. Тошкент, “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2003.

Дастлаб саккизинчи синф адабиёт дарслигида “Ўзбек характери”ни ўқиб, виждон азоби деган тушунчани аниқ-тиниқ англаган эдим. Бойсун далаларида бўлиб ўтган воқеани қишлоғимдаги одамлар ва пахтазорларга кўчириб кўп дилгир бўлиб юрганман. Биринчи курслигимизда эса Азиза исмли курсдошим ул-бул қоралаб туришимни билиб, Шукур Холмирзаевни ўқишингиз керак, деб кўлимга бир журнал берди.

Журналда адибнинг “Бодом қишда гуллади” деган ҳикояси босилган экан. Қизиғи, қаҳрамон – бемор йигит отдошим экан. Шу-шу Шукур Холмирзаевга мубтало бўлдим.

Бизга ўхшаган Шукур аканинг ишқибозлари учун бир-икки йилдан сўнг унинг томлиги нашр этила бошланди. Мен ҳам унинг улкан ижодини бир бошдан ўқишга тушдим. Тўғри, унча Чехов ва Қаҳҳор, француз ҳикоя устаси Андре Моруа лабораториясига бир қур бош суқиб кўрган эдим. Бироқ Шукур Холмирзаев тоғлару какликлари, жайдари одамлару ҳаётини воқеалари билан чин маънода ўзимизники эди.

Мени ҳамиша ҳайратга соладиган жиҳат: адибда биронта тўқима воқеа, сунъий характер ёки ёлғондакам драма йўқ. Индаллосини айтганда, у кундалик ёзиб юргану ҳар бир ёзгани кейинчалик ҳикояга айлангандек туюлади менга. Бундай содда ва ортиқча оҳанжамасиз юксак бадиий асар яратиш, оддий одамларнинг жўн турмушидан чинакам драма ясай олиш учун ўша ҳаётда яшаб кўриш керак.

2003 йилнинг кеч кузи. Мен у кезлар Иқбол Мирзо билан Раҳмон Кўчқор даврасига эргашиб юрардим. Улар эса ҳафтада бир марта Набижон Боқийнинг Дўрмондаги далаҳовлисиди ош қилиб, тонготар суҳбатлар қуришарди. Ўша давраларнинг бирида мени нима жин урдию

Ўткир Хидиров деган шоир акамининг кўча эшик олдида турган яп-янги машинасини миниб кўрмоқчи бўлдим. Ҳали рулга ўтирмаган мен нотавон уни бетон устунга қарсиллатиб солдим. Ҳовлидан югуриб чиққан акалар менинг аҳволимни кўриб индашмади, бироқ ўртага музтарлик тушди. Камина эса, Иқбол ака таърифи билан айтганда, мағрур қаҳрамондек рулда ўтирардим.

Менинг “шарофатим” билан ҳеч кимга ош татимай турганда, кўча томондан “Наби, уйдამисан?” деган қалдироқдек овоз келди – Шукур ака экан. “Раҳмон билан Иқбол кепти, бир урамизми деб чиқётувдим, келгунимча уриб бўлибсанлар-да...” деди у кўчага – мажақланган машинага ишора қилиб. Унинг ташрифими, келасолиб тагдор ҳазил қилишимни, ҳаммадан губорни чиқариб юборди. Адабий суҳбатдан давра кўр олди. Шукур ака менинг ҳозиргача у ҳақда эшитган “афсона”лар таъсирида пайдо бўлган тасаввуримга зид ўлароқ, давра тўрида чинакам метин қоядек, ўзбек адабиётининг муҳташам устунидек турар, ҳар бир гапини далиллаб, салмоқлаб гурун берар эди.

У гапиряптию шу вақтгача ўқиган ҳикояларим бирма-бир хаёлимдан ўтади: асарлардаги гоҳ каклик кетидан пойлаб юрган ўсмир йигитча, гоҳ шаҳардан қишлоққа бориб бойчечак терадиган бойсунлик, гоҳ қайсидир дарада гулхан атрофида ўтирган овчилар – ҳаммаси Шукур ака бўлиб кўрина бошлайди. Шунда адиб гулдирак овози билан яна мени ҳайратда қолдиради:

– Раҳмон, манави беҳиларга қара! – дея у ҳовли гирдида тарвақайлаб ўсиб ётган, ҳар бир меваси косадек келадиган дарахтларга имо қилади. – Мана шу беҳиларга қарасам, ўпкам тўлиб кетади – рангими, устидаги майин тукларими қанақадир маъюсликни эслатаверади менга!

Даврадагилар жим қолишди, оқсоқол куз тасвирини шу қадар аниқ чизиб берган эдики, ҳатто Наби аканинг кўзида ёш филтиллаб кетди. Адиб ҳаммининг кўнглида кузнинг фаромуш лаҳзалари, эзгин хаёллари, отини топиб бўлмайдиган недир шикасталиклари бўлишини шу биргина таърифда ифодалаб берган эди.

Шукур Холмирзаев ўша гурунган икки йилча ўтиб вафот этди. Қалбимда унинг ўша чехраси, кўлимда томлиги қолди. Гарчи даставвал уч жилд (икки жилдда ҳикоялар, учинчисиди эсселар) нашр этилиши белгиланган бўлса-да, вақт ўтиб қисса ва романлари жамланган 4-5-жилдлар ҳам чиқди. Охири икки жилдни муаллифнинг ўзи кўрганми-йўқми, билмайман, аммо уларни ўзбек адабиёти кўрди. Алқисса, адабиёт ўлмади, ўлмагай!..





Ildizlarga kerak toza havolar

Глобаллашув инсоният ҳаёт суръатини ошириш баробарида миллий қадриятларнинг емирилиши жараёнини ҳам тезлаштирмақда. Бугунги кунга келиб инсон боласи кучли ғоявий, мафкуравий ва ахборий таҳдидларга дуч келмақда. Айниқса, вайронкор секталарнинг ҳали мафкуравий иммунитетни тўлиқ шаклланмаган ёшларга эътибор қаратиши хатарлидир.

Ўзбекистонда ҳам миссионерлик фаолияти билан шуғулланаётган бузғунчи секталар ёшларни ўзликдан маҳрум бўлган манкуртга, “биороботлар”га айлантириб, уларнинг устидан ўз назоратини ўрнатишга уринмақда. Ёшларнинг диний секталар таъсирига тушиб қолиши миллий-маънавий тараққиёт учун жиддий хавф бўлиб, миллийликка дахлдорлик ҳисси йўқолган лоқайд инсонлар сабаб маънавий қашшоқлик кучаяди, фикр қарамлиги ортиб боради.

Мамлакат келажаги бўлмиш ёшларнинг кайфияти, хатти-ҳаракатлари жамиятдаги умумий ахлоқий, мафкуравий ва ижтимоий-психологик иқлимни ўлчайдиган барометрдир. Мамлакат тараққиётининг бугуни ва эртаси ёшларнинг қандай тарбия олишига боғлиқ. Чунки улар нафақат ишчи кучи, шу билан бирга аждод давомчилари, келажақ бунёдкорларидир. Шунингдек, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг нуфузини янада ошириш ҳам улар зиммасида.

Секталар фаолиятини тадқиқ қилган олимлардан профессор А. Очилдиев ва Ж. Нажмиддинов “Диний секта деганда эътироф этилган йирик диний йўналишларнинг расмий ақидаларидан фарқли тарзда фаолият олиб борадиган диний гуруҳлар тушунилади. Шунингдек, ушбу тушунча мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳларни англатади” (Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар,

оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга – юз жавоб). Тошкент, “Тошкент ислом университети”, 2013. 21-бет), деган таърифни берса, М. Мусаев “...сектант ташкилотлар ўз аъзоларини эксплуатация қилувчи, манипулятив (инсонни бошқарувчи) воситаларни қўлловчи бузғунчи тузилмалардир” (Мусаев М. Тоталитар секталарнинг ғоявий-мафкуравий таъсири ва бузғунчилик фаолияти оқибатлари // Qalqon, 9-сон, 2014. 29-бет), деган фикрни илгари суради.

Профессор А. Осипов “тоталитар секта” тушунчасига бундай таъриф берган: “Тоталитар культлар, деструктив ташкилотлар, вайронкор секталар бу – бир хил нарсанинг турли номларидир. “Тоталитар” сўзи тўлиқ, ҳар томонлама қамраб олишни англатади. Тоталитар секта бу – раҳбарларга бўйсунадиган, темир интизомга эга бўлган иерархия принципи асосида қурилган ташкилот. Ушбу ташкилот раҳбари, яширин ва аниқ психологик таъсир усулларидан фойдаланган ҳолда, ўз ташкилоти аъзоларининг руҳияти ўзгаришига эришади, уларнинг онги, хатти-ҳаракати ва турмуш тарзи устидан тўлиқ назорат ўрнатади, бу уларга ташкилот аъзоларини қарамлик ҳолатида ушлаб туриш ва улардан ўзларининг худбин мақсадларида фойдаланиш имконини беради” (Осипов И. Тоталитарные секты: технология обмана. Минск, 2000. Стр. 42).

Келтирилган таърифлардаги умумийлик шундаки, секталар қайси кўринишда намоён бўлишидан қатъи назар, анъанавий диндан ажралиб чиққан ёки уларга муҳолиф бўлган, қатъий тартибда назорат қилинувчи ёпиқ диний гуруҳдир. Одатда барча секталар ўз издошларини етакчи ва таълимотга сўзсиз бўйсундириш учун уларнинг маънавий олами, ҳис-туйғулари ва жисмоний ҳолатига таъсир этувчи яширин психологик зўравонлик қўллабди. Вайронкор секталар ўз аъзола-

рининг ҳиссиётлари ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатади, оннинг энг чуқур бурчакларига ҳам қўпол равишда бостириб киради, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум этади. Шунингдек, бундай гуруҳлар жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлар, тартиб ва маданиятга қарши йўналтирилган таъжовузкор ҳаракатларни амалга оширади, ҳатто оилани ўзларига душман деб билади. Аъзоларига танлов ҳуқуқини бермайдиган, руҳий ва жисмоний соғлигига зарар етказадиган, сохта дин хусусиятларига эга бўлган вайронкор секталар жамият барқарорлигига таҳдид солади.

Вайронкор секталарнинг ўзига хос хусусияти улар фаолиятининг жамиятни ижтимоий ўзгартиришга йўналтирилганидир. Бундай гуруҳларнинг пешволари жамиятдаги ўзгаришлар, бу “ўткинчи дунё”нинг нуқсонларини фош қилиб, ўзларини “халоскор”, юксак ахлоқли “ҳақиқатгўй” сифатида кўрсатади. Барча секталарнинг “инсониятни яхши томонга ўзгартириш” ва “идеал жамият яратиш” бўйича ўз фарази мавжуд. Одатда “нажот”нинг барча моделлари бутун инсоният ушбу секта аъзолари тарғиб қилаётган мафкурага ўтишидан иборат бўлади.

Вайронкор секталар ёшларни сафига жалб қилмай туриб ўз мақсадига эришолмайди. Ёшлар жамият ҳаётида етакчи ўринга эга бўлган ижтимоий гуруҳ ҳисобланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмақда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ” (Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/1063>).

Ёшларнинг куч-ғайратини тўғри йўналтириш жамият ва мамлакат ҳаётидаги бунёдкорлик ва тараққиётга хизмат қилса, уларга эътиборсизлик, ўз ҳолига ташлаб қўйиш турли диний ва сиёсий оқимлар томонидан илгари сурилаётган ғоялар

ҳамда чақириқларга эргашиб кетишига олиб келади. Айнан шунинг учун вайронкор секталар миссионерлик ҳаракатларида ёшларга катта эътибор қаратади. Уларни итоат эттириш орқали келажақда бутун дунёда ҳукмронлик ўрнатиш мақсадини кўзлайди.

Профессор М. Сингерс секталар амалга ошираётган тафаккурни дастурлаш жараёнининг қуйидаги олти асосий принципни кўрсатиб берган: 1) одамлардан нималар бўлаётгани, вақт ўтиши билан қандай ўзгаришлар рўй беришини яшириш; 2) шахсий ижтимоий ва жисмоний муҳитни назорат қилиш, айниқса, шахсий вақтни бошқариш; 3) одамларда тизимли равишда ёрдамга муҳтожлик ҳиссини уйғотиш; 4) мукофотлаш, жазолаш ва тажриба тизимини бошқариш орқали шахснинг ўтмишдаги ижтимоий ўзига хослигини йўқотиш; 5) гуруҳ мафкураси ёки эътиқод тизимини, шунингдек, гуруҳ томонидан қўллаб-қувватланадиган хатти-ҳаракатларни тарғиб қилиш учун мукофот, жазо ва тажриба тизимидан фойдаланиш; 6) қарши фикр билдиришга имкон бермайдиган, ёпиқ мантиқ тизими ва авторитар тузилмада ишлаш (Dr. Margaret T. Singer's 6 Conditions for thought reform. <https://www.cultrecover.com/singer6conditions>).

Вайронкор секталарнинг хуружи авж олган шароитда миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бунинг учун, аввало, ёшлар маънавиятини ривожлантириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, четдан кириб келаётган эътиқод ва маданиятни тарғиб этадиган, маънавиятимизга раҳна солиш орқали миллий ўзликни англашга путур етказадиган вайронкор секталар хавфидан огоҳ бўлиш зарур. Бунга эришиш учун эса таълим ва тарбия ишларини оқилонга, замона талаблари даражасида йўлга қўйиш лозим. Чунки миллий тарбия ва таълим миллатни асраб қолишнинг энг муҳим омилларидандир.

Эргаш АҲМЕДОВ,

Тошкент Кимё-технология институти доценти

Ajdodlar omonati

“Номоддий маданий мерос” тушунчаси урф-одатлар, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билим ва кўникмаларни, шунингдек, улар билан

боғлиқ жиҳоз, нарса, артефактлар ва маданий маконларни акс эттиради. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган номоддий маданий мерос доимо муай-

ян ҳамжамият ва гуруҳлар томонидан уларнинг атроф-муҳит, табиат ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилади ва бу уларда ўзига хослик, шунингдек, ворислик туйғусини шакллантиради (*қаранг: Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция. 2-модда. Париж, 2003*).

Глобаллашув ва оммавий маданият шароитида номоддий маданий меросни сақлаб қолиш масаласи жаҳон ҳамжамияти кун тартибига чиқди.

2003 йили Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш конвенцияси қабул қилинди. У номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини таъминловчи биринчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон ушбу конвенцияни 2007 йил 12 декабрда ратификация қилган.

Парижда ЮНЕСКО бош қароргоҳида бўлиб ўтган “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги конвенцияга аъзо бўлган давлатлар Бош ассамблеясининг 9-сессиясида Ўзбекистон Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳужжатлараро қўмитага 4 йил муддатга (2022 – 2026) аъзоликка сайланди.

Ҳужжатлараро қўмитанинг асосий вазифаси – конвенция мақсадларини илгари суриш, илғор тажрибалар бўйича йўл-йўриқ кўрсатиш ва номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари бўйича тавсиялар беришдан иборат.

Қуйидаги номоддий маданий мерос намуналари рўйхатга олиш объектлари ҳисобланади: 1) ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва аъналар (шу жумладан, тил – номоддий маданий меросни ифодалаш фактори сифатида); 2) ижрочилик санъати; 3) жамиятнинг урф-одат, маросим ва байрамлари; 4) табиат ва коинот билан боғлиқ билим ва урф-одатлар; 5) аънавий хунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар; 6) номоддий маданий меросни намоён этиш билан боғлиқ жиҳозлар, нарсалар, артефактлар ва маданий маконлар (*Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 февралдаги “Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 47-қарорига 1-илова. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами. Тошкент, 2011. 96-бет*).

Шунингдек, Ўзбекистонда номоддий маданий мероснинг қуйидаги тўртта алоҳида рўйхати юритилади: 1) Зудлик билан муҳофаза остига олиниши лозим бўлган номоддий маданий мерос рўйхати; 2) Номоддий маданий мероснинг Репрезентатив

рўйхатига киритиш учун тавсия этиладиган номоддий мероснинг рўйхати; 3) Номоддий маданий мероснинг миллий рўйхати; 4) Номоддий маданий мероснинг маҳаллий рўйхати.

ЮНЕСКОнинг инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига “Бойсун туманининг маданий макони”, (2008), “Шашмақом” (2008), “Катта ашула” (2009), “Аския” (2014), “Палов маданияти ва аъналар” (2016), “Наврўз” (2009, 2016), “Хоразм рақси – Лазги” (2019), “Миниатюра санъати” (2020), “Бахши санъати” (2021), “Ипакчилик ва тўқув учун аънавий ипак ишлаб чиқариш” (2022), “Хўжа Насриддин ҳақидаги латифаларни такрорлаш аъналар” (2022), “Ўзбекистон кулолчилик мактаблари” (2023), “Наққошлик – тазҳиб безак санъати” (2023), “Ифторлик ва унинг ижтимоий-маданий аъналар” (2023) киритилган. Бундан ташқари, 2018 йили Марғилон хунармандлик мактаби атлас ва адрас тўқиш технологияси ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича энг яхши тажрибалар реестрига киритилган.

Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига “Марказий Осиё аънавий каштачилиги”, “Ўзбекистон зардўзлик мактаблари санъати”, “Ўзбекистон заргарлик санъати”, “Ўзбекистон дўппидўзлик мактаблари санъати”, “Ўзбек аънавий кандакорлик санъати”, “Ўзбекистон гиламдўзлик аъналар”, “Бешик яшаш ва у билан боғлиқ аъналар”, “Ўзбек нонлари”, “Қорабайир отларини парвариш қилишга оид аъналар”, “Алпомиш” достони, “Кўпқари”, “Ўтов яшаш аъналар”, “Чавгон” ўйини, “Ўзбекистон пичоқчилик санъати”, “Чой ичиш билан боғлиқ урф-одатлар”, “Ўзбек кураш санъати”, “Тановар” кабиларни тақдим этиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистонда номоддий маданий мерос билан боғлиқ масалаларга давлат даражасида катта эътибор қаратилган ва бу соҳадаги муносабатлар баъзи қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва оммалаштириш билан боғлиқ фаолиятни такомиллаштириш борасида ҳам алоҳида вазифалар белгиланган. Жумладан, мақом, бахшичилик, рақс ва театр йўналишларида камида 10 та халқаро фестиваль ва анжуманлар ўтказиш, камида 3 та ноёб номоддий маданий мерос намунасини ЮНЕСКОнинг халқаро рўйхатларига киритишга

эришиш, 30 тадан ортиқ номоддий маданий мерос элементини чуқур илмий тадқиқ этиш вазифалари қайд этилган.

Ҳар бир миллий номоддий маданий мерос шу халқнинг ўзлигини ифодалайди. Шунинг учун у, албатта, ҳурмат қилиниши керак. Номоддий маданий мероснинг муҳофаза қилиниши, сақланиши ва келгуси авлодга етказилиши барқарор тараққиёт омилларидан биридир (*қаранг: Тошматов Ў., Исақулова Н. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари. Тошкент, “Фан”, 2014. 11-бет*).

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишда Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишнинг ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 405-сонли қарори муҳим аҳамиятга эга. Унда қуйидагилар устувор йўналиш қилиб белгиланди: 1) номоддий маданий меросни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда унинг намуналарини аниқлаш, рўйхатларга киритиш, рақамлаштириш, тарғиб қилиш ва сақлаш; 2) мақом ва бахшичилик санъ-

атини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, тарғиб қилишни янада ривожлантириш; 3) номоддий маданий мероснинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган намуналари, шунингдек, меросни муҳофаза қилиш бўйича илғор тажрибаларнинг “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги халқаро конвенция доирасида халқаро рўйхатларга киритилишига эришиш; 4) номоддий маданий меросни доимий равишда ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида республика ва халқаро миқёсда этнофольклор экспедициялари ташкил қилиш, илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, фундаментал ва мақсадли грантлар ажратилишини таъминлаш; 5) номоддий маданий мерос таълимнинг барча босқичларида ўрганилишини ташкил этиш ҳамда соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш. Шунингдек, қарорда номоддий маданий мерос намуналарини “тайёрлаш – ўргатиш – тиклаш – сақлаш – оммалаштириш” яхлит узлуксиз тизим тажрибасини оммалаштириш вазифаси ҳам белгиланган.

Жасурбек АҲМЕДОВ,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Elni vabodan qutqargan zot

Қосим Шайх Азизон тахминан 1498 йили қадим Кармананинг (ҳозирги Навбахор тумани ҳудуди) Маржонхотин қишлоғида туғилган. Баъзи манбаларда бу маконда Шайхнинг 20 таноб, яъни 1,7 гектардан ортиқ экин ери бўлгани ҳақида маълумот келтирилган (*қаранг: Раҳмонов А. Авлодлар манзили. Кармана, 1996. 7-бет*).

У Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олиб, яссавия тариқати шайхларидан бўлган Кўх Нур Мавлавий ва Шайх Худойдодлардан тариқат сирларини ўрганган (*қаранг: Қосим Шайх. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-том. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. 113-бет*). Ёшлик давриданок Шайх Худойдоднинг зикри самоларида қатнашган. Устозининг панд-насихатлари, тасаввуфий ваъзаларини эшитиб, уларга қатъий риоя қилишга интиланган.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий”, Ҳасанхўжа Нисорийнинг “Музаққир ул-ақбоб”, Олим Шайх Азизоннинг “Ламаҳот мин нафаҳот ал-қудс”, Муҳаммад Тоҳир Эшон Хораз-

мийнинг “Тазкират ул-авлиё”, Сайид Муҳаммад Носириддиннинг “Тухфат уз-зоирин”, Шарафиддин Роқимийнинг “Тарихи томм” каби асарларида Қосим Шайх ҳақида маълумотлар учрайди.

Булар орасида “Тазкират ул-авлиё” (у “Тазкирайи Тоҳир Эшон”, “Тазкирайи нақшбандия” ҳам дейилади) Қосим Шайх ҳаёти, фаолияти, насаби ва шогирдлари ҳақида тўлиқ маълумот берилгани билан ажралиб туради. Асар 1744 йили ёзилган. Унинг кўплаб қўлёзма нусхалари ЎзФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар хазинасида сақланади (*масалан, инв. №69, 75, 6832*).

Қосим Шайх саксон ёшида вабо касалига йўлиқади. Хасталик тарқалмаслигини ўйлаб, хос муридларига уни кўришга келган кишиларни олдида киритмасликни тайинлайди. Манбаларда келтирилишича, Қосим Шайх ўзига шу касалликни бериб, юрт аҳлини ундан халос қилишни Оллоҳдан сўраган ва бу дуо ижобат бўлган. Шу тариқа Қосим Шайх ҳижрий 986, милодий 1578 йили Карманада вафот этади ва ўз хонақоҳи ёнида дафн этилади.

Яссавия тариқатининг бошқа вакилларида фарқли ўлароқ, Қосим Шайх ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол бўлиб, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этган. Замона ҳукмдори бўлмиш Абдуллахон Иккинчининг Бухоро хонлигини бирлаштириш ва марказлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлаган. Тарқоқ бекларни яраштириш, марказий ҳокимиятга бўйсундириш ишларида фаол қатнашган. Бир муддат пойтахт Бухорода ҳам истиқомат қилган (*қаранг: Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб. Тошкент, "Шарқ", 1999. 222-бет*).

1551 йилдаги Кармана сулҳи Қосим Шайхнинг шуҳратига шуҳрат қўшиб, диний, сиёсий нуфузини янада оширди. Шу йили у, шаҳзода Абдуллахон илтимосига кўра, Кармана кўрғони мудофаасини ташкил этиш ҳамда муҳолиф билан сулҳ тузилишида шахсан ташаббус кўрсатди, музокараларда бевосита иштирок этди. Абдуллахон Иккинчи Қосим Шайхга қўл бериб, унга мурид тушади ва пирига "Азизон" деб мурожаат қилади. Хон бирор хайрли тадбир бошламоқчи бўлса, аввал пирининг маслаҳат ва дуосини олиб, кейин ишга киришган. У Қосим Шайхга Карманадан то Хомработгача бўлган ерни инъом қилади. 1558 йили эса Карманда махсус хонақоҳ қурдилади. Бу Абдуллахон тахтга ўтирганидан кейин барпо этган дастлабки иншоотлардан ҳисобланади (*қаранг: Ҳотамов А., Бекниёзов Н. Кармана – қадимий диёр. Тошкент, "Ўзбекистон", 2007. 76 – 78-бетлар*). Бу тарихий факт Бухоро хонлиги ижтимоий ва маънавий ҳаётида яссавия шайхларининг мавқеи ортиб бурганидан далолат беради.

1532 йили Шайх Худойдод Валий вафот этади. Шундан сўнг Қосим Шайх яссавия тариқатининг етакчи шайхларидан бирига айланади. Атрофига кўплаб муридлар тўплайди, улар орасида шайбонийлар сулоласи вакиллари ҳам бор эди.

Қосим Шайх яссавия тариқати силсиласида 22-ҳалқа ҳисобланади: Муҳаммад (с. а. в.), Абу Бакр Сиддик, Салмон Форсий, Қосим ибн Муҳаммад, Имом Жаъфар Содик, Боязид Бистомий, Абул Ҳасан Харақоний, Абу Али Формадий, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний), Занги ота, Сайид ота, Садр ота, Эломон ота, Али Шайх, Мавдуд Шайх, Ходим Шайх, Шайх Жамолiddин, Шайх Худойдод, Хўжа Муллои Нурий, Қосим Шайх (*қаранг: Ўзбекистон Марказий давлат архиви ф. и. 323, ол. 2, инв. 90*).

"Музаққир ул-аҳбоб" асари муаллифи Ҳасанхожа Нисорий ҳам Қосим Шайхни ўзига пир тутган. У муршидини, жумладан: "Қосим Шайх Азизон вужуддан кечмоқ ва вужудни дариг тутмаслик назариётини чунонам мартабасига етказганлар" дея улуғлайди (*Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир ул-аҳбоб. Тошкент, "Халқ мероси", 1993. 35-бет*).

Қосим Шайх вафотидан сўнг Туркистон, Ўтрор, Хоразм, Бухоро ҳудудларида яшовчи муридлари унинг ишларини давом эттиради. "Тазкират ул-авлиё" асаридаги маълумотларга кўра эса, Қосим Шайхдан кейин яссавия силсиласи Туркистон, Ўтрор ва Аму воҳасида кенг тарқалди (*қаранг: Муҳаммад Тоҳир Эшон. Тазкират ул-авлиё. ЎзФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар хазинаси. Инв. №7017*).

Қосим Шайх Азизон ҳақидаги асарларда унинг "Биз тўрт силсиладан рухсат олганмиз" деган эътирофи келтирилади (*қаранг: Суюндик Мустафо Нурутий. Кармана азизлари. Тошкент, "Муҳаррир", 2010. 109-бет*). Бу маълумот унинг яссавия, кубровия, қодирия, нақшбандия шайхларидан таълим ва пирлик ижозати олганини кўрсатади. Бу – тасавуф тариқатлари тарихида камдан-кам кузатиладиган ҳолат.

XVI асрда Бухоро шаҳрининг қибла тарафидаги Чорбакр мажмуасида макон тутган Жўйбор хожалари нақшбандия тариқатида юқори нуфузга эга эди. Ўз даврида нақшбандиянинг пешвоси бўлган жўйборий шайхлардан Хожа Саъд Карманга – Қосим Шайх ҳузурига келади. Бу икки тариқат пирининг самимий дўстона суҳбати қудачилик билан яқунланади.

Қосим Шайхнинг "Радди шия" ("Шиачиликни рад этиш") асари борлигини XX аср бошларида яшаган немис шарқшуноси Карл Броккельман эслаб ўтган бўлса-да, у ҳозиргача топилмаган.

Қосим Шайх Азизон ҳам, пири Ҳазрат Шайх Худойдод сингари, бойлик орттириш ва подшолардан назр-ниёз олишни хуш кўрмас, иложсиз қабул қилган тақдирда ҳам, уни бева-бечора ва муҳтожларга тарқатишни афзал билар эди.

Мустақиллик йилларида бу авлиё зот мангу кўним топган мажмуа таъмирланиб, муқаддас зиёратгоҳлардан бирига айлантирилди.

Сардор ҚУВОНОВ,

Навоий давлат Педагогика институти мустақил тадқиқотчиси

Xonning Fuzuliya taxmisi

Жаҳон ва миллий адабиётимиз тарихида эр-хотиннинг шоиру шоира эканига мисоллар кўп. Лекин оилада, ота-онадан ташқари, фарзанднинг ҳам етук шоир бўлиши ноёб ҳол. Кўкун адабий муҳитининг ёрқин вакилларида бўлмиш Амир Умархон ва Нодирабегимнинг ўғли Муҳаммад Алихон (тахминан 1803/06 – 1842 йиллар) ҳам "Хон" тахаллуси билан шеърлар битган. Унинг Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий ижодига ихлоси баланд бўлган (*қаранг: Россия ФАнинг Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари институти фонди, D400 рақамли қўлёзма, 3^{а-б}-варақ*).

Муҳаммад Алихон икки улуғ шоир ижодини халқ орасида кенг тарғиб қилишда ибратли ташаббуслар кўрсатган. "1889 йилда унинг махсус фармойиши билан "Хазойин ул-маоний" 300 нусхада кўчиртирилиб, хонлиқнинг турли шаҳарларига жўнатилган" (*Жўрабоев О. Хон адабий меросига доир. "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали. 2017 йил, 6-сон. 127-бет*).

Хоннинг шу кунгача аниқланган ижодий мероси юзга яқин шеър ва бир неча мактубдан иборат. Ўзбек тилида ғазал ва мухаммас, форс-тожик тилида эса рубоий ва фард ёзган. Бизгача етиб келган адабий мероси ичида мустақил асарлар қаторида Навоий, айниқса, Фузулийга эргашиб ёзилган татаббуъ ва тахмислар алоҳида ўрин тутди. Хон Фузулийнинг "Сайр қил, кўрким, гулистоннинг на обу тоби вор, / Ҳар тараф минг сарви сарсабзу гули сероби вор" (*Муҳаммад Фузулий. Қалб гавҳари. Тошкент, "Hilol nashr", 2014. 114-бет*) деган матлаъ билан бошланган ғазалига Хон "Дизмаки, мужгона чашмим гавҳари сероби вор, / Кўйида ёри нисор этмакка хуш асоби вор" (*"Хон адабий меросига доир", 128-бет*) деб жавоб ёзган. Фузулийнинг "Ул паривашким малоҳат мулкининг султони, / Ҳукм онинг ҳукми, фармон анинг фармони" (*"Қалб гавҳари", 110-бет*) деб бошланувчи ғазалига Хон татаббуъ боғлаб, мақтаъда "Ўтлиғ оҳи тожи зардур, қон ёши тахти равон / Бу чашм бирла маломат кишварининг Хонидур" (*"Хон адабий меросига доир", 129-бет*) дейди. Озарбойжон шоири ёрни "малоҳат мулкининг султони" деса, Хон "маломат кишварининг хони" дея ўзининг ижтимоий мавқеи ва тахаллусига ишора қилган ҳолда нозик сўз ўйини қўллади.

Хоннинг бу каби муваффақиятли чиққан татаббуълари талайгина. Фузулийнинг "Карам қил, кесма соқий..." сўзлари билан бошланган ғазалига Хон тахмис ҳам боғлаган. Асос ғазал 9 байт, Хон фақат 5 байтдан фойдаланиб, мухаммас яратган. Баъзи парчаларни таҳлил қилсак:

*Фигонким, жисмими поймол қилди ақди халхоли,
Бирахти дуди савдо бошим узра анбарин холи,
Банга маълум эмаз ул кўя душти кўнғлим аҳволи,
Сабо, кўйинда дилдоринг надур афтодалар холи,
Бизим ердин келурсан, бир хабар вер ошнолардан.*

Мумтоз адабиётда ошиқ аксар ҳолларда сабо – майин шамол орқали маъшуқа билан хабарлашади. Лекин Фузулийнинг лирик қаҳрамони сафдошлари – дилдор кўйида афтода бўлган ошноларидан хабар олгиси келиб сабога мурожаат қилмоқда. Нега? Чунки ишқ йўли ниҳоятда оғир, яна ҳалокатли ҳам. Бу йўлда фақат ҳамдард ошиққина ошиқнинг тафтини олади. Ўша ҳамдардлардан бири Хоннинг лирик қаҳрамони бўлиб, Фузулийнинг лирик қаҳрамонига ёрнинг "ақди халхоли" – оёғига тақилган тақинчоқ тугунидан поймол бўлгани, "анбарин" – хушбуй қора холи бошида қора тутун пайдо қилгани ва натижада кўнгли номаълум ҳолатга тушганидан фиғон қилади. "Оғунинг шифоси – оғу" деганларидек, бу фиғон фузулиёна дардга хонвор тасалли бўлади ва у қалбда бир қатим нурдай висол таманноси – орзусини уйғотади:

*Дили зоримда ясонган анбарин мўлар таманносин,
Дегил: "Тарк этмаким гулрух санамлар зулфи савдосин",
Сани ҳиндинг-ла мушкулдур қатлму дардим мудовосин,
Дема зоҳидки: "Тарк эт сиймбар бутлар тамошосин",
Баниким, қутқарар Танғри сотошдурмиш балолардан.*

Ўқирман ҳаёлида ҳамдард ошиқлар суҳбат қилаётгандек бўлади. Гўё бири (Хоннинг лирик қаҳрамони) иккинчисига (Фузулийнинг лирик қаҳрамони) қараб "Зор дилимда "анбарин мўлар" – хушбуй қора сочлар таманноси уйғонса, эй зоҳид, сен "Гулрух санамларнинг зулфи савдосини тарк эт" деб айтма" деган каби бўлади.

Хон учинчи мисрада нега айнан "ҳинд" сўзини қўллаган? Мумтоз шеърятимиз, жумладан, Навоий ижодида ёр сочи ранги ваҳждан ҳиндга қиёс-

ланади. Масалан, “Зулфинг очилиб орази дилжў била ўйнар, / Ҳинду бачае шўхдурур су била ўйнар” (*Алишер Навоий. Бир пари пайкар ғами. Тошкент, “Шарқ”, 2006. 82-бет*) деган байт бежиз ёзилмаган.

“Ҳинд” сўзи ёрнинг қора сочига тааллуқлигини билдик, лекин унинг мисрадаги “дард” ва “мудаво” – даво сўзларига нима алоқаси бўлиши мумкин?

Тахминимизча, Хон қадимдан Ҳиндистонда ривожланган ҳинд табобатига ишора қилган ҳолда “зоҳид” – дунёвий ноз-неъматлардан воз кечиб, фақат ибодат билан машғул бўлганларга қарата бундай демоқда: “Эй зоҳид, ёрнинг қаро зулфи – мен учун дордир ва у мени қатл қилиши муқаррар. Бу дардга сенинг ҳинд миллатига мансуб энг маҳоратли табибинг ҳам шифо топа олмайди. Бас, менинг ҳалок бўлишим аниқ экан, кумуштан гўзалларни томоша қилишимга моне бўлма. Зеро, Тангри менинг бошимга солиб, ҳолдан тойдирган бу балолардан гўзалларнинг висолдан бошқа нима кутқариши мумкин?!”

Тахмининг навбатдаги бандига юзланамиз:

*Дағил беҳуда манзур этдугум ул кўй тамкини,
Ки дуфроғи-ла равшан этмишам чашми жаҳонбини,
Гар истарсен сирешким селини дафъ этмак ойини,
Табибо, хоки кўйи ёрдиндур ашк таскини,
Биза ортурма заҳмат, кўз ёшитур тўтиёлардан.*

Ушбу бандда ҳинд табобати мавзуси дардманд ошиқларга доим соғлиқ истаб насиҳат қиладиган

“табиб”га уланади. Аммо ишқ дардидан бегона табибнинг насиҳати ошиққа ёқмайди. Шу боис ошиқ унинг ҳар қандай ғамхўрлигини рад этади. Бу сафар ҳам шу ҳол такрорланиб, табиб ошиққа ёрнинг “ул кўй тамкини” – оғир, таҳликали кўчасига киргани “беҳуда” эканини билдиради. Ошиқ эса ёр кўчасининг туфроғи сабаб унинг кўзи янада равшан торганини, аксинча, табиб кўзёш селини бартираф қилмоқчи бўлса, маъшук кўчаси хокини кўзга суришига монелик қилмаслигини, зеро, маҳбуб пойининг тутиёси кўз нурига нур қўшишини таъкидлайди.

Мусулмон оламида ҳар қандай гўзал суҳбатлар дуо билан якунлангани сингари, ушбу тахминнинг сўнгги бандига илтижо руҳи устувор:

*Банга, эй чархи кажрафтор, жавру қаҳр оз айла,
Дамодам ўдлуғ оҳим шуъласиндан ахтар оз айла,
Паривашларга Хонтек нағмаи “Ушшоқ” соз айла,
Фузулий, нозанинлар кўрсанг, изҳори ниёз айла,
Тараҳхум умса айб ўлмаз гадолар подшопардан.*

Фузулий ижодига ота-онаси сингари муҳаббати чексиз бўлган Хон мазкур тахмисида буюк озарбойжон шоири аъналарини ўзига хос тарзда давом эттириб, асос ғазалдаги манзарани ўқувчи кўз ўнгида янада рангин ва таъсирчан гавдалантиришга эришган.

РУСТАМ ТУРСУНОВ,
мустақил тадқиқотчи

“Sozlar munozarasi” tegrasida mulohaza

XV асрга келиб ўзбек мумтоз адабиётида мунозара ҳам мустақил жанр, ҳам бирор асарнинг таркибий қисми шаклида ривожланди. Бу даврда форс-тожик адабиётида яратилган мунозараларнинг таъсири катта бўлган; Аҳмадий, Юсуф Амирий ва Яқиний асарлари кўп жиҳатдан Асади Тусийнинг “Мунозараи шабу рўз” (“Тун билан кун мунозараси”), “Мунозараи осмону замин” (“Осмон билан ер мунозараси”), “Мунозараи габру муслим” (“Кофир билан мусулмон мунозараси”), “Мунозараи араби ажам”ига (“Араб билан ажамлик мунозараси”) ўхшаб кетади.

Аҳмадий исмли шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар ҳозирча фанга маълум эмас. Шоирнинг биргина “Созлар мунозараси” асари бизгача етиб келган, унинг XIV асрда кўчирилган ягона нусхаси Британия музейида сақланади.

“Созлар мунозараси”да чолғулар орасидаги тортишув қаламга олинган. Асар шезрий ва насрий йўлда ёзилган бўлиб, бошланишида шоир насрда ҳамд, наът ва китобнинг ёзилиш сабабларини келтириб ўтади. Мунозара “ғам бирла хиромон” муаллифининг тун ярмидан оққанда ташқари чиқиши, юра-юра бир хароботга бориб қолиши, у ерда пири

хароботнинг маст ҳолда ётишию унинг қошидаги созларнинг бирма-бир баҳсга киришаётгани тасвири билан бошланади. Тортишувда аввал танбур ўзининг барча созлардан афзаллигию устунлигини баён қилади.

Аксар мунозараларда икки томон баҳси берилса, Аҳмадий мунозарасида бир чолғу етти чолғу билан баҳсга киришади: уд, чанг, қўбуз, ётуғон, рубоб, ғижжак, кунгура – танбур билан мунозара қилади.

Таъкидлаш керакки, мунозаранинг муҳим жанр хусусиятларидан бири ўз устунлигини билдириш учун далил келтиришдир. Аҳмадийда биринчи томон – танбурнинг далиллари:

*Дарду алам баҳрида мен ғарқи ишқ,
Шуъла вужудимдин урур барқи ишқ.*

Иккинчи томон – уднинг далиллари:

Барчангизга шоҳмен, оҳангим пок.

Чангнинг далиллари: “Барчангизнинг устозингиз, айшу тарабнинг бунёдимиен, шоҳ билан ҳамсуҳбатмен, тўтийи ширинсуханмен”.

Мунозара мутолааси давомида рубоб ва ғижжакка оид баъзи мисралар эътиборимизни тортди. Рубоб ўзи ҳақида “*Гарчи шариятта чу бегонамен, / Аҳли тариқат била ҳамхонамен*”, дейди. Танбурнинг эса рубобга қарата айтган таъналари бундай:

*Сени Абу Бакр раббони уруб,
Кўйди мулинглар элига топшириб.
Бангаги бўлиб жами мулинглар сени
Навбат ила хушлар урурлар сени.*

Алишер Навоийнинг “Насойим-ул муҳаббат” асарида авлиё Хирмоний тилидан “беҳишт эшигининг калити” дея таърифланган рубоб шариятга бегонами? Нима учун айнан рубоб “шариятга бегонамен” дея афсус чекапти? Абу Бакр раббони ким? Мулинглар-чи? Ушбу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Тилшунос олимларнинг фикрича, “раббоний” сўзи “Раб”га, яъни Парвардигорга нисбат берилган ягона масдардир. “Оллоҳга мансуб” маъносини беради. Раббоний инсон Оллоҳ билан алоқадор, Унинг дини ва китобини ўрганувчи ҳамда бошқа ўргатувчи кишидир. Қуръони каримда “Балки уларга Оллоҳнинг китобини одамларга таълим бериб ва ўзингиз ўқиб-ўрганиб Раббонийлар бўлинг” (“Оли Имрон”, 79-оят) дейилади. Юқоридаги

мисраларда улуғ саҳоба Абу Бакр Сиддиқ назарда тутилган бўлса ажаб эмас.

“Мулинг” сўзининг маъносини “Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”дан ҳам, “Ғиёс ул-луғот”дан ҳам, “Фарҳанг...”дан ҳам топа олмадик. Шундай бўлса-да, мулинг сўзи ўз маъноси сирларини очар деган умидда маълумот излаб, қуйидаги ҳадисларга дуч келдик: “Имом Бухорий, Муслим ва Насайй Ойша онамиз розияллоху анҳудан ривоят қиладилар: “Абу Бакр кирганида, олдимда ансорийларнинг қизларидан икки қизча Буос кун ансорлар айтган нарсани қўшиқ қилиб айтаётган эдилар. Икковлари қўшиқчи эмасдилар. Шунда Абу Бакр “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг уйларида шайтоннинг нағмаси бўляптими?!” деди. Ўша кун Ийд кун эди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам “Эй Абу Бакр, ҳар бир қавмнинг байрами бор. Бу бизнинг байрамимиздир” дедилар”.

Бошқа бир ривоятда эса бундай дейилади: “Абу Бакр унинг (Ойша) олдига Мино кунларида кирганда, унинг ҳузурда икки қизча қўшиқ айтар ва дуфф (доира) чалар эдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) эса кийимларига бурканиб ухлаб ётар эдилар. Абу Бакр икковини сўкиб тўхтатди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бошларини очиб, “Тек қўй уларни, эй Абу Бакр, бу кунлар Ийд кунлари” дедилар”.

Юқорида келтирилган ҳадисларда қизларнинг доира чалаётгани ва Абу Бакр Сиддиқнинг уни ман қилгани баён этилган. Лекин у ман этган мусиқа асбоби рубоб эмас, доиралигига эътибор берайлик. Бундан ташқари, доира зарб билан уриб, рубоб чертиб чалинади. Мунозарада эса “*Бангаги бўлиб жами мулинглар сени / Навбат ила хушлар урурлар сени*” дейилган. Бизнингча, “Созлар мунозараси”даги рубоб таърифланган байтлар аслида доирага тегишли. Бу ўз-ўзидан мулинглар билан боғлиқ, юқоридаги фикримизни исботлашга ёрдам берадиган кейинги хулосамизга йўл очади: мунозарадан англашиладики, мулинг сўзи қайсидир қавмга нисбатан ишлатилган бўлиб, таърифдан мулингларга халқ орасида пастроқ назар билан қаралгани сезилиб турибди. Мулинг лўлиларга ишора бўлиши мумкин. Лўлиларнинг беш гуруҳи бўлиб, уларнинг уч гуруҳи араб истилосидан сўнг ислом динини қабул қилмай, чекка ҳудудларда қолиб кетган оташпарааст аҳолининг қолдиқлари деб қаралади. Аҳмадий мунозарасида тилга олинган,

Абу Бакр (р.а.) ўзи ёқтирмагани сабаб оташпараст лўлиларга бериб юборган мусиқа асбоби – доирадир.

Биламизки, чилдирма билан доира бир чолғунинг турлича номи ҳисобланади. Лўлилар учун доира энг сеvimли мусиқа асбоби экани ҳам маълум. Хўш, барча таърифлар доирага бориб тақалса-ю, муаллиф нима учун уларни рубобга дахлдор этмоқда? Аҳмадийнинг мунозарада доирага тегишли таърифларни келтириб, лекин “рубоб шариятга бегона” деб ёзишига айрим сабаблар бўлган. Биз-

нингча, муслмон оламидаги “Мусиқа тинглаш ҳаромми?” қабилидаги мусиқага ихтилофли муносабат шоир яшаган даврга ҳам хос бўлган. Баъзи дин уламолари ўша даврда ҳам мусиқани шариятга бегона деб билганидан шоир шу қарашни халқимиз орасида доирага қараганда оммавийроқ мусиқа асбоби бўлган рубоб орқали ифода этган бўлса ажаб эмас.

Севинч ПЎЛАТ қизи,
ТошДЎТАУ магистранти

Kitobga oshiq jahongir

Кўплаб буюк сиймолар сингари Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз даврининг маърифатпарвар ҳукмдори сифатида китобни қадрлаган. Ёшлигиданоқ мутолаа воситасида билим олишга, одил ва фозил кишилар қолдирган маънавий меросни ўрганишга интилган.

Манбаларга кўра, Темурбек ўн тўрт ёшида Кеш шаҳридаги Абдулла Қутб мадрасасида ўқиб юрган кезларида Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий” китобидан ўзига ёққан жойларини ёд олган. У севиб ўқиган ва кўп жойларини ёд олган яна бир шеъринг асар – озарбойжонлик шоир Маҳмуд Шабистарийнинг “Гулшани роз” (“Сирлар гулшани”) номли китоби бўлган экан” (Қодиров П. *Амир Темур сиймоси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2007. 12-бет*).

Озарбойжонга юриши вақтида Шабистар кишлўгининг номи Темурга Маҳмуд Шабистарий ва унинг “Гулшани роз” китобини эслатади. Сўраб-суриштирилганида маълум бўладики, Шабистарий чиндан ҳам шу қишлоқда яшаб ўтган, унинг қабри эса қаровсиз ҳолда экан. “Шунда Амир Темур ўз одамларига фармон бериб, қабр ўрнида мўъжаз бир мақбара қуришни, атрофдан мақбарага қарашли вақф ер ажратишни, ундан келадиган даромадлар ҳисобига боғ барпо этиш ва шоир қабрини зиёратгоҳ каби обод сақлашни буюради. Бундан ташқари, Соҳибқироннинг махсус буйруғига асосан Шабистар аҳолисининг ёши ўн беш ёшдан юқори бўлган фуқароларининг ҳар бирига (3891 нафар) беш мисқолдан (1 мисқол – 5 грамм) умумий ҳисобда 19455 грамм, яъни бугунги ҳисобда салкам 20 кило олтин улашилади” (Брион М. *Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур. Тошкент, “Ёшлар матбуоти”, 2023. 27-бет*).

Темур саройида котиб бўлган ва унинг ҳаёт йўлини чуқур ўрганган тарихчи Ҳафиз Абду бундай ёзган: “Амир Соҳибқирон мактабда ўз тенгқурларидан сабоқда ўзи кетарди. Балоғат ёшига етгунча илм, адаб, хат ва суҳанворлик касб этди. Ундаги теран билим шижоатга пайванд бўлди ва шундан сўнг амирлик мансабини эгаллади” (Ҳафиз Абду. *Зубдат ут-таворих. Туркиядаги “Фотиҳ” кутубхонаси. Инв. №4371. 14-саҳифа*).

Соҳибқирон аскарларига фатҳ этилган мамлакатнинг олиму фузалолари, юксак истеъдод ва хунар эгалари, ноёб кўлёмалари, қайси дин бўлишидан қатъи назар, ибодатхоналарига зарар етказмасликни буюрган. Унинг салтанатида ўз даврининг энг катта ва бой “Дор ул-кутуб” (“Китоблар уйи”) кутубхонаси нодир китоблар ва ноёб кўлёмалар билан тўлдирилган. Уларни сақлашга, асраб-авайлашга катта эътибор берилган (қаранг: *Амир Темур – жаҳон тарихида. Тошкент, “Шарқ”, 2001. 91-бет*).

Самарқанддаги сарой кутубхонаси жуда машҳур бўлган. Рус олими Дмитрий Логофетнинг ёзишича, “Амир Темур ҳукмронлик қилган дастлабки йилларда мазкур кутубхона Шаҳрисабзда бўлган. Кейинчалик Самарқандга кўчирилган” (*Саломова М. Темурийлар даврида кутубхоналар. “Маърифат” газетаси, 2004 йил 4 декабрь*). Мазкур кутубхонада юнон, лотин, форс, сурёний, арман ва бошқа тиллардаги энг ноёб кўлёмалар сақланган. Таъкидлаш жоизки, барча китоблар XI – XII асрлардаги машҳур кутубхоналар сингари, фанлар бўйича жойлаштирилиб, махсус сандиқларда сақланган. Сарой кутубхонасида ўз даврининг етук олимлари ҳисобланган Мавлоно Абдужаббор

Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунший, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нўъмониддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Хокийлар Амир Темур ҳомийлигида илмий-ижодий фаолият олиб борган” (Файзиев Х. *Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ривож. Республика илмий-амалий конференция материаллари. 11-китоб. Тошкент, 2021. 172 – 173-бетлар*).

Темур сарой аҳли, турли лавозим эгалари, жамият аъзоларининг ҳам саводли бўлишини муҳим деб билган. Соҳибқирон фикрига кўра, “Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир” (*Амир Темур ўғитлари. Тошкент, “Наврўз”, 1992. 59-бет*).

Yer ostida yashirin tamaddun

Инсоният тамаддуни бугунги кунга қадар ривожланишининг бир неча босқичини бошидан кечирди. Одамзод тафаккурида, кундалик ҳаётида маданий, маънавий жиҳатдан улкан ўзгаришлар рўй берди. Турли тил ва миллатлар, диний эътиқод ва маданиятлар вужудга келди, яна кўплари заволга юз тутди.

Халқлар маданияти, эътиқоди, тилларининг бир-биридан фарқли тарзда вужудга келиши аввало улар яшаб турган географик ҳудуд ҳамда шарт-шароит таъсирига боғлиқ. Кўп ҳолларда этник, сиёсий ва маданий жиҳатдан йирик қабила ёки элатларнинг кичикроқ қабилаларга таъсири ортиб бориши натижасида янги маданиятлар, янги халқлар, янги тиллар вужудга келди. Жумладан, қадимда Ўрта Осиё ҳудудида мавжуд бўлган маданият замирида эллинизм (эллин) маданияти шаклланди.

Эллинизм – Македония, Юнонистон, Ўртаер денгизининг шарқий соҳиллари, Фарбий Осиё, Қора денгиз атрофидаги мамлакатлар тарихининг Александр (Искандар) истилосидан (мил.ав. 334 – 323 йиллар) мил.ав. 30-йили Рим қўшини томонидан ишғол этилгунга қадар бўлган даври.

“Эллин” атамаси илм-фанда дастлаб немис олими Йоханн Дройзеннинг 1836 – 43 йилларда чоп этилган 2 жилдли “Эллинизм тарихи” асарида қўлланган. Бу атама эллин ва Шарқ халқлари маданияти уйғунлашувидан ҳосил бўлган янги маданиятни англатган. Мазкур уйғунликни ҳозирги

Инсоният тарихида ўтган айрим ҳукмдорлар урушларда эришган ғалабасидан сўнг ноёб китоб ва кўлёмаларни ёқиб юбориб, таълим масканларини яқсон қилган. Темур эса, аксинча, қайси юртда бўлмасин, китоб ва ноёб кўлёмаларни тўплаб, уларни асраб-авайлаган ҳолда Самарқандга жўнатган. Бундан мақсад пойтахтини дунёнинг энг йирик маданий марказига айлантириш эди. Амир Темур фан ва маданият арбоблари, хунармандлар бир жойга жамланса, кутубхоналар қанча кўп ва бой бўлса, мамлакатда илм-фан ва маданият шунча тез ривожланишини теран англаган.

Комилжон СУЛТОНОВ,
ЎзФА Темурийлар тарихи давлат музейи
илмий ходими

кунга қадар сақланиб қолган тарихий обидалар ва археологик топилмалар (моддий, маиший осори атиқалар, кулолчилик, заргарлик, хунармандлик буюмлари, деворий суратлар, ҳайкаллар, меҳнат қуроллари, меъморий объектлар ва бошқа қимматли манбалар) мисолида кузатиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, эллин маданияти бу Шарқ Фарб халқлари маданияти қоринмасидир.

Бугунги кунда Ўрта Осиё ҳудудида антик даврга оид бўлган минглаб тарихий масканлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон бундай тарихий объектларга бойлиги билан дунё олимларию сайёҳларини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Самарқанд шаҳридаги қадимий Афросиёб шаҳри қолдиқлари, Термиздаги Зурмала (мил.ав. II аср), Айритом (мил.ав. I – IV асрлар), Деновдаги Холчаён (мил.ав. IV аср), Шўрчи туманида жойлашган Далварзинтепа ёдгорлиги, Шеробод туманидан топилган Жарқўтон (мил.ав. 2-минг йиллик), Кампиртепа, Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган Тупроққалъа каби антик маскан харобалари юртимизда қадимдан давлатчилик, маданият ва санъат гуллаб-яшнаганидан далолат беради. Бу манзиллар географик жиҳатдан Амударё ва Сирдарёга жуда яқин жойлашган. Сабаби – бу халқлар у даврга келиб ўтроқ ҳаёт тарзига ўтган, деҳқончилик, хунармандлик, савдо-сотиқ билан шуғулланган. Ўтроқлашув, маданий ҳаёт тарзига ўтиш ўз навбатида тасвирий санъат, амалий санъат, ҳайкал-

рошлик, кулоплик, мусиқа каби тармоқларнинг вужудга келиши ва ривожланишига замин ҳозирлаган. Юқоридаги манзилгоҳлардан топилган ҳайкаллар, деворий суратлар, ёзма битиклардан ўша давр кишиларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, давлат бошқаруви шакллари ҳақида маълумотлар олиш мумкин. Сўзимизнинг исботи ўлароқ биргина Айритом манзилгоҳи ҳамда у ердан топилган деворий фризлар ҳақида қисқача маълумот берсак.

Айритом – ўзбек халқининг қадимий тарихи ва маданиятидан гувоҳлик берувчи кўҳна шаҳар манзилгоҳларидан. Термиз шаҳридан 18 км шарқда, Амударё қирғоғида жойлашган. Айритом моддий-маданий ёдгорликлари халқимизнинг кушонлар давридаги тарихи, маданий мероси ва санъатини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ҳудудидан топилган дунёга машҳур қадимий санъат намуналари орасида “Айритом фризи” номини олган археология топилмалари алоҳида эътиборга молик. Фриз археолог олим Михаил Массон томонидан 1932 – 33 йилларда топилди, тадқиқ қилинган. Мармарсимон оҳак қоришмасидан ясалган бу фриз бир замонлар Термиз яқинида, Амударё қирғоғидаги будда ибодатхонасини безаб турган. Унда беш мусиқачининг тасвири туширилган бўлиб, ясалган даври ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Аксар тадқиқодчилар уни милодий I – II асрларига мансуб деб ҳисоблайди. Сергей Толстов, Галина Пугаченкова ва бошқа олимлар фикрича, фризда тасвирланган аёллар маҳаллий Бақтрия этник турига киради. Бу санъат асари кенг миқёсда шарқ-юнон маданияти деб номланган турли бадий анъаналар синтезини ўзида намоён этади. Унда будда фалсафий ғояларига асосланган юнон ва шарқий ҳинд ёки Гандхар маданияти уйғунлашади.

Буддашунос Сергей Олденбург фикрича, беш мусиқачи аёлдан иборат ҳайкалталтарошлик композицияси будда таълимотидаги “беш буюк овоз”ни (панча махашабда) билдиради. Улар “самовий мусиқачилар” деб ҳам номланади. Ушбу мураккаб синтезда фриздаги чолғулар алоҳида ажралиб кўринади. Ансамбль таркибида биз юнон, шимолий ҳинд, эҳтимол, Шарқий Туркистон ва маҳаллий соҳнадалик анъаналарини ҳам кўрамиз. Жумладан, икки симли пуфлаб чалинадиган чолғу – қўш авлос Олд Осиё ва қадимги Юнонистонда кенг тарқалган бўлиб, уни юнонлар қадимги трагедиялар намоишида ҳарбий чолғу сифатида ишлатган. Ўрта Осиё ҳудудида унга ўхшаш мусиқа асбоблари кам учрайди. Тўққиз торли, бурчакли кичик арфа Ўрта Осиёга хос чолғу ҳисобланади.

Айритом фриزلари топилганидан бир неча йил ўтиб Ўзбекистон ССР ҳукумати уларни Эрмитаж музейига ҳадя қилиб юборган. Саккиз қисмдан иборат фриزلарнинг учтаси мусиқачиларни акс эттиради ва улар Ўрта Осиё бўлими кўргазмасидан ўрин олган. Бу фриз қолганларига қараганда энг йириги бўлиб, барабанчи, лютнячи ва арфачи аёлларни акс эттиради.

Топилмалардан минтақада нафақат ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат, балки мусиқа санъати, хунармандлик, архитектура каби соҳалар ҳам раванқ топгани яққол намоён бўлади. Юртимизда бундай кўҳна манзилларнинг кўплиги эса аждодларимизнинг инсоният тамаддуни ривожига қўшган ҳиссаси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Асрор БОЗОРОВ,

*Термиз давлат университети
ўқитувчиси*



ILOHIY QONUNLARGA TERS BORIB

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят!

“Тафаккур”да босилаётган мақолалар диққатни тортади, ҳам тафаккурни чархлайди, ҳам баҳсга чорлайди. Мен ҳам ўзимни қизиқтириб келаётган мавзуда мактуб битаётиман.

Инсон – буюк мўъжиза, у яраланидан буён сир-синаотлар манбаи бўлиб келди. Лекин у ҳозир борлиқ билан мувозанатда яшаган чоқларида эришган ютуқларига раҳна соладиган экологик, техноген фожиаларнинг сабабчисига ҳам айланди. Бундан ташқари, руҳиятида содир бўлаётган табиат қонунларига зид ўзгаришлар сабаб ўз ҳалокати сари кўр-кўрона талпинаётган ишратпараст тўдага ҳам ўхшаб бормоқда. Бу сира ўзгаришлар одамзод наслининг айнишидек яна бир глобал хавф-хатарга доялик қилди. Ғарбда кузатилаётган биржинсли никоҳлар, оиланинг йўқолиб бориши каби иллатлар Осиё, Африка ва Лотин Америкасига ҳам тарқалаётгани жуда ҳалокатли бўлиб, оқибатлари ядро урушидан-да оғир, назаримизда.

Оиладаги мувозанат эркакнинг кучли ва ташаббускор, аёлнинг эса нозик ва итоаткор бўлиши ҳисобига таъминланади. Ўринлар алмашиб қолса, ҳозир Ғарб тўқнаш келган ҳолат – аҳоли сонининг камайиб, йўқолиб кетиши хавфи тугилади.

Дунёнинг қай бир ўлкаларида кўпбағир оилалар деярли қолмаган, ёшлар ота-она, бобо-бувилардан алоҳида ҳаёт кечирини маъқул кўради. Яна айримлари никоҳсиз яшаб юради, тўй қилиш, расмона оила қуришига хоҳиш йўқ. Болаларнинг никоҳдан ташқари тугилиши оддий ҳол. Оила институти емирилган: ажралишлар, отасиз болалар, ёлғиз оналар кўп.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, носоглом гендер даъволари аёлларда психофизиологик жиҳатларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Баъзи нозик хилқат эгаларининг шаддодлашиб бораётгани шундан. Бинобарин, оммавий эътирозга сабаб бўлаётган “Эркак нимага керак?” каби баҳсли фикрлар бизнинг жамиятимизда огоҳлик қўнги-

роги сифатида кўрилмоғи, айрим давлатлар ўзи ботган ботқоққа бошқаларни ҳам тортишига зўр бериб уринаётгани соғлом ақл эгаларини ҳушёр торттирмоғи шарт.

Ислоҳ маданияти билан уйғунлашган бизнинг жамиятда момоларимиз азалдан рафиқини ҳурматлаб келган. Илоҳиёт ва табиат қонунларига зид равишида аёлни эркакдан устун қўйишига ҳаракат, буни олижаноблик сифатида кўрсатиши жамият ҳаётини зимдан издан чиқаришидир. Муаммонинг ечими кўп асрлик қадриятларимиз, ахлоқ меъёрларимизда мужжасам.

Умрини яшаб бўлган “цивилизация”га эргашиб йўқ бўлиб кетгандан кўра зеҳния-тимизни асрлар синовидан ўтган қадриятлар ила тўйинтириши; фарзанд тарбия-сига талабчанлик билан ёндашиши; каттага ҳурмат, ота-онани қадрлаш; уят-ан-диши, меҳр-оқибат, ҳалоллик, ростгўйлик, мардлик каби хислатларни оммага сингдиришимиз лозим.

Табиат қонунларига қариши бориб тараққиётга эришиб бўлмаслиги, акс таъ-сир қонунини нафақат табиатда, балки жамиятда ҳам амал қилишини идрок этиши вақти келди. Биз уни халқона тарзда “қайтар дунё” деймиз. Одам ёмон ниятлар билан яшаса, теғрасини бахтсизлик, фалокат, нафрат, ёвузликлар қамраб олиши, аксинча, яхшилик улашадиган, имонли, инсофли киши доим хурсандчилик, моддий ва маънавий тўқинликда яшаши маълум. Расули акрам (с.а.в.) ҳам “Ҳаё пардаси кўта-рилган жойда бошқа одамийлик хислатларига ўрин қолмайди”, деган эканлар.

Тараққиётнинг маълум босқичида диний ва дунёвий илмлар бир нуқтада бирла-шиши, сунъий интеллект, нанотехнологиялар, ген инженерлиги соҳалари охира-т тўғрисидаги тасаввурларимизни ўзгартириб юборишини тахмин қилиши мумкин. Чунки Холиқи Оламнинг илми, заковати, қудрати ва азаматини биз ҳатто та-саввур ҳам қилолмаймиз.

Балки инсониятга макон ва замон хусусиятларини ўзгартириши илмлари бери-лар; балки бу моддий олам виртуал оламга айланар; инсон онги ва сунъий интеллект юқори технологиялар ёрдамида бирлашиб кетар?.. Ўн саккиз минг олам деганда биз-нинг дунёмизга параллел борлиқлар ҳақида айтилгандир? Нима бўлганда ҳам, инсо-ния-т буюк ўзгаришлар даврига кириб бораётир.

Илмсиз дин ожиз, динсиз илм оқсоқдир, дейдилар. Инсоният ўз хатти-ҳаракат-лари билан юксалиши ёки таназзулга юз тутиши мумкинлиги муқаддас китобларда ай-тилган, одамзод учун фойдали ва зарарли ишлар аниқ кўрсатилган, уят-андиши, меҳр-оқибат, ҳалоллик, мардлик каби одамийлик хусусиятлари устувор бўлган жа-миятларнинг гуллаб-яшнаши баишорат қилинган. Меъёридан ошса руҳиятни буза-диган нафс, шаҳвоний ҳирс, кўркүв, жаҳл кабиларни бошқариши, тарбиялаш йўллари муқаддас таълимотларда тўла-тўқис кўрсатиб берилган.

Мавлоно Румий “Ҳикматни қадрига етганларга бер” дея эътиқодли инсонларни улуғлаган. Ҳазрат Навоий илми ўрганиб, уни ишлатмасликни хазинани ерга кўмиши билан баробар кўрган. Уларнинг ҳамда Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Ғаззолий, Аҳмад Яссавий каби ал-ломаларнинг ҳаётий хулосалари бир-бирига нақадар яқин экани кишини ҳайратга солади...

Худойберди УММАТОВ

Анджон вилояти Балиқчи тумани

SUMMARY

If Educated People Hold Their Tongues... An interview with literary critic Boqijon Tukhliev. pp. 4-17.

Today, the number of researchers with academic degrees in Uzbekistan is increasing. At the same time, there is sharp criticism of the scientific work being conducted and the dissertations being defended. Naturally, the rise in the number of amateurs who aspire to the title of scholar but are undeserving of this high honor negatively impacts the level of science in the country. This discussion delves into the quality and standard of scientific works in philology and the prospects for literary studies.

The Goal of Unity and Brotherhood. pp. 18-25.

In October 2024, Uzbekistan hosted two prestigious conferences: an international scientific-practical conference on the theme “Islam – A Religion of Peace and Goodness” held in Tashkent and Khiva, and another on “The Role of Imam Termizi’s Scientific Legacy in Islamic Civilization” in Termez. For reflection, the journal Tafakkur presents the opinions of world-renowned scholars such as Sheikh Ali Muhyiddin Qaradaghi, Mufti Muhammad Taqi Usmani, and Sheikh-ul-Islam

Allahshukur Pashazade, who spoke at these conferences. The scholars emphasized that humanity, particularly the Muslim community, must reform its way of thinking and lifestyle in the age of globalization.


Sanjar Saidov. Civil Society – Details and Analysis. pp. 26-33.

Building a legal democratic state, freedom of speech, and the priority of human rights and freedoms is inconceivable without a strong civil society. Individual freedoms can only be fully realized if society exercises control over state institutions, rather than the state controlling society. Transitioning to such a system is a long and challenging process, closely linked to the formation of civil society. In his article, Dr. Sanjar Saidov, a political science expert, analyzes the development of civil society in Central Asian countries.

Sadulla Otamurodov. When Will We Become a Nation? pp. 42-47.

Researching the origins and formation processes of the Uzbek people, many world-renowned scholars have conducted scientific studies, producing fundamental works in this field. Despite this, debates continue on whether the Uzbek people have fully formed as a nation. Some argue that the process is incomplete, while others believe it is complete. Sadulla Otamurodov, a professor and doctor of philosophy, shares his thoughts and observations on this pressing issue.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!




2024 йил журнал саҳифаларида эълон қилинган сара асарлари учун фаол муаллифлардан –

публицист **Аброр ҒУЛОМОВ** (“Туркистон легиони: ҳақиқат ва уйдирма” мақоласи, 1-сон);



публицист **Раҳимжон РАҲМАТ** (“Хотиржамлик, қайдасан?” фикралар туркуми, 1-сон);



публицист **Олим ТОШБОЕВ** (“Мудроқлар ва уйғоқлар” суҳбати, 2-сон);



ёзувчи **Абдуқажом ЙЎЛДОШ** (“Сусамбил” ҳикояси, 3-сон)

таҳрир ҳайъатининг қарорига асосан “Тафаккур” совриндорлари деб топилсин ва тегишли тартибда тақдирлансин.

Бош муҳаррир

Эркин АБЗАМ